

87.3(БКИТ)
К65

Күркү

КОНФУЦИЙ

Мұхоммад
ба баён

孔子
論語



Б.БР
11

87,3(5кит)
K65

Хўқмат ва моҳият

Конфуций

Муҳокама Ва баён

Қайта ва
тўлдирилган нашр

263877

ТОШКЕНТ
“ЯНГИ АСР АВЛОДИ”
2013

QIROATKUNA

“FARHOD” MS
KUTUBXONASI

УУК: 1(510)(092) Конфуций

КБК: 87.35(5)

К - 67

Конфуций

«Мұхомама ва баён» (Хикмат ва моҳият. -Т.: Яңги аср авлоди. 2013. 180 б.

ISBN 978-9943-27-013-8

УУК: 1(510)(092) Конфуций

КБК: 87.35(5)

Хитой тилидан таржима ва изоҳлар муаллифи:

Илҳом ҚОСИМОВ

Тақризчилар:

Бахтиёр Назаров,

филология фанлари доктори, академик

Мұхаббат Шарафутдинова,

филология фанлари номзоди, доцент

Юлдуз Қаюмхұжаева,

ҮзДЖТУ халқаро журналистика факультети хитой тили

үқитувчыси

ISBN 978-9943-27-013-8

© Конфуций, «Мұхомама ва баён» (Қайта ва түлдирилған қайта нашр). «Яңги аср авлоди», 2013 йил.

КОНФУЦИЙ ЎЗБЕК ТИЛИДА СЎЗЛАМОҚДА...

Конфуций инсоният эътироф эттан жаҳон миқёсидаги даҳо зотлардан биридир. Бу Хитой файласуфи ва мутафаккирининг таълимоти ватани тупроғида шакланиб, камол топган эса-да, йиллар, асрлар ўтиб дунёдаги кўплаб халқарнинг ижтимоий-сиёсий, адабий-маданий ва ахлоқий-маърифий тафаккурига баракали таъсир курсатди.

Конфуций милоддан аввалги 550 йиллар атрофида туғилиб, милоддан аввалги 479 йилда вафот этган. Ҳарбий иш билан машғул оиласда тарбияланиб, вояга етган. Ота-боболари юқори табақага мансуб кишилардан бўлган. Кейинчалик машҳур бўлажак унинг фалсафий-ахлоқий қарашлари, давлат ва бошқарув, шахс ва жамият ҳақидаги мушоҳадалари дастлаб тарбия топган ана шу оиласвий шароитда шаклана борди ҳамда бора-бора ўзининг ҳаётий тажрибалари билан тўйиниб, камол топди.

Мутафаккир Конфуций ёшлигидан таълим-тарбия олиш баробарида, ўзи ҳам ҳаётнинг бу долзарб соҳаси билан маҳсус шугулланди ва Хитойда замонасининг катта ҳурматга сазовор муалими сифатида шуҳрат қозонди. У асос солған мактабда оддий халқ вакилларидан ташқари, юқори мансаб-мартабали кишиларнинг фарзандлари таълим олди ва тарбия топди. Конфуций мактабда бола асосан тўрт фанни, албатта, билиши ва чуқур эгаллаши шарт, деб тушунди. Унинг фикрича, бу илмларсиз киши том маънодаги камолотга эришуви мумкин эмас. Булар: тил, адабиёт, ахлоқ ва сиёsat фанларидир.

Аксар даҳолар каби Конфуций ҳаётда кўпдан-кўп қаршиликларга дуч келди, фитна-фужурлардан қалби

яраланди. Давлат идораларида юксак мартабаларни эгаллаб турганида ҳам мухолифлари унга қарши үйбатларини тұхтатмадилар. Шу боис, унинг күпдан-күп чукур фалсафий мушоқадаларига, афоризм даражасига күтариlgан доно мулоқазаларига унинг муаллифи илм әгаллаш туфайли күлга киритилган натижалар сифатида змас, үзининг шахсий ҳаётій тажрибаларидан чиқарылған холосалар тарзидан ҳам қарааш түгри бұлади. Мұхтарам китобхон ушбу китобчада мұтафаккирнинг ана шундай қатор доно фикрларига дуч келади.

Буюк файласуф Конфуцийнинг катта ҳаётій тажрибаларидан чиқарған холосалари унинг «Мусоқаба ва мушоқада» («Мұхқама ва баён» – И.Қ.) номли китобида акс эттан.

Тарихда қызық бир парадоксга дуч келади киши. Бу айрим дақоларнинг буюк асарлари муаллифнинг ўз күли билан ёзилмай, улар томонидан юритилған мушоқадалар, холосалар, сұхбатлар, қилинған маърузалар ёхуд айтиб турилған фикрлар, мисраларнинг ўзгалар томонидан, күпинчә сухбатдошлар, шогирдлари томонидан ёзіб олинған, келажак авлодларга етказилиши, тарих мулкига айлантирилишидір.

Бунга Шарқдан ҳам, Farbdan ҳам күплаб мисоллар келтириш мүмкін. Мавлоно Жалолиддин Румийнинг күплаб буюк мисралари унинг шогирди томонидан қоғозга туширилгани маълум. Соҳибқирон Амир Темурнинг «Тузуклар»и ҳам котиб томонидан ёзіб олинған. Гегелнинг эстетикага доир машхұр асарлари файласуф маърузаларининг талабалар томонидан ёзіб олинған конспектлари асосида жамланған. Конфуцийнинг юқорида эътироф этилған «Мусоқаба ва мулоқаза» номли жаһонга машхұр китобидан ўрин олған фикрлар ҳам асосан шогирдлар, сұхбатдошлар, замондошларнинг Конфуцийга мансуб фикрларни тұплашлари, жамлашлари асосида юзага келған экан. Бамисоли буюк ҳадислар сингари.

Конфуций номи, шахси, таълимоти ўз давридан бошлабоқ шу қадар катта ҳурмат-эътиборга сазовор бўлганки, унинг қабри жойлашган ибодатхона милоддан аввалги 450 йиллар атрофидаёқ наинки оддий авом, балки Хитой императорлари ҳам келиб сифиандиган муқаддас зиёратгоҳга айланган. Ҳозирда мавжуд бу ибодатхонанинг жами беш юзга яқин хоналарини жаҳон сайёҳлари мунтазам тавоғ қиласидилар.

Конфуций таълимотидаги, фалсафасидаги ажралмас уч бирлик: инсонпарварлик (жэн), одоб ва ахлоқ (ли) ҳамда ҳосият (дэ) – унинг деярли афоризм дараҷасига кўтарилган доно фикрларининг ҳам асосини ташкил этади, дейиш мумкин. Сиз ушбу китобни ўқиб, бунга ишонч ҳосил қила оласиз.

Конфуций ва бизнинг Шарқ донишмандларимизнинг одоб ва ахлоқ, маърифат ва маънавиятга доир қарашлари ўртасида кўплаб яқин жиҳатларни учрашиш мумкин. Масалан, Конфуций таълимотига кўра, одоб нечоғлиқ тақомиллаша, инсонпарварлик руҳи билан ўғрилса, жамият шунга монанд тараққий этиши мумкин. Адолатнинг замири одобдадир. Одоб ва бурч муштараклиги, Конфуций холосасига кўра, жамиятнинг ахлоқ кодексини тутиб турувчи устунлар кабидир. Биз бунга яқин бўлган қарашларга Форобий, Фиждувоний, Беҳбудийларнинг фалсафий қарашларида, Навоий, Бобур, Огаҳийларнинг бадиий асарларида дуч келамиз. Назаримизда, Конфуций таълимотининг комил шахс хусусидаги айrim нуқталари ўртасида мустаҳкам боғланиш бордек кўринади.

Конфуций қарашларида, шунингдек, қонун ва жамият, шахс ва ҳукуқ, адолат ва маънавият, ҳокимият ва масъулият масалалари мухим ўрин тутади. Масалан, қонунчиликда майдалашшиб кетмаслик керак, дейди у. Бу масаладаги майдалашув, унинг фикрича, шахс ва жамият аро муносабатлар парокандалигини юзага келтириши мумкин.

Куринаадики, Конфуций бизга тарихан нечөглилік қымматли бұлса, замонавий жиҳатдан ҳам қатор ма-салаларда шунчалик яқын ва ақамиятлидир.

Бироқ бу Конфуций таълимоти биз учун, замона-миз учун мутлақо бекаму күст дегани эмас, албатта. Үнинг таълимотида, фалсафасида үз даври билан изох-ланувчи чекланишлар, бирёзламалыklар йүқ, эмаски, улар бизнинг замонамиз билан ҳамқадам бүлолмай-ди, албатта.

Донишманднинг умумбашарий қадрият касб этув-чи таълимот ва қарашлари биз учун азиздир. Чунон-чи, инсоният тақдирин муаммосида у оила феномени-га жуда катта ақамият беради. Шеърият ва мусиқа-нинг шахс камолотидаги үрнини биринчилар қатори-да деб билади. Шеърият шахснинг баркамоллашувига күмаклашишдан ташқари, жамиятни камол топти-ришда подшохға ёрдам бериши керак, деган фикрни айтади. Хитой тилидаги «вэн-сue» — «адабиёт» сўзининг асосини ташкил этувчи «вэн» ифодасини муомалага Конфуций олиб кирган дегувчи қарашлар ҳам бор.

Бизда Конфуцийга эътибор XX асрда жадидлар дав-риданақ күзга ташланади. Жадид зиёлилари маъри-фатпарварлик ғояларини, шахс камолоти ва тарбия муаммоларини, ҳалқ ва миллат тараққиёти йўлида әдолат, эътиқод, маслак, бурч ва жасорат тушунчала-рини талқин этишда үзимизнинг Шарқ даҳолари, француз маърифатчилари қаторида Конфуций таъ-лимотидаги қатор нуқталарга таянганликларига Беҳ-будий, Фитрат, Ибрат, Авлонийлар ижоди ва қараш-ларидан күплаб мисоллар келтириш мумкин. Бунга Авлонийнинг икки жилдлик танланган асарларидан қатор мисолларни келтириш мумкин. Ҳусусан, унинг «Туркий гулистон ёхуд ахлоқ» асари юзага келишида Саъдийнинг «Бустон» ва «Гулистон»идан ташқари, на-заримизда, Конфуцийнинг одоб ва ахлоқ ҳақидағи қарашлари ҳам сезилиб туради.

Мұхтарам китобхон!

Конфуцийнинг доно фикрларидан намуналар билан сиз шоир Саъдулла Аҳмад таржималари орқали маълум даражада танишгансиз. Саъдулла Аҳмад Хитой мутафаккирининг доно фикрларидан бир дастасини ниҳоятда гўзал ва шоирона тарзда ўтириб, «Жаҳон адабиёти» журнали орқали ўзбек китобхонларига тухфа қилган эди.

Ушбу китобдаги жажжи «асарлар» таржимаси ана шу меънатнинг узвий ва мантиқий давомидир. Лекин бу таржиманинг аввалгисидан асосий фарқи шундаки, улар ўзбекчага аслиятдан, яъни бевосита хитой тилидан ўтирилгандир. Бадий, фалсафий-ахлоқий асарларнинг ёхуд айрим парчалар, намуналар бўлишидан қатъи назар, уларнинг ўзбек тилига бевосита хитой тилидан ўтирилиши, маънавий ҳаётимизда эътироф этишга муносиб ҳодисадир. Ўзбек адабиёти умуман таржимага бой адабиёт. Жаҳон адабиётининг кўпдан-кўп намуналари тилимизга ўтирилган. Улар ичида бевосита аслиятдан ҳам, бавосита бошқа бир тил орқали ўтирилганлари ҳам оз эмас.

Лекин аслиятдан — бевосита хитой тилининг ўзидан ўзбек тилига ўтирилган асарлар узоқ асрлик тарих давомида ҳам, ҳозирги кунимизда ҳам ниҳоятда оздир.

Шу маънода ёш мутаржим — Илҳом Қосимов тажриба жиҳатидан ҳам, ёш жиҳатидан ҳам ҳали ниҳоятда навқирон. У Ўзбекистон Давлат Жаҳон тиллари университетининг талабаси. Бу олий даргоҳдаги хитой тили гурӯҳини бакалавриатини тутатиш арафасида. Талабалик чоғиданоқ бу қадар масъулиятли ижодий ишга — таржимага кўл уриш, очиги, ҳамманинг ҳам қўлидан келавермайди. Бунинг учун тилни билишдан ташқари, ўзига яраша журъат керак.

Иккинчидан, Конфуцийдек даҳонинг фикрлаш тарзи ҳам, мушоҳада юритиш йўсунин ҳам, образли тафаккуридаги услугуб ҳам, илгари сураёттан ғоялари асл

бўлган фалсафий дунёси ҳамда уларни бир тизимга солувчи тили, сўз бойлиги, юзага чикувда уларнинг жойлашиш конструкцияси ва ҳоказолар ҳам ўзига яраша ва мутаносиб бўлади. Бир сўз билан айтгандা, Конфуцийдек мутафаккир ва файласуфни аслиятдан ўқиш осон эмас. Бу ишни бошқа халқларнинг жуда кам билимдонлари ва кўп тажрибага эга таржимонлари амалга оширганлар.

Конфуций даҳосидан ташқари, хитой ва ўзбек тилидаги қонуниятларнинг бир-биридан нақадар йироқ эканлиги, хитой тилидаги мураккабликнинг нечоғлик ўзига хосликларини, хитой ва ўзбек халқлари аро менталитет, ҳаёт кечириш тарзи, анъана, урф одат ва ҳоказоларнинг нечоғлик фарқди экани, бу масалалардаги яқинлик ва узоқлик таржима масаласида ҳамда таржимон фаолиятида нечоғлик муҳим ўрин тутишини инобатга оладиган бўлсак, ёш мутаржим Илҳом Қосимов нечоғлик масъулияти ишга қўл ургани аён бўлади.

Мұхтарам ўқувчи ушбу китобни қўлга олар экан, унинг, шубҳасиз, муваффақиятига ҳам, йўл кўйилиши мумкин бўлган айрим камчиллик ёхуд нуқсонларга ҳам юқорида зътироф этилган омилларни назардан қочирмаган ҳолда ёндашса, интиувчан, умидбахш ёш таржимоннинг меҳнатларини тўғри баҳолай олган бўлади, деган умиддамиз.

2010 йил мұхтарам Президентимиз томонидан «Нақирон авлод йили» деб эълон қилинди. Фикримизча, ушбу таржима меҳнатини ёшларга давлат миқёсида кўрсатилаётган зътибор меваси, унга муносиб жавоб беришга ҳаракат деб ҳам қарааш мумкин.

Мұхтарам Президентимиз Ёзувчилар уюшмасига муттасил ғамхўрлик кўрсатиш зарурлигини таъкидлади. Ёзувчилар уюшмаси қошида маҳсус «Ижодкорлар фонд»ни тузиш ҳақида маҳсус қарор эълон қилинди. Шу қарор муносабати билан Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги ишлаб чиқсан тадбирларда

жаҳон тилларини ўрганувчи талабалар таржима ишларида фаол иштирок этишлари лозимлиги ҳам кўрса-тилган.

Ушбу таржима Ўзбекистон Давлат Жаҳон тиллари университети Халқаро журналистика куллиётининг ҳам, бу ерда таҳсил олаётган талаба Илҳом Қосимов-нинг ҳам ана шу тадбирларни ижроси учун қўйган дадил қадамлари сифатида ҳам эътиборлидир.

Бахтиёр НАЗАРОВ,
филология фанлари доктори, академик
(2010 йил)

КОНФУЦИЙ ЁХУД ҲАЁТ САБОҚЛАРИ (Ўзбекча таржимага сўзбоши ўрнида)

Конфуций (мил. ав. 551–479 йй.) – Шарқнинг буюк мутафаккирларидан бири, маърифатпарвар, файласуф ва конфуцийлик оқимининг асосчиси, сиёсий арбоб. Конфуций қадимги даврнинг улкан мактабини яратган, дунё тамаддунига беҳисоб ҳисса қўшган буюк тарихий шахсdir. Унинг ҳикматлари икки ярим минг йилдирки, Шарқ оламида ҳам, Фарбда ҳам ҳали-ҳанузгача ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ.

Қадимги Хитой тарихчиси Сима Чай Конфуцийнинг таржимаи ҳоли, ҳаёти ва ижодига алоҳида урғу берган. Унинг маълумотларига кўра, Конфуций милоддан аввалги 551 йил 9-ойнинг 28-санасида (яъни сентябрда) Лу беклигига қарашли Зоуи музофотида (ҳозирги Хитой Халқ Республикасининг Шандўнг ўлкаси Чуфу ноҳиясининг жануби-шарқида) туғилган. Хан миллатига мансуб бўлган. Конфуций туғилганида отаси-Шу Лянг-хе 70 ёшга тўлган эди. Шу Лянг-хенинг тўққиз нафар қизи ва Бў Ни исмли оқсоқ ўғли бўлган. Одатга кўра, ногирон фарзандлар мархум аждодлари учун қурбонлик келтиришлари мумкин бўлмаган. Шундан сўнг атоқли жангчи Шу Лянг-хе Чуфу шаҳрининг машҳур хонадонларидан бири – Янлар оиласининг кенжা қизига оғиз солади...

Ва ниҳоят узоқ кутилган ўғил – меросхўр туғилади. Конфуцийнинг исми Чю, ҳурматли номи Жўнг-ни бўлган. Конфуций номининг аслий хитойчаси *Kongzi*, уйғурча ўқилиши – *Күнгзи*; европаликлар *Confucius* тарзida ўзлаштиришган бўлса, рус адабиётлари орқали бизга ҳам «Конфуций» ҳолида кўчди («Конфуций» – «Кўнг фузи»га ишора, «Хурматли Устоз Кўнг» дегани). (Рус адабиётларида – Кун; ўзбек тили хусусият-имкониятларидан бири «ўлашишдир, талаффузда чалкашликлар бўлмасин учун асл манба ва уйғурча талаффуз-

ларга асосланиб, «Кўнг» ҳолида ҳақиқий талаффузга яқинроқ тарзда ўзлаштирилди, чунки хитой тилида «кун» талаффузли сўзлар ҳам талайгина. – И.К.).

Конфуций Хитой тарихидаги Чун-чю (Баҳор ва куз) даврининг охирларида яшаган. Шунингдек, у хитойлик яна бир донишманд Лао-зи (мил. авв. 579–499 йй.), Будда Шакя Муни (мил. авв. 556–476 йй.), юон донишманди Эфеслик Букрот (Гераклит, тахминан мил. авв. 535–475 йй.) каби шахслар билан тарихий бир даврда яшаган. Конфуцийнинг аждодлари Сўнг беклигининг аслзода-оқсусякларидан, Йин сулоласининг подшолик уруғига мансуб бўлишган. Исёnlар туфайли Лу подшолиги (беклиги)га кўчиб келиб ўрнашиб қолишиган. Конфуцийлар шажараси унинг бешинчи боғоси Му Жин-фу даврида ёқ таназзулга юз тута бошлаган. Конфуций туғилган вақтда уларнинг хонадони аллақачон оддий ҳалқ, даражасига тушиб қолган эди. Конфуцийнинг отаси Шу Лянг-хе Лу подшолигига қарашли Зоуи музофотида амалдор-дафу бўлган. Конфуций уч ёшлигига (мил. авв. 549 йил) отаси Шу Лянг-хе вафот этади, оиласи муҳтожликда кун кечира бошлайди. Шундан сўнг Конфуций ёлриз онаси Янши хоним қўлида қолган. «Ши» – хоним, турмушта чиққан аёлнинг фамилияси охирига қўшиб айтилади; одатда, шу аёл фамилиясининг олдига эрининг фамилияси қўшиб айтилган; ўзбекча муқобил таржимаси «бека» ёки «օօроча» дир. Бека Ян уша пайтларда Чуфунинг насл-насабли хонадонидан бўлгани учун Конфуций ёшлигидан яхши таълим-тарбия олган, бунга унинг мустаҳкам иродаси ва тиришқоқдиги ҳам катта ёрдам берган, албатта. Конфуций 17 ёшга тўлганида (мил. авв. 535 й.) онаси ҳам оламдан утади.

Конфуций ўз устида тинимсиз ишлар ҳамда бошқалардан ҳам олган билимларини такрорлаб туришларини талаб қиласарди. Унинг шахс сифатида алоҳида томонлари ҳақида «Муҳокама ва баён» асарида батафсил маълумотлар мавжуд. Донишманд ёшлигига ом-

борхона мудири, кичик чорвадор назоратчи амалдорнинг котиби бўлиб хизмат қилган. Ўн тўққиз ёшида Сўнг Чигуан бекага уйланади. Милоддан аввалги 532 йил ўрли Зи Лу туғилади, кейинчалик у Бў-ю ҳурматли номларини олган.

Конфуций 22 ёшидан таълим бериш билан шуғулланиб, кейинчалик Хитойнинг энг машхур ўқитувчи сифатида шуҳрат қозонган. У ўзи очган мактабда 4 та фан: ахлоқ, тил, сиёсат ва адабиётдан таълим берган. Мухлислари уни «Кунг фузи» деб улуғлашган, «фузи» – «устоз», «ҳазрат» демакдир. Қадимги Хитойда ҳурмат-эҳтиром маъносини ҳам англатган, умуман дафу даражасидаги амалдорлар «фузи» деб аталган. Конфуций 50 ёшида сиёсий фаолиятни бошлаб, Лу подшолигида юқори амалдор бўлиб хизмат қилган. Шунинг учун шогирдлари уни «фузи» дейишган. Бора-бора бу ном «Кўнг Фузи», яъни «Улурустоз Кўнг» деган фахрли номга айланган. XVII асрда Хитойга келган иезуит-миссионерлар хитойлик донишманд таълимоти билан яқиндан танишиб, уни Европа маданиятининг ҳам вакилига айлантириш мақсадида Confucius (Конфуций) деб атай бошлаганлар. Шундан бу ном жаҳонга тарқалди ва танилди.

Конфуцийнинг яхши кунлари узоқча чўзилмайди. Ҳокимиятни қўлига олган жаноб Жи билан ўрталарида зиддият келиб чиқади, шунингдек, фитналар сабаб унинг ўз вазифасидан истеъро беришдан бўлак бошқа чораси қолмайди. Шогирдларини бошлаб юргезади, бундан унинг асосий кўзлаган мақсади «хизмат» (иш, вазифа) учун бўлиб, бунинг маъноси шуки, бирор подшоликда ўзининг ахлоқий-сиёсий қарашларини ёйишидир. Аввал Вэй беклигида, сўнгра Чэн давлатида бўлади. Куанг ерида маҳаллий аҳоли томонидан қамалга олинади. Ундан қутулиб Вэйга қайтади, шундан сўнг Сао ва Женг давлатларига боради. Сариқ дарё (Хуангхе)гача етиб боради ва яна ортига қайтади... Кўп йиллик сарсон-саргардонликлардан

кейин, жойларда ўз ғояларини рүёбга чиқаролмагач, Конфуций 68 ёшида Лу беклиги беги Лу Ай-гүнг давридаги амалдор-тўралардан Жи Канг-зи (Жи Сун-фэй)-нинг таклифига биноан яна Луга қайтиб келади. Айрим манбаларда ҳаммаси бўлиб ўн тўрт йиллик узоқ ва машакқатли сафардан сўнг яна Лу подшолигига қайтиб келган дейилади. 3000 та шогирдлари орасидан 72 нафари устозларини асло тарк этишмаган.

Конфуций умрининг охирларида асосан маданиятга доир қадимий асарларни тартибга келтириш ишлари билан шугулланган. У кексайганида оғир жудо-ликларга учрайди. Милоддан аввалги 483 йил ўрли Кунг Ли қазо қиласди; милоддан аввалги 481 йил севимли шогирди Ян Хуэй, яна бир йилдан сўнг Вэйда тагин бир шогирди Жунг Йоу (Зи-лу) оламдан ўтади.

Милоддан аввалги 479 йил улур маърифатпарвар, файласуф Конфуций 73 ёшида вафот этади. Конфуций ўзи учун, авлодлари ва яқин шогирдлари учун мўлжалланган қабристонга дағи этилади. Унинг уйи эса муқаддас зиёратгоҳга айланган.

Ўша давларда фақатгина оқсуяк-амалдорлар фарзандларининггина таълим олишга қурби етган. Конфуций эса «ким бўлмасин – ҳамма билим олиши керак» ташаббуси билан чиқади. У шогирдликка олар экан, кишиларнинг жамиятда тутган ўрнининг юқоритубанлигидан қатни назар, барчасига бирдек таълимтарбия берган. Конфуций барчанинг шахсий билим олишини йўлга қўйган, хусусий мактаб очиб, амалдор-тураларнинг маданият ва маорифга нисбатан танҳо эгалик анъаналари (монопол ҳукуқи)ни парчалаб ташлади. Баъзи манбаларда Конфуций 30 ёшида ўз таълимотидан сабоқ берга бошлаганлиги ҳақида маълумот келтирилади. Конфуций файласуфлар Пифагор ва Суқрот каби фақат оғзаки таълим берган. Шунинг учун ундан бир сатр ҳам кўлёзма қолмаган. Бизга маълум асарлари шогирдлари томонидан ёзib қолдирилган. Бу жиҳатдан уни Ҳазрат Навоийнинг биринчи

девонига мұхлислари томонидан тартиб берилгандығы ҳақидағи тарихий воқеликка қиёс қылса бўлади. Конфуций замондоши Лао-зи билан учрашган, ундан маслаҳатлар олган, уни ўзига маънавий устоз деб билган.

Конфуций таълимотида умуминсоний қадриятлар тараннум этилади. Айтиб ўтиш керакки, Конфуций бир тизимли фалсафани ривожлантирган, лекин Конфуцийлик ахлоқий-сиёсий таълимот сифатида турли жиҳатдан этик-фалсафий дунёқарашларнинг назарий-амалий тараққиётига самарали ҳисса қўшди. Конфуций одамлар ўртасидаги ўзаро муносабатларни таҳлил қилиб, бу борада фойдалы маслаҳатлар берган. Қадимги юнон файласуфи Сүкротта ўхшаб Конфуций ҳам инсонни дикқат марказига кўяди, «раҳмдиллик», яъни «инсонпарварлик». Конфуцийлик фояларининг ўзаги – моҳиятини ташкил қиласиди. Донишмандинг «раҳмдиллик», «ҳаққонийлик» ва «олижаноблик» тўғрисидаги ҳикматлари, панд-насиҳатлари, фалсафий мушоҳадалари минг йиллар оша одамларни зэгулишка чорлаб келмоқда. У наинки Хитой маданиятига, балки жаҳон тафаккур хазинасига ҳам самарали ҳисса қўшди. «Мұҳокама ва баён» асари эса фиккат Хитойнингтина эмас, бутун Шарқ ҳалқлари донишмандлигининг ҳам дурдона асарларидан биридир. Мазкур асар ўқувчига бадий озуқа беришдан ташқари, кишида чукур билим ва кўникма ҳосил қиласиди. Шунинг учун бу асар ҳам адабий, ҳам илмий аҳамиятга эга. Конфуцийнинг кўплаб мулоҳазалари жаҳоннинг илфор мутафаккирлари ижодига илҳом бағишлигаран ва ҳанузгача унинг ҳалқона ва ҳаётий гояларини ўрганишга эҳтиёж сезилади. Шу боис, биз ҳам сўнгги йигирма йил ичида қадимги буюк донишманлардан Зардўшт, Конфуций ва бошқа улуғ алломаларнинг ахлоқий-фалсафий гояларига нисбатан ўрганилиш позициясининг ижобий томонга ўзгарғанлигини алоҳида зътироф этиб, аввало, Шарқ мутафаккирлари ижодида шарқона уйғунылик, муштарақлик асо-

сида тараққий топган фалсафий қарашларнинг умумий мезонларини ўрганиш ҳамда Конфуций шахси ва ахлоқий-сиёсий таълимотининг улар орасида тутган ўрнини илмий-мантиқий асосда исботлашни мақсад қилиб кўйдик. Иккинчидан, донишманднинг ҳаётий-фалсафий қарашлари жамланган «Мұжокама ва баён» асарини она тилемизга ўтириб, унинг илмий-бадиий, тарихий ва ижтимоий-сиёсий аҳамиятини холис ва ҳаққоний таҳлил этиш, шунингдек, роявий, илмий, амалий, ижодий томонларини тадқиқ қилишга ҳамда уларни ҳалқ нақлари, бошқа кўплаб Шарқ донишмандларининг фикрлари билан қиёсий ўрганишга ҳаракат қилдик.

Мұхтарам Президентимиз «Юксак маънавият – енгилmas куч» (2008 йил) асарларида маънавий ва моддий ҳаёт уйғуларини таъкидлаб, бу ҳақдаги мулоҳазаларини куйидаги сўзлар билан қувватлантирганлар: «... қадими ҳинд, хитой ёки юнон файласуфларини оласизми, ўрта асрлардаги Шарқ ва Farb Уйғониши даври намояндаларини оласизми, ислом оламида ном қозонган мутафаккир зотларни оласизми – уларнинг илмий меросида моддий ва маънавий олам ўртасидаги муносабатларга кенг ўрин берилганини кўриш мумкин.

Масалан, антик давр файласуфлари бўлмиш Сократ ва Платон, Эпикур ва Демокрит, хитой донишманди Конфуций ва бошқа алломаларнинг бу борадаги назарий қарашлари фан тарихидан яхши матълум. Уларнинг айримлари руҳий оламни бирламчи деб билса, баъзилари эса моддий оламни асосий ўринга қўяди...

Бир сўз билан айтганда, инсон ўз тишсолида ҳам моддий, ҳам маънавий хусусият ва алломатларни мужассам этган ноёб хилқат, Яратганинг буюк ва сирли мўъжизасидир...

Мана шундай қараш ва фикрларни умумлаштириб, инсонга хос орзу-интишишларни рӯёбга

чиқариш, унинг онгли ҳаёт кечириши учун зарур бўлган моддий ва маънавий оламни бамисоли парвоз қилаётган қушнинг икки қанотига қиёсласак, ўйлайманки, ўринли бўлади.

Қачонки ана шу икки мұхим омил ўзаро ўйгунлашса, том маънодаги қўш қанотга айланса, шундагина инсон, давлат ва жамият ҳаётида ўсиш-ўзгариш, юксалиш жараёнлари содир бўлади».

«Мозийга қайтиб иш кўриш хайрлик, дейдилар» (Абдулла Қодирий). Шунинг учун биз оддий-соддалиги билан қалбларимизни ҳайратга чулраган мумтоз бадииятга қайта-қайта мурожаат қиласкерамиз, ҳар сафар ундан бугун инсоният бошига тушган глобал мұаммоларнинг оқилюна ечимларини, қийнаётган саволларга муносиб жавобларни топғандек бўлаверамиз; айтолмаётган сўзларимизнинг доҳиёна оддий талқинига дуч келаверамиз; қалбларимиз пурмаъно ҳикматлардан нур эмар экан, руҳиятимизда ажиб сокинликни ҳис қиласиз; ҳаётимиз маъно касб этар экан, файзу тароватга чулғаниб бораркан, чексиз ҳузур ва қониқиши ҳосил қиласиз – айни шудир қалбларимиз муддаоси. Тамаддуналар ва фанлар тарихида бекиёс ўрин тутган мұхтарам зотларнинг ўғитларига қулоқ осар эканмиз, ўзимиз учун ҳайратомуз ибратли холосалар чиқарамиз, уларни ўзимиз учун дастуруламал қиласак, нур устига аъло нур бўлур эди. Абдулла Анзорий асҳобларига васият қилиб шундай дер эканлар: «Ҳар пирдан бир сўз эслаб қолинг, агар бу кўлингиздан келмаса, уларнинг исмини ёд олинг, бундан баҳра топасиз». Бобомиз моҳир саркарда, ҳассос шоир Заҳириддин Мұҳаммад Бобур таъкидлаганлариdek: «Ҳикмат излаганга ҳикматдир дунё». Қалбларимизни илму ҳикмат нури или ёритайлик!

Немис файласуфи Карл Ясперс (1883–1969) инсоният тарихини «ўқдаври» («ўзак давр») деб номланган мұхим босқичларга ажратади. Файласуфнинг фикри-

га кўра, айнан эрамиздан аввалги VIII-II асрлар оралигида ёқ замонавий цивилизацияларга асос солинган эди. Турли маданий ҳудудларда бир вақтнинг ўзида ва бир-биридан мустақил равишда инсониятнинг маънавий юксалишида сифат ўзгаришлари содир бўлди, дунёни принцип жиҳатидан янгитдан идрок қилиш имконияти турилди.

К. Ясперс янги муносабатларнинг хабарчилари қаторида Эронда (аслида дастлаб Турон заминда, қадимги Хоразм ҳудудларида – И.Қ.) Заратустра (Зардўшт) ва Хитойда Конфуций ва Лао-зилар дунёга келганини ҳам алоҳида қайд этиб ўтади. Ҳозирги на зарий социология муаммоларини тадқиқ қилишга катта ҳисса қўшган энг йирик социологлардан бири Энтони Гидденс «Социология» китобида (таржимонлар: Н.Маматов, Ж.Бегматов) Конфуций ва унинг таълимоти ҳақидаги фикрларини шундай баён қиласилар: «Конфуций Яқин Шарқдаги диний доҳийларга ўхшаб пайғамбар бўлмаган, ўқитувчи бўлган. Конфуций ўз издошлари томонидан илоҳийлаштирилмаган, аксинча, у «доно одамларнинг энг доноси» ҳисобланган. Конфуцийчилик эса ўтмиш аждодлар ҳурматини жойига қўйишга аҳамият берип, инсоният ҳаётини ички табиий қонунлар билан уйғуналашувига эриштиришни илгари суради». Лекин, афсуски, Конфуцийнинг эзгу гоялари турли даврларда ҳукмрон синфларнинг манфаатларига бўйсундирилди ёки жамият учун зарарли дея инкор этилди, шу сабаб маълум йўқотилишларга учради. Шуролар даврида кўпгина алломалар қатори Конфуций шахси ва унинг таълимоти ҳам қораланди, унга «ўз қарашларида ҳукмрон синф – аристократлар манфаатларини ёқлаб чиқсан», «ҳукмдор ҳокимиятини илоҳийлаштирган», ўтган асрнинг иккинчи ярмida «ХХРда шахсга сифинишнинг тарқалишида маълум рол ўйнамоқда», «асрлар давомида Хитой, Япония, Корея, Вьетнамда эксплуатация тузумини оқлаб, ижтимоий-сиёсий, фалсафий фикр, фан ва техника та-

263 87

раққиётини бүгіб, халқни маңнавий асоратда сақлаб келди», деган асоссиз айблар құйилди, бұхтонлар ёғдирілди, одамлар сунъий равишда «бездирилди», бунда улар айниңса баъзи бир Хитой ҳукмдорларининг тарихий хатоси билан Конфуцийлик таълимотига нисбатан пайдо бўлган «конфуцийчилик – диний таълимот» деган нотұғри қараашдан ўз манфаатлари йұлида унумли фойдаландылар, амалга оширилган таржималарда ҳам мафкуравий тазийкىнинг асоратлари бўртиб турад, уларда гоявий оришлар яққол сезилиб қоларди. Бундай аянчли ҳол донишманднинг ўзи туғилиб-яшаб ўтган юртида ҳам содир бўлганига тарих гувоҳ. Конфуцийнинг инсон ҳақидаги ҳаётий фалсафасининг минтақамизда ҳали-ҳанузгача яхши ўрганилмай келинганининг сабабларидан бири ҳам мана шу. Аслида Конфуцийнинг халқона ва ҳаётий ўйтлари юқоридаги айловларнинг барчасини инкор этади, бунга жавобларни донишманднинг ўз фикр-мулоҳазаларидан ҳам уқиб олиш қийин эмас.

Турли суҳбатларда Конфуций ёки унинг ҳикматларидан сүз очсак, одамлар: «Конфуцийлик ўзи қанақа дин?» қабилидаги саволларни беришади, бунинг сабаби аслида ўтган замонларда Конфуцийликка дин нисбатини беришдек хатоликдан келиб чиқди, -шунингдек, афсуски, ҳозирда ҳам баъзи бир диншуносликка оид дарслікларда Конфуцийликка дин сифатида қарааш назариялари сақланиб қолмоқда. Конфуцийлик ҳеч қандай диний таълимот эмас, у ахлоқији-сиёсий таълимотdir, оддийгина қилиб айтсак, «инсон ва борлық ҳақидаги ҳаётий ҳақиқатлар тизими». Хитойча адабиётларда Конфуцийчиликнинг замон талабига қараб жамиятда айрим диний функцияларни бажариб келгани ҳақида мунозарали фикрлар билдирилади. Донишманд ўзини илохийлаштирмасликларини шогирдларига қаттиқ тайинлаб, нимагаки эришган бўлса, кунт билан ўқиб-ўрганиб, сабр-қаноат қилиб етишганини таъкидлайди. Конфуций баъзи

бир руҳоний, фалсафий таълимот тарафдорлари сингари оламдан қочишга эмас, одамларни дунёга, ҳаётга мослашишга чақиради, унинг қарашларида инсон ва борлик яхлит бирлик ҳосил қиласади.

Мустакимлик ўтмиш, бугун ва келажакка ҳаққоний қараш имкониятини яратди. Маънавий-маърифий жамият ва давлат қураётган забардаст ҳалқимиз жуда қисқа вакт ичидаги ўзининг ҳаққоний тарихи, маданијати, урф-одатларини тиклабгина қолмай, жаҳон тажрибаси, абадиятга даҳлдор дурдона асарларни, қадим донишмандларнинг пурмаъно ҳикматларини холисона ўрганиш ва баҳо бериш – ўз сўзини айтиш имкониятига ҳам эга бўлди. Конфуций ҳикматларини аслиятдан ўзбек тилига ўгирад эканмиз, Конфуцийча қисқа лўндалик, оддий-саддалик, «шарқона руҳ» ёки «шарқона таъм»ни ва ҳалқчилликни сақлаб қолишга интилдик. Ҳозирда Хитойда Конфуцийчилик таълимотининг замонавий тараққиёт мезонларига уйғун жиҳатлари борасида давлатчилик туркуми остида маҳсус йирик тадқиқот ишлари олиб борилмоқда.

Шарқ – қадим-қадимдан тўхтамай қайнаб чиқаётган тафаккур булоғи. Юқорида «шарқона уйгунилик» ҳақида сўз очган эдик, шарқлик донишмандларнинг ҳикматларидан баҳраманд бўлар эканмиз, «шарқона бир таъм»ни туямиз, юракларга илиқлиқ олиб кирувчи ҳиссиёт. Бу ҳалқларимиз ўртасида қадимдан шаклланиб келган мустаҳкам тарихий-маданий алоқалардан дарак беради.

Таржима-таҳлил жараённида ҳикмат-нақллар ўртасида ҳайратомуз ўхшашликларга дуч келамиз. Буни хитойлик донишмандлардан бири Менг-зининг бир ҳикмати билан изоҳдамоқчимиз: «Аввалги донишмандлар билан кейинги донишмандларнинг йўли (ўлчов мезонлари, фикру ёди) бирдир». Ўхшашликлар фақатгина машойихларнинг ҳикматлари ёки ровийларнинг ривоятларидагина эмас, ҳалқ оғзаки ижоди: эртак, ҳалқ қўшиқлари, масал, мақол, иборалар ва бошқа-

ларда ҳам учрайди. Халқдар ўртасидаги бундай муштаракликлар, албатта, ўзининг мустақил асосларига, тарихий илдизларига эга.

Конфуцийнинг сиёсий-фалсафий қарашларини умумлаштириб, таҳди қилиб, бу борада ўзбек тилида илк тадқиқот ишлари олиб борган Виктор Алимасов ўзининг «Конфуцийлик ва Шарқ давлатчилиги» (2006) номли китобининг кириш қисмида афсус билан шундай ёзадилар: «Чет мамлакатларда Буюк Устоз (яъни Конфуций) таълимотига бағишиланган йирик тадқиқотлар ўтказилган, сон-саноқсиз асарлар чоп этилган. Минг афсуски, Конфуцийлик ўзбекистонлик тадқиқотчилар эътиборига тушмаган, «халқни бошқаришда алдашдан холи», «бир бутун халқнинг қадимий анъаналари ва ахлоқий принципларини ўзига жо этган» (Волтер), «кишиларни поклашдек олий эзгуликка ўргатувчи ҳақиқий (улуг) таълимот» (Л.Н.Толстой) – Конфуцийлик билан ҳануз ўзбек ўкувчилари таниш эмас». Буни тан олмасдан иложимиз йўқ.

Биз бу галги таржималаримиз учун Ли Зе-фэй тартиб берган «Муҳокама ва баён»нинг Конфуций ҳикматларининг бугунги хитой тилига ўтирилган нусхаси ва ундаги шарҳлардан асосий манба-қўлланма сифатида фойдаландик, асар таржимаси борасидаги аввалги уринишларимиз, асарнинг ҳозирги хитой тилисига ўйғунаштирилган бошқа вариантлари (Жин Лянг-нйэн, Лии Ю-хуа ва бошқалар, шунингдек, мавжуд ўзбекча таржималар, уйғурча, русча таржима нусхалари) билан солиштириб, маъноларини жамлашга, уларни қиёслашга, шунингдек, мазкур мумтоз асар изоҳларини ўзбекона талқинлар билан бойитишга ҳаракат қилдик. Шунингдек, изланишларимиз давомида умумфалсафий билиш тамойиллари: умумий ўзаро алоқадорлик, тараққиёт, комплекс (яъни уйғун бирлик ташкил этган воқеа-ҳодисалар, хатти-ҳаракат, белги ва шу кабилар юзасидан мажмуий) ёндашув, детерминизм, яъни муайян ҳодисалар ўртасидаги ало-

қадорликнинг қонуниятли, зарурий ва сабабий ра-
вишда рўй беришини, ҳодисаларнинг ҳозирги ҳолати
уларнинг аввалги ҳолати билан ёки аксинча, узвий
тарзда борлиқ эканлигини эътироф этиш каби тамой-
илларга имкон қадар амал қилдик.

ТАРЖИМОНДАН

МУҲОКАМА ВА БАЁН (Асардан парчалар)

БИРИНЧИ ҚИСМ

Конфуций деди: «Илм олгач, вақти ғаниматда уни тез-тез такрорлаб турмоқ кўнгилга ҳузурлик баҳш этмасми? Дўстнинг одис йўлдан йўқдаб келар бўлса, севинч асан шу эмасми? Ўзгаларниг тушунмасликларидан асло зорланмаган одижаноб эмасми?»

Изоҳ (эслатма: биринчи қисмда ҳар бир ҳикматдан сўнг изоҳ-шарҳ бериб борилади). Бу ерда таржима рисоламизни икки қисмга ажратиш шартлидир. Биринчи қисмдан изоҳли ҳикматлар, иккинчи қисмдан эса ҳали изоҳланмаган ҳикматлар ўрин олган. Аслида «Муҳокама ва баён» йигирма қисмдан иборат асардир. Аввалги таржималаримизда асардан бир чимдимини олиб ўзбек ўкувчилари эътиборига ҳавола қилган эдик.

«Конфуций» номи хитойча асл қадимий нусхада «Зи» тарзида учрайди, бу «ҳазрат», «устоз», «тақсир» дегани. Қадимги Хитойда илмли ва фозил кишиларга, одатда, «Зи» деб мурожаат қилинган. «Муҳокама ва баён»даги «Конфуций деди...» асл нусхада «Устоз дедилар» тарзидадир, истилоҳдаги «Устоз» бирдек Конфуцийга (мил. ав. 551 – мил. авв. 479 йй.) қаратилган. Шу сабаб биз ҳам айрим ўринларда маъно ва тил-таржима меъёр талабига кўра «устоз» дея таржима қилдик. Конфуцийнинг шогирдларидан фақат Йоу-зи ва Зенг-зи иккиси «зи» (яъни устоз, мавлоно, ҳазрат) деб аталган. Сўнг сулоласи фалсафа мактаби бўлмиш неоКонфуцийчилик вакиллари «Муҳокама ва баён»ни Йоу-зи ва Зенг-зининг шогирдлари китоб ҳолига келтиришган, деб ҳисоблайдилар. Шунга Конфуцийдан ташқари, фақат бу икки киши ҳам устоз, яъни «зи» деб улуғланади. Кон-

фуцийнинг исми Чю (Qiu), ҳурматли номлари Жўнгни (Zhongni)дир. Маълумот ўрнида айтиб ўтиш жоизки, қадимги хитойликларнинг исмлари бўлибина қолмай, балки уларнинг иккинчи, норасмий, бошқаларнинг ўзига нисбатан ҳурмат-эҳтироми белгиси сифатида кўлланиладиган номлари ҳам бўлган, у «зи» деб аталган, лекин уни тахаллус билан адаштириб юбормаслик керак (утган галги таржималарда биз уни «тахаллус» дея таржима қилиб жиддий католикка йўл қўйгандик – И.К.).

«Зи» (яъни «ҳурматли номлари») кичикларнинг ёши улуғлар, оддий кишиларнинг мартабаси улур инсонлар ёки бошқа одамларга нисбатан ҳурмат-эҳтироми белгиси сифатида кўлланилган, кўпинча уларнинг исмларини тўғридан-тўғри айтиб мурожаат қилиш одоблизлик ҳисобланган. «Зи» Хитой маданиятининг ўзига хос томонларидан биридир, ҳозирги Хитой жамиятида у аллақачон урфдан чиқиб кетди. Агар «зи» танлаш тарихига назар ташлайдиган бўлсак, исм ва ҳурматли ном бир-бирига жуда боғлиқлигини кўрамиз. «Зи» исмнинг секин-аста ўзгариши натижасида келиб чиқсан, шунинг учун биргаликда «минг-зи» (ҳозирги хитой тилида кенг истеъмолда бўлган «исм», «ном») деб аталади. Кишилараро муносабатларда «минг» (яъни «исм») одатда камтарлайк, камсукумлик номи сифатида ишлатилади ёки кичикларни, мартабали кишиларнинг ўзларидан куйи турувчиларни иззатлаб аташлари учун кўлланилган; «зи» (ҳурмат-эҳтиром номи) бўлса, кичикларнинг ёши улуғларга, куйи турувчиларнинг юксак мартабали кишиларга ҳурмат-эҳтироми белгисини англатган. Қадимги хитойлар «минг унинг зиси билан» деганлар, бу уларнинг бир-бирига боғлиқлигини англатади. Масалан, биз Конфуций деб атайдиган Кўнгзи (Kongzi)нинг исми Кўнг-чю (Kong Qiu), ҳурматли номлари Жўнгни бўлган. Исмдаги «чю» – «тепалик» маъносини ёки шунга алоқадорликни билдиради. Кўнгзи-нинг онаси Ян Женг хоним Ничю (NiQiū) тоғида ибодат

қилиб, фарзанд тилайди, шундан сўнг Кўнгзига ҳомиладор бўлган. Конфуций Нишан (ёки Ничю) тоғида турилади. Конфуций туғилганда бошининг тела қисм ўртаси паст, атрофи баланд бўлиб, Ничюшан тоғига ўхшаб кетган. Шунинг учун исми Чю (Qiū), ҳурматли номи Жўнгни бўлган. Кўнгчюдаги «чю», Жўнгнидаги «ни» бир тоғ номидан олинган. Шунингдек, Конфуций оиласида иккинчи ўғил бўлган. Илгари Хитойда бир оиласидаги ака-ука қариндошлар ёш тартиби буйича «бу» (bo; ўзбек тилида «тўнгич» – катта ўғил), «жўнг» (zhong), «шу» (shu), «жи» (jī; ўзбек тилида «кенжга» – кичик ўғил) деб тизилган, «жўнг» иккинчига ишора. Шунга «жўнг» ва «ни» бирикib Конфуцийнинг ҳурмат-эҳтиром белгисини англатгувчи иккинчи, норасмий номига айланган. Демак, Конфуцийнинг «зи»сига қараб, унинг турилиши ва оиласидаги ҳолати ҳақида қисман билиб олиш ҳам мумкин экан.

Эслатма: хитой тилида ҳурмат-эҳтиром белгисини англатгувчи иккинчи норасмий ном – «зи» (zi) билан «устоз», «ҳазрат» маъносини берувчи (масалан, «Кўнг-зи»даги) «зи» (zi) иероглиф ва маъно жиҳатдан фарқланади.

Юқоридаги ҳикмат «Муҳокама ва баён»нинг дастлабки боби биринчи ҳикмат-мақолати бўлиб, илм олиш борасидаги маҳсус қисмдир, илм олиш чора-тадбирлари, унга бўлган муносабат баён этилади. Ҳикматнинг илк банди ҳалқимиз мақолини ёдимизга солади: «Ҳақиқий илм истасанг, такрор қил», яъни олган билимларингни такрорлаб, мустаҳкамлаб боргин. Икки минг йилдирки, донишманднинг мазкур ҳикмати зиёлилар орасида кенг кўлланилиб келинмоқда ҳамда хитой ҳалқи маънавий ҳаётига ўзининг ниҳоятда чукур таъсирини ўtkазди. «Муҳокама ва баён»нинг бошқа ерида Конфуций ўзининг илм ўрганиш ҳақидаги мазкур фикр-мулоҳазаларини давом эттириб, уни яна бир даражада изоҳлайди: «Эски (билим)ларни мустаҳкамлаб, янгиларини ўзлаштира олган кишигина устоз

бұла олади». Конфуций «урганишдан безор бұлмаслик ва ўзгаларга ўргатиб ҳам қарчамаслик» ни ўзининг ибратли ҳаёт йўли мисолида тасдиқлади. «Мұхокама ва баён» нинг илм мавзуси билан бошланишидағы катта бир ҳикмат ётибди. Чунки ылмли, маънавиятли инсон-гина ҳаётга теран күз билан қарай олади. Маънолар махзанинг калити илмдадир. «*Билимсиз кишилар-нинг күнгли хурофотга мойил бұлади*», дейдилар бобомиз Абу Райҳон Беруний. Демак, билимсиз, маънавиятсиз кишиларда олижаноблик фазилатлари бұлиши ҳам амри маҳол.

Баъзи бир кимсалар илм қийматини бойлик орттириш билан ўлчайдилар, бироқ илмнинг моҳияти унинг кишини қанчалик бой-бадавлат қилишида эмас, балки инсонни қанчалик камолот чүккисига олиб чиқишидадир. Лекин бу аслида керакли билимларни олиш ва амалда күллаш билан рүёбга чиқади.

Ҳозиргилар (ошиб борса) билим олиш учун үқийдилар, бурунгилар бұлса камолотга эришмоқ учун илм талабида бұлганлар. Бу ҳам донишманд чиқарган ҳаёттый хулосалардан биридир. Илм таълимий-ахлоқийдир. Шарқда илм деганда таълим-тарбия бирдек түшгунлади, чунки илм кишини ҳар жиҳатдан камолот чүккисига олиб чиқади. Уни биргина сүз билан «тарбия» (педагогика) деб ҳам аташган. Чунки илм ақл-заковатимизни бойитищдан ташқари, ахлоқ-фазилатимизни ҳам гүзаллаштиради. Абдулла Авлоний «Туркий гулистон ёхуд ахлоқ» рисоласида шундай ёзадилар: «Расули акрам набийи мұхтарам саллалоху алайхи вассаллам афандимиз: «Бешикдан то мозорға боргунча илм ўрган», демишлилар. Бу ҳадиси шарифнинг маъноси бизларга далилдур. Ҳукамолардан бири: «Ҳар бир миллатнинг саодати, давлатларнинг тинч ва роҳати ёшларнинг яхши тарбиясига боғлидур», демиши... Ал-ҳосил, тарбия бизлар учун ё ҳаёт ё мамот, ё најжот ё ҳалокат, ё саодат ё фалокат масаласидур» (Абдулла Авлоний. Танланган асарлар: 2 жиадлик. 2-жылд,

тупловчи Бегали Қосимов). Демакки, миллату ҳалқ ва давлат тақдири ундаги ёшларнинг қанчалик билимли ва ахлоқий фазилатларга эга эканлиги, бир сўз билан айтганда, маънавий камолотига борлиқдир. Имом Газзолий илм олишни фазилатли дейди, бобокалонимиз Мир Алишер Навоий «... гоҳ уламо мажлисига ишм нуридин кўнгулни ёруттум», дея зикр қилганлар.

Олижаноблик фазилатига эга инсон, яъни «олижаноб киши» – «Муҳокама ва баён»да тез-тез учрайдиган истилоҳ бўлиб, одатда илмли, зиёли, гўзал ахлоқли, олиҳиммат, жамиятда ўз мавқе-эътиборига эга киши на- зарда тутилади, яъни жамиятнинг ажралмас бир була- ги. Конфуций ҳикматлари билан танишар эканмиз, олижанобликнинг барча ззгу хислатларни ўзида му- жассам эттан инсоний фазилат эканлигига амин була- миз. Олижаноб кишилар ҳудбин, тубан, пасткаш ва жоҳил кимсаларга нисбатан қарши қўйилади. Мавло- но Абдураҳмон Жомий ўзларининг «Баҳористон» (фор- сийдан Ш.Шомуҳамедов таржимаси, 1997 йил) китобида кишиларни олижанобликка даъват этиб, шундай деганлар:

Бирор аҳмоқона иш қилса сенга,
Олижаноблик қил, озорин унум.
. Нафт-ҳаво, жаҳолат келмасин голиб,
Ақлинг фармонига мувофиқ иш тут.

Ҳазрат Жомийнинг мазкур мисраларида ҳам оли- жаноблик, бағрикенглик, оқиллик фазилатлари улуғ- ланиб, баджулқлик, жаҳолат иллатлари қораланган. Аслида кишининг ўзгаларга қилган бир олижанобли- ги ўзига қилган яхшилигидир. Олижаноб инсон – Кон- фуций қалбидаги юксак инсоний фазилатлар мезони. Ихчамгина «Муҳокама ва баён» асарида «олижаноб» сўзи юз мартадан кўп учрайди. Конфуций ўрни би- лан олижанобларнинг фазилат-хислатларини бирма- бир баён этар экан, ҳар бир киши олижаноб бўла оли-

шини оддийгина ҳаёт мантири, шунингдек, ўз хатти-ҳаракатлари билан исботлайди. Олижаноб инсон ва тубан киши қарама-қаршилиги «Мұхокама ва баён»да жуда күп ўринларда мұхокамага күйилган. Олижаноб инсон Конфуций назаридаги баркамоллик тимсоли, яъни комил инсон муаммосидир. Конфуций ҳар бир киши ўзида олижаноблик хислатларини шаклантириши, уни ўз табиатига айлантириши керак, дейди. Ҳикматдан кўриниб турибдики, комиллик сари йўл ҳар бир кишининг қалбидан бошланади, ўз қалбини поклашдан бошланади. Газал мулкининг сultonи, улурларнинг улури бобомиз Алишер Навоий ҳам комил шахс муаммосини илгари сурган эдилар. Демак, барча буюк донишмандлар бу масалага бирдек ёки ўзаро ўхшаш нұқтаи назардан туриб ёндашишганининг гувоҳи бўлишимиз мумкин. Яна бир мисол: немис файласуфи Ф. Нитше ўз идеалидаги шахсни «аъло одам» деб юритади. Ҳозирги кунда республикамизда баркамол авлод тарбиясига алоҳида эътибор берилаётир. Чунки баркамол инсон, мукаммал жамият инсониятнинг энг юксак орзусидир. Унга интилган шахс ва давлатнинггина келажаги порлоқ ва боқийдир.

Дўст – ҳикматдаги ушбу сўз айрим алоҳида хусусиятларга зга. Қадимий изоҳида «устози бир сабоқдошлар», «маслакдошлар», «ҳамфир» деган маъноларни билдиради. Дўстлар ташрифи – ҳақиқий кувонч. Зоро, шоир айтганидек: «Дунё шодликлари йифилса бутун, Дўстлар дийдоридан бўлолмас устун». Доно ҳалқимизда дўст ҳақида жуда кўплаб мақоллар бор: «Дўстни дўстидан тани», «Одамнинг қандайлиги дўстларидан маълум», «Дўстнинг дўстлиги бошингта иш тушганда билинади», «Дўстсиз бошим – тузсиз ошим», «Бодом – пўсти билан, одам – дўсти билан», «Дўст ачитиб гапи-рар, душман – кулдириб», «Дўсти нодондан, душмани доно яхши», «Дўстинг минг бўлса ҳам оз, душманинг бир бўлса ҳам кўп»... Ҳақиқатан ҳам, кимнинг қандай дўстлари борлигига қараб, унинг қандай одам

эканлигини билиб олиш мүмкін. «Үйда ота-онанға сұянсанг, ташқарыда – дүстларингга», деб одамлар бе-жизга айтишмайды. Конфуций бирор кишининг қандай одам бўлиб вояга етишида дүстнинг роли бекъес эканлигини таъкидлайди, бу масалага ниҳоятда жиддий ёндашади. У диёнатли, самимий ва билимдон дўстларни фойдали; хушомадгўй, иккюзламачи (муноғик) ва лофчи дўстларни заарали дўстлар дейди; биринчилари билан дўстлашсак, юзимиз ёруғ бўлади, иккинчи бир хилларидан улфатимиз бўлса, панд ейишмиз аниқ, бунинг учун жуда катта бадал тўлаймиз. Пекин Педагогика университети профессори Ю Дан ўзининг «Муҳокама ва баён» сабоқлари китобида до-нишманд ҳикматларидан илҳомланиб, дўст ҳақидаги мулоҳазаларини куйидагича ифодалайди: «Бирор дўст танлаш айнан бирор ҳаёт тарзини танлашдир... Узи-нинг феъл-авторини тарбия қилиш (яъни ўз камолоти ҳақида қайгуриш) яхши дўст билан танишмоқликнинг дастлабки шартидир». Шундай экан, дўст танлаш ма-саласига, дўстлар билан бўладиган муносабатларга асло енгил қараб бўлмайди.

Ўрни келганда, камина дўст борасидаги фикрларимни ҳам баён этмоқчиман. Дўст ҳақида Яратгандан тилагим шуки, ҳар кимни синаса дўсти билан си-насин; сийласа дўсти билан сийласин; суюнтирса дўсти билан суюнтирсин экан. Шу учови жам бўлса, киши ўзини баҳтиёр ҳис қилмори шубҳасиз.

Баъзилар мазкур ҳикматдаги жумлалар орасида ҳеч қандай ички борлиқлик йўқ, дейиши мүмкін. Айримлар эса бу каби қараш унинг асл маъно-моҳиятига тўғри келмайди, дейдилар. «Илм олиш» бу шунчаки ўқиши-урганишнинг ўзигина эмас, таълимот ва қарашлар тизимини ҳам англатади, «вақт» эса одатий, аксар вақт эмас, балки замон ва жамиятга ишора, «такрорлаш» бу мустаҳкамлашгина эмас, балки тадбиқ қилиш ҳамдир. Демакки, ҳикматдаги уч жумла бир-бири билан ўзаро борланган. Улар шундай изоҳ берадилар:

агар таълимотинг жамиятта тадбиқ қилинса, нақадар қувончили воқеа; борди-ю қўлланилмаганда ҳам, дўстлар қўллаб-кувватласа, йўқлаб келишса ҳамда сұхбатлари билан кўнгилни шод қилишса, бу ҳам бир баҳт; агарда жамиятда рӯёбга чиқмас бўлса, одамлар тушумасалар, улардан нолимаслик, ҳасрат қиласлик ҳам олижаноблик эмасми!? Бу каби изоҳларда ҳам маълум маънода ҳақиқат бор.

Сўнг сулоласи машқур уламоси Жу Си (Zhu Xi) (1130–1200) мазкур ҳикматта юқори баҳо бериб, шундай деган эди: «(У) дао (илму ҳикмат; тариқат) эшиги ахлоқнинг асосидир». Ҳикмат маъноси кишиларга тушунарлидир: билим олишни курсандчилик, қувончили воқеа деб билиш керак, бунда Конфуцийнинг кунт билан илм ўрганиш ва ўзгаларга ўргатиб чарчамаслик ҳақидаги қарашлари акс этган; маслакдош дуст ташрифи шодиёна эканлиги; сўнгра бировларнинг тушумасликларидан нолимаслик, гаризгўй-бадҳоҳлик қиласликка чақирилади. Шунингдек, мазкур ҳикматда Конфуцийнинг билимга ташналиқ, кунт билан ўрганиш, шу йўл билан дикқат-эътиборини ўзини камолотга етказишга қаратиш ҳамда бунинг барчасида ҳар кимнинг ўзи жонбозлик курсатиши кераклиги талаби ифода этилган. Бу каби ҳикматларни «Муҳокама ва баён»да кўплаб учратиш мумкин, улар мазкур ҳикмат маъно-моҳиятини янада теранроқ тушунишимизга ёрдам беради.

* * *

Толиби Йоу-зи деди: «Агар кимки ота-онасига қобид фарзанд бўда одса, ёши уаугларни ҳурмат қиласа-ю, валекин мартабаси юқори кишиларни ранжитишини якши кўриш ҳоллари ниҳоятда кам учрайди; гуноҳ-жиноятни ёмон курадиган, бироқ исён-номаъқудачиликни ёқтирадиган кимсалар ҳеч бўдмаган. Олижаноблар бутун фикру зикрини муҳим одий мақсад йўлига қаратгайлар, му-

род-мақсадга етсаңдар, шунинг билан «дао» (одоб-аҳлоқ мезони) пайдо бўлгай (яъни улар ўзгаларга ибрат бўлгай). Ота-онага қобил фарзанд бўлиш, каттадарни ҳурмат қилиш – раҳмдилликнинг асосидир».

Йоу-зи – Конфуцийнинг шогирди, фамилияси – Йоу (You), исми – Жуӯ (Ruo). Конфуцийдан 13 ёш кичик бўлган, баъзи манбаларда 33 ёш дейилади.

Таржималаримизда тез-тез учраб турадиган «толиби» сўзи «Конфуцийнинг толиби (шогирди, муриди)» деган маънодадир, яъни «Толиби Йоу-зи» айни «Конфуцийнинг толиби Йоу-зи» дир. Мазкур сўз асл нусхада бу тарзда учрамайди, биз уни Конфуций шогирдларининг асардаги бошқа тарихий шахслардан фарқланиб туришилиги учун аниқлик сифатида киритдик, бу ўқувчиларга ҳам маъқул келади, деган умиддамиз.

Раҳмдиллик; яъни «жен» (жен) – инсонпарварлик, инсонийлик. «Жен» – Конфуций фалсафий ғояларининг энг юқори категорияси, шунингдек, ахлоқ, этика меъёрлари ҳамдир. Бу Конфуций қалбидаги энг юқори ахлоқий мезонни англатувчи истилоҳдир, у турли изоҳларга эга. Мазкур ҳикматда у инсонпарварлик, инсонийлик (одамийлик)ни кўрсатади. Конфуций таълимоти (фалсафаси)даги «жен» яхлит олинганда «раҳмдиллик» дегани. Куйида эса бу сўзниңг мукаммал луғатлардан жамланган таржималарини унинг маъносини аниқ ва тўлиқроқ тушуниб, англаб олиш учун келитирамиз: «мехрибонлик», «раҳмдиллик», «вафодорлик»; «мехрибон», «раҳмдил», «вафодор киши», «инсонпарвар»; «шафқатли», «оққўнгил»; «одамгарчилик», «инсонийлик», «оққўнгиллик», «мулойимлик»; (сиёсатда) «инсонпарварлик (раҳмдиллик, адолат) билан идора қилиш», яъни инсонпарвар сиёсат юритиш; «ҳамдардлик қилмоқ»; «мариз»; «инсон»; «яхши кўрмоқ» ва бошқалар. Кўриниб турибдики, маъно жиҳатидан барчаси бир-бирига жуда яқин. Конфуций наздидаги

«раҳмдил киши» – Комил Инсон, яъни комилликнинг бир алфози (ёрқин намойиши). Унда барча эзгу хислатлар мужассам: меҳр-шафқат, хокисорлик, ҳотамтойлик, мулоҳазакорлик, марҳаматлилик, мустаҳкам зътиқод, садоқат, оқ кўнгиллик, лафзи ҳалоллик, тўғри сўзлик, билимга иштиёқмандлик, сўзу амал бирлиги ва бошқалар.

Конфуций ўзининг пурмаъно ҳикматлари билан кишиларни олижаноб, раҳмдил ва гўзал хулқ эгаси бўлишга ундиади, бу йўлда ўзи жонбозлик кўрсатади, хатти-ҳаракатлари билан ўзгаларга ўrnak бўлади, таълимотини ҳам шу асосга курди, одамларга шундан сабоқ беради. Донишманд барчасининг табиий, самимий ва ҳаққоний бўлиши кераклигини уқтиради. Шундагина ҳар бир киши ўз ҳаётининг мазмун-моҳиятини англаб етади.

«Муҳокама ва баён»да кўп марта тилга олинган «жен» атамасига ушбу ҳикматда илк бор дуч келинади. Раҳмдиллик Конфуцийнинг марказий роясиидир (яъни аниқроқ қилиб айтсан, фикратининг моҳиятидир), унга «давлатни идора этишининг бебаҳо сабори» деб ҳам қаралади.

Конфуцийнинг шогирдлари, издошлари, таълимоти тарафдорлари ота-онага қобил фарзанд бўлиш ва катталарга журмат-эҳтиромли бўлишни раҳмдиллик (инсонийлик)нинг асоси деб ҳисоблашади. Одоб-қоида (яъни «тузук», одоб-ахлоқ меъллари, адаб-йўсин) билан улар тартибга солиб турилади, тузук (одоб-қоида, адаб-йўсин) бўлмаса, қобиллик ҳам, демакки, раҳмдиллик ҳам бўлмайди. Конфуций назаридаги раҳмдилликнинг асоси ўз ёнимиздаги кишиларни тушуниш ва уларни қадрлаш, иззат-хурмат қилишдан бошланади. Хитой мақолида айтилганидек: «Қобил фарзандлик – минг яхшиликнинг аввалидир». Қомусий билим соҳиби, туркий тиlda ижод қилган адиларнинг пешқадами Юсуф Хос Ҳожиб ижодида ҳам Конфуцийчилик таълимоти моҳияти – «раҳмдиллик» концепцияси-

нинг мустаҳкам асосларига муштарак фикрларни учратамиз:

Жаҳонда одатдир улуг иззати,
Улуг келса турмоқ – киши одати.
Улугга кичик ҳурматидир ҳусн,
Кичик ҳам улугдан кўтар ҳурмати.
(«Қутадқу билиг»дан, нашрга тайёрловчи ва таржимон Қаюм Каримов)

Кишининг ахлоқ-фазилати арзимас ўринларда ҳам уни аҳамиятли қилиб кўрсатади. Конфуций қобиллик ва тавозени билган киши номаъкул ишга қўл урмайди, ўз эътиқодига қарши бормайди, дейди.

«Дао» – Хитойдаги қадимги ғоялар тизимини англатувчи сўз, кўп маъноларга эга. Бу ерда Конфуций давват этган раҳмдилликдир, яъни раҳмдилликнинг моҳиятнан барча ахлоқий ғоялар системаси эканлиги ҳамда унинг реал ҳаётдаги мужассамлигидир. Оддийроқ қилиб айтадиган бўлсак, давлатни идора қилиш ҳамда ҳалол одам бўлишилкнинг асосий принципиидир. «Дао» – Йўл дегани, у «Эзгулик йўли», эзгуликка бошловчи йўл, «Ҳақ йўл». Хитойлик файласуфлардан яна бири Лао-зи (мил. ав. 579–499 йй.) «дао» таълимотини яратган, унинг «Дао-жинг» номли китобида «дао»нинг моҳияти ҳақида сўз боради.

* * *

Конфуций деди: «Хушомадгўй ва иккюзламачи киши (мунофик)ларда раҳмдиллик фазилати жуда ночор бўлади».

Хитойлик Гу Ян Ву (Gu Yan Wu) ўзининг «Кундалик хотиралар» китобида шундай ёзади: «Дунёда икки хил бераҳм (багритош) одамлар бўлади: бири исёнчи-ираговораг кимсалар бўлса, иккинчиси хушомадгўй-иккюзламачи (мунофик) кишилардир». Бундай кишилар

ўзларининг ғаразли манфаатлари йўлида ҳеч нарсадан, ҳатто жиноят қилишдан ҳам тап тортмайдилар. Ушбу ҳикматда Конфуций мунофиқ кишиларда раҳмдиллик фазилатининг оз бўлишидан огоҳлантиради. Уларнинг тили ва дили бошқа, сўзи ва иши бир-бира га тўғри келмайди, самимийлиги йўқ, ичи қора кимсалардир. Динимиз Исломда ҳам мунофиқлик қаттиқ қораланади.

Бу ерда Конфуций худбин кимсаларда раҳмдиллик фазилатининг «ночор»лигига нисбатан ўз норозилигини билдирган. Мунофиқлик иймон-эътиқод сустлигининг аломати ҳамдир. Донишманд одамларни огоҳ бўлишга, аввало ўзимизга, инсонийлигимизга, сунгра ўзгаларга муносиб бўлишга чақиради.

Толиби Зенг-зи деди: «Мен ҳар кун(им сарҳи-собида) уч бора ўз-ўзимни тафтиш қиласман: ўзгалилар учун сидқидидан қўдимдан келгунча бирор нима қила оддимми-йўқми? Дўстааримга самимий бўла оддимми-йўқми? Устозим берган сабоқдарни мустаҳкамлай оддимми-йўқми?»

Зенг-зи – Конфуцийнинг шогирдларидан бири Зенг Шен, «зи»си, яъни журматли номлари Зи-ю, младдан аввалги 505 йил туғилган, лутуолик (яъни Лу давлатидан) бўлган, Нанвученг (Хитойнинг ҳозирги Шандўнг провинциясида жойлашган ер номи) шахридан бўлиб, Конфуцийдан қирқ олти ёш кичик. Конфуций шогирди Зенг-зидан ниҳоятда мамнун бўлган. У қобил фарзанд дея ном қозонган эди. Айтишларича, «Сяо-жинг» («Қобилнома») асарини ҳам айнан Зенг-зи ёзган.

Ҳикматдаги «уч бора» ибораси «кўп марта» деган маънони билдиради. Хитойнинг қадимий китобларида «уч», «тўққиз» сонлари такрорланиш даражасининг куплигини ифодалаган.

Юқорида айтиб ўтганимиздек, «Мұхокама ва баён» Конфуцийнинг шогирдлари томонидан китоб ҳолига келтирилган. Үндан Конфуций ҳикматлари, сұхбатлари ва мұлоқазаларидан ташқари, устозларининг панднасиҳатлари, ўтитлари таъсирида туғилған шогирдларининг фикр-мұлоқазалари ҳам кенг ўрин олған. Шунингдек, китобда Конфуций шогирдлари ва бошқа тарихий шахсларнинг хотиралари ҳам жамланған.

Юқоридаги ҳикматда Зенг-зи ўзини тафтиш қила-ди, хатолари устида ўйланади ва фикр-мұлоқазала-рини дадиллик билан ўзига танбек бериш, мурожаат сифатида баён қиласы. Зенг-зининг «уз-ўзини тафтиш қилиши», бу унинг Конфуцийчилік таълимотининг «рахмдиллик» қоидаларига қаттый риоя қылғанлиги-ни англағатади.

Ҳикматда фидойиilik, самимият ва билемни дои-мо мустаҳкамлаш каби уч мұхым хислат улуғланған. Ўзгаларга самимий, беминнат яхшилик қилиш халқи-мизнинг азалий фазилатларидан. Доно халқимиз: «Яхшилик қилиб күлга от, балиқ билар, балиқ билмаса, Холиқ билар», дейди. Ота-боболаримиз бегараз, беминнат яхшилик қилишга чакирғанлар. «Яхшилик қыл, зга-сидан қайтмаса, Худодан қайтади» каби ҳикматли сұзлар бекорга эмас. Бир ўйлаб күринг-а: кимгадир яхшилик қылғансиз-у, лекин ундан заррача ҳам яхшилик күрмадингиз, устига-устак у одам сизге нис-батан раразгүйлик қылды ҳам дейлик. Лекин ҳаётин-гизда жуда мушкул ахволга түшиб қолғанингизда Худо йұл күрсатиб, қылған яхшиликларингиз мукофоти сифатида мушкулингизни осон қылмаганми? Ҳар бир инсоннинг ҳаётида бундай ибратлы воеалар талайги-на, фақат уларни бир ақд тарозусига солиб мұлоқаза юритиш лозим. Ҳар биримиз құлымиздан келғанча сидкүйдидан мұхтож кімсаларга ёрдам қылайлик! Ҳар кунимизни яхшиликлар ила безайлик!

Конфуций деди: «Ихтиёрида минг чорли тўрт отлиқ ҳарбий аравалари бўлган катта подшоликни идора қилинда ҳар ишни жиддий, астойдил ҳамда эҳтиёткорлик билан ҳад этмоқ керак бўлади; ҳалқ ишончини қозонмоқ, сарфу ҳаражатда тежамкорлик ва амалдорларни асрамоқ керак; маврид ва меъёри билан ҳалиқни деҳқончиликдан бўш вақтлардагина ҳашарга сафарбар этиш доғим».

«Ихтиёрида минг чорли тўрт отлиқ ҳарбий аравалари бўлган подшолик» – «катта подшолик». Қадимги Хитойда давлатнинг куч-қудрати унинг ҳарбий аравалари сонига қараб белгиланган, мингта ҳарбий араваси бўлса, уни катта подшолик ҳисобласа бўларди. Жанг аравалари ўша давр учун кўшинда энг асосий хужум қилювчи куч эди. Ўша даврда Хитой қўшинларининг асоси жанговар арава, отлиқ қўшин ва пиёдалардан ташкил топган эди. Қадимда хитойликлар тўрт от қўшилган жанг аравасини «шенг» деб аташган.

Конфуций бу ерда ҳукмдорлар учун муҳим бўлган беш бандни кўрсатади: хизматига фидойилик (яъни ўз ишини астойдил билиш, кунт билан ишлаш), ҳалқ ишончини қозониш, тежамкор бўлиш, зиёли ва мартабаси улуф кишиларни асраб-авайлаш, оммани мавриди билан сафарбар этиш (давлатнинг сафарбарлик ишларига жалб этиш). Бу қадим Хитойда демократик тасаввурларнинг куртак ёзиши эди.

Конфуцийнинг «раҳмдиллик» таълимоти кишилар ўртасида буладиган муносабатлар назарияси, шунингдек, давлатни идора қилиш амалиёти ҳамдир. Ҳукмдор агар фақатгина давлат ҳазинасини қандай тўлдиришни ўйлаб, аксинча ҳалқ ҳаётини фаровон қилишни хаёлига ҳам келтирмаса, у раҳмдил, одил шоҳ эмас, инсонпарвар сиёsat юргизолмабди. Конфуцийнинг «раҳмдиллик» фояси сиёсий-ижтимоий соҳада демокра-

тик бошқарув усули тамойилларидан бири сифатида ҳам аҳамиятлидир. Бирор давлатнинг қудрати фақатгина давлат хазинасининг тұлалиги, ҳукуматнинг кучлилігі биланғина үлчанмайды, кучли жамият қура олса, ҳалқ ҳаёти фаровон бұлсагина ҳақынчий маънодаги қудратли давлат ва фаровон жамиятта айланади.

* * *

Конфуций деди: «Ешлар ота-она олдидаги фарзандлар бурчинн бекаму күст адо этмоқдари, остана җатдаб чиқсадар, каттадарни ҳурмат қилишлари керак; әхтиёткөр ҳамда дағзи җадол, барчага бирдек меҳрибон бүдмоги, раҳмдил фазилатан кишиларга ёндошмоқдари керак. Шу ал-фоз зоридан амалиётидан сұнг, магар тағин зиёда куч-райрати бұлса, уни-да максус китоблар мутолааси билан билимнин оширишдек бамаъни машғұлодта сарф этгани дуруст».

Конфуцийнинг набираси Зи Си (мил.авв. 483–402 й.) ўзининг «Мұтадиллик» («Жүнг-Йүнг» – «Zhongyong») китобида Конфуций билан Лу подшоси Лу Ай Гүнг ўртасидаги савол-жавобни келтиради. Лу Ай Гүнгнинг сиесат ҳақидаги саволига Конфуций жа-воб берәетиб шундай дейди: «... Раҳмдиллик, бу ай-нан одамларни севищдир, ўз ота-онасини севиб-ар-доқлаш раҳмдилликда энг улур ишдир». Бу ҳикматда Конфуций инсонларга меҳр-оқибатли булишни таъ-кидлайды. Ота-она ва бошқаларга – барчага меҳр ула-шиш керак, аввало ота-онага бўлган меҳр-муҳаббатни Конфуций асосий инсоний фазилат (раҳмдиллик) деб ҳисоблайди.

Күриниб турганидек, Конфуций таълимотида ахлоқ ва фазилат қадрланади, ёшларнинг ахлоқий-эстетик тарбияси мұхим үринга қўйилади. Конфуций таълимоти шу жиҳатлари билан ҳам ўша давр ҳамда ҳозирги жамият талаб ва әхтиёжларига уйғун эди ва ҳамон ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ. Юқорида айтилганларни

бажарыш оддий-осондек түюлса-да, лекин ниҳоятда масъулиятли, мушкул ҳамдир. Фарзанд сифатида ота-онага қобил, итоатгүй булиш, кичик сифатида катталарни хурмат қилиш керак. Нуроний отахон ва онахонларимиз ҳамиша бизга шундай панд-насиҳат қилишган. Демакки, Конфуций каби даҳолар ҳикмати ҳалқ донишмандлыги билан уйғундир. Эзгулик, эзгу фазилатлар ҳар қайси давр ва ҳалқда ҳам қадр топған.

* * *

Толиби Зи-ся деди: «Рафиқанғизнинг ҳусни жамолин эмас, ҳусни ҳулақни қадрланг; ота-онанғиз хизматида бор күч-ғайратнингизни аяманг; подшоқ хизматига кирганда фидойилик күрсатиңг. Дүстга самимий-тұғрисүз бүдәнг. Бундай киши камтардик қнааб ўқимагананғини айтган билан, шубдасызки, уни билимден деб атаган бүдүр әдим».

Зи-ся – Конфуцийнинг шогирди Бу Шант, ҳурматли номлари Зи-ся. Конфуцийнинг кексалик давридан шогирларидан, устозидан 44 ёш кичик бўлган, адабиётда шуҳрат қозонган.

Ушбу ҳикматда Зи-ся устози Конфуций таълимотида ахлоқ-фазилатта катта аҳамият берилганligини таъкидлайди. Ҳусни ҳулақ, яъни ахлоқ-фазилат кишининг чирой-сувратидан устундир. Бу ерда ташқи жиҳатларга эмас, ички жиҳатга, яъни қалбга зътибор қаратилади, маънавий камолот ҳақиқий гўзаллик тимсоли сифатида қадрланади. Зи-сянинг мулоҳазаларига яқин фикрни биз Юсуф Ҳожиб ижодида ҳам учратамиз:

Хотин олсанг, үздан қўйироқни ал,
Севинч-ла кечир кунларинг бемалал.
Ҳусн истама, хушфеълин излагин,
Агар бўлса хушфеъл, топарсан камол.
(«Қутадгу билигдан, таржимон Қаюм Каримов»)

Билим олишнинг самараси хатти-ҳаракатларимиз билан синовдан ўтади, аввало ҳар ким ўзида одамлар билан муомала қила олиш кўнишка-фазилатини тарбияламоги керак, ундан кейингина маданий билимлар ҳақида гапирилади. Ажлоқий тарбия биринчи ўриндадир, ақдий тарбия эса иккинчидир, иккисининг алоқалари ниҳоятда аниқ-равшан. Бошқача қилиб айтадиган бўлсак, агар маданий билимларни ўрганмоқчи бўлсангиз, билим асли нима эканлигини англамоқ керак, кишилар билан муомала қилиш тасаввuri, ҳаётий тажрибалардан бошласаккина билим олишда бирор муваффақиятга эриша оламиз, ўргангандаримизни эса ҳаётга тадбиқ эта оламиз, аксинча китобпаст, расмиятчи бўлиб қолмаймиз.

Ҳикматда беш жиҳат бир ўринда тилга олинган: гўзал ҳулқ, қобил фарзандлик бурчи, фидойилик, самимий-тўғрисузлик ҳамда камтарлик. Зи-сянинг таъкидалишича, булар билимдонликнинг белгиларидир.

* * *

Конфуций деди: «Олижаноблар агар оғир-вазмин бўлмасалар, салобати бўлмас, ўргангандари ҳам мустаҳкам бўлмас. Садоқат ва самимият – иккисин бош мезон деб биломоги керак. Ўзингизга иномуносиб (ажлоқан тубан) кишилар билан дўстлашманг. Хатони тузатишдан қўрқманг».

Бу ҳикматда Конфуций олижаноб киши эга бўлиши керак бўлган фазилатларни санаб ўтади: улар асосан вазмин-салобатли бўлиш, қунт билан билим олиш ва уни мустаҳкамлаш, садоқат ва самимийлик, дўстлашганда эҳтиёт бўлишлик, хатони тузатишга ўзида журъат топа олишлик. Савлат-салобат шуки, кишининг ўзини муносиб тутиши, яъни юриш-туриши, сўзу аъмоли ўзига ярашиб туришидир. Киши аввало ўзига, ўзлигига муносиб бўлиши лозим. Агар бачканга, енгилтак бўлиб, ўзгаларда ўзбошимчалик таассуроти-

ни қолдирса, унда кишилар орасида ҳурмат-эътиборга сазовор бўлиши амри маҳол.

Дўстлашиш масаласига келсак, бунда икки хил қарааш мавжуд: биринчиси, ахлоқ-фазилати ўзингиздан начор кишилар билан дўстлашиш мақсадга мувофиқ эмас; иккинчидан, маслаксиз ёкирайимаслакли кишилар, яъни танлаган йўли ўхшаш бўлмаган кишилар билан дўст тутиниш мақбул эмас. •Ўзингизга номуносиб• дейилгани айни шу маънодадир, бу ўринда Сиздан ҳам ўзгалар дўст тутишга муносиб бўлишлик талаб этилади. Донишманд Конфуций кишиларнинг обрў-мартабаси, мол-дунёсига қараб эмас, яхши томонларини, ахлоқ-фазилатини инобатга олиб, улар билан дўстлашишга чақиради, бадхулқ кимсалар билан улфат бўлиш ўз-ўзимизга чоҳ қазиш, ўзимиз ўтирган шохга болта уриш билан баробардир. Яхши кишилар билан дўст бўлишнинг фойдаси шуки, ўз хатонуқсонларимизни тузатмоққа, шу тариқа камолот чўққисин забт этишимизда бир ажойиб имкондир. Доно халқимизда бир мақол бор: «Дўст ачитиб галирар, душман – кулдириб». Ҳақиқий дўст хатоингизни сиздан яширмайди, ўзгаларга овоза ҳам қилмагай.

Ислом тарихида «хужжат ул-ислом» номи билан машҳур олим Абу Ҳомид Газзолий «Риёзатун-нафс» китобида нафсдаги айбларни билиш йўлларидан бири сифатида ҳақиқий содик, зийрак ва диёнатли дўст танлаш кераклигини таъкидлайди: «Гўё бу дўст унинг нафси устидан кузатувчи вазифасини ўтайди. Шунда у дўстининг танбеҳу маслаҳатларига қараб ўзининг аҳволу феълларидан, зоҳиру ботин хулқларидан огоҳ бўлади...» (Абу Ҳомид Газзолий. Риёзатун-нафс. / таржимон Рашид Зоҳид. -Тошкент: «Мовароуннаҳр», 2006 й., 43-бет)

Ушбу ҳикматда бўлгани каби «Муҳокама ва баён»нинг кўпгина ўринларида фикрлар тарқоқдек кўринса-да, лекин улар ички мантиқий яхлитлиқка, изчиликка эга. Масалан, юқорида баён этганимиз – дўст

тутиш ва хатоларни тузатиш борасидаги мулоҳазалар фикримизнинг тасдиғидир.

* * *

Тодиби Зенг-зи деди: «Марҳумлар дағи маросимлари қоида-йўснинда пухта бўлса, аждодлар руҳи ёд этиб туриласа, авом ҳалқ ҳам ўз-ўзидан иисофга келгай».

Марҳумлар дейилганда, аввало, бу ерда ўтиб кетган ота-она назарда тутилган, аждодларни ёд этиш эса уларни эсга олиб қурбонликлар қилишга ишора. «Ота-онанинг дағи маросимлари таомилига пухта ёндашиш ва аждодлар руҳини ёдга олиш» азал-азалдан қобиллик дея таърифлаб келинган. Гарчи Конфуций руҳнинг мавжудлиги ҳақидаги мулоҳазаларини ошкора баён қилмаса-да, дағи ва қурбонлик маросимларига жиддий аҳамият берган. Конфуцийчилик таълимоти марҳумни иззат-икром билан дағи этиш кераклигини уқтиради, қурбонлик, назр-чироғ маросимларини қадрлаган, умуман дағи ва қурбонлик маросимларига ахлоқий тус беради. Конфуцийнинг нуқтаи назарига кўра, қурбонлик наинки бир маросим, балки у қобил фарзандликнинг бир ифодаси ҳамдир, яъни марҳумларни ёд этиб туриш ҳам бир фарзандлик бурчини адо этишдир. Конфуцийчилик қобил фарзандлик одобига жиддий эътибор қаратади, чунки қобиллик содиқлик, вафонинг асосидир, ота-онасига қобил фарзанд була олмаган киши Ватанига ҳам содиқ бўлолмайди. Садоқатмандлик қобилликнинг давомидир, бу ҳам бир юксак одоб, ҳар бир аъмолимиз эса одоб билан гўзалдир.

Мазкур ҳикматда назарда тутилган муҳим жиҳатлардан яна бири шундаки, таомилга амал қилиш ва ўтганларни хотирлаш ҳалқни рафлат уйқусидан уйғотишининг, исён ва парокандаликдан сақлашнинг диккатга сазовор тадбир-чораларидан биридир. Бундай

жамият кишилари ҳалол, пок ниятли ва вижданли була боради, бундай халқнинг нияти ҳам, амали ҳам хайрли бўлгай. Аслида ота-она ҳаётлик чоғларидаёқ уларга қобил фарзанд бўлиш айни саодат. Агар бандаликни бажо келтирсалар, уларни сўнгти йўлга кузатишлик, сўнгра ҳақларига дуо қилиб, савоб ёндириб, қабрларини зиёрат ва обод қилиб туришлик ҳам қобиллик саналади. Бу одобда ҳам, динда ҳам улурланган. Содиклик, қобиллик ҳақидаги мулоҳазалар «Муҳокама ва баён»да тез-тез учраб туради, бу эса Конфуцийчиликнинг бу икки ахлоқ меъёрларига ниҳоятда жиддий қараганигини англатади. Конфуцийчиликдаги одоб-қоида (тузук) таълими гарчи диний кўриннишга эга бўлмаса-да, қадимги Хитой жамоаларида маълум миқёсда шунга яқинроқ ролни бажарди, шу боис кейинчалик Конфуцийчилик диний таълимот, деган хато талқинларнинг пайдо бўлишига олиб келди.

(Конфуцийнинг шогирдаридан бири) Зи-чин Зи-гўнгдан сўраб шундай дебди: «Устози (фузи)-миз ҳар сафар бирор давлатга борсалар, албатта, унинг сиёсий ишларига қулоқ тутардилар. Үзда-ри бир ният билан бунга муваффақ бўлардилар-ми ёки ўзга кимдир ташаббус кўрсатармикин?» Зи-гўнг шундай жавоб қилибди: «Устоз хушфеълик, меҳрибонлик, камоли эдтиром, сиполик ва камтарлик каби беш ахлоқий фазилатларга таяниб муродига етгай. Ҳазратнинг муваффақ бўлиш усули ўзгаларникига ўхшамаса керак».

Зи-чин (Zi-qin) – Конфуцийнинг шогирдларидан бири, фамилияси Чен (Chen), исми Канг (Kang), Зи-чин унинг ҳурматли номи. «Тарихий хотиралар» китобининг «Жўнгни шогирдлари таржимаи ҳоллари» бобида Зи-чин қайд этилмаган, шу боис баъзи бир талқинларга кура, у Конфуцийнинг шогирди эмас.

Зи-гүнг (Zi-gong) – Конфуцийнинг шогирди, фамилияси Дуанму (Duan-mu), исми Си (Ci), хурматли номлари Зи-гүнг, Вэй (Wei) подшолигидан бўлган, устозидан 31 ёш кичик бўлган. Зи-гүнг милоддан аввалги 520 йил туғилган. У баҳс-мубоҳасага моҳир бўлган. Конфуций уни катта бир давлатнинг вазири аъзами бўлишга лойик дейди. «Тарихий хотиралар»да қайд этилишича, у Вэй подшолигидаги машҳур савдогарлардан бири бўлган.

Фузи (fu-zhi) – қадимда қўлланилган ҳурмат белгисини билдирувчи ном. Дафулик (қадимги Хитойда ўрта даражадаги амалдорлик) қилган кишиларга ҳурмат билан шундай мурожаат қилинган. Конфуций бир муддат Лу подшолигида «си-коулик» лавозимида ҳизмат қилган, шу сабабдан шогирдлари Конфуцийни ҳам «фузи» деб аташган. Шунга кўра, кейинчалик устозларни шу ном билан улуглаб аташ анъанага айланган. Си-коу мансаб эгалари адлия ва тартибни сақловчи миршаблик, яъни ҳукуқ-тартибот ишларини бошқарган. У Фарбий Жоу (Xi-zhou) даврида таъсис этилган ўрта даражадаги мансаб номи, Чун-чю («Баҳор-куз» – «Chun-qiu») ва Жан-гуо («Урушқоқ подшоликлар» – «Zhang-guo») даврида ҳам фойдаланилган. «Муҳокама ва баён»даги «фузи» Конфуций шогирдларининг уни ҳурматлаб аташлариридир. «Конфуций» номи ҳам «Кўнг фу-зи»дан келиб чиққан.

Конфуций юртма-юрт кезиб юрганида, қайси давлатга бормасин, аввало ишонч қозониб «унинг сиёсатини эшитган», ҳукумат ишларига дикқатини қаратган. Афсуски, ҳеч бир подшо унинг таълимотини ҳаётга тадбиқ қилишдек оғир масъулиятни ўз зиммасига олмайди. Сиёсат ва сиёсий вазифалар давлатнинг ўзаги сифатида мамлакатнинг гуллаб-яшнаши, ҳаёт-мамомтига даҳлдор, ҳалқнинг турмуши, баҳт-саодати билан чамбарчас борлик, ҳар бир фуқаронинг манфаатлари билан алоқадор, ҳар биримиз бу ҳақда қайғуришимиз лозим. Ҳикматда икки шогирдининг суҳбати асо-

сида Конфуцийнинг қандай одам эканлиги, унинг ахлоқий сифатлари очиб берилган. Конфуций подшоларнинг қадрлаши ва юксак баҳосига сазовор бўлишинг сабаби унинг хушфеъл-мулойимлик, меҳру шафқат, ҳурмат-эҳтиром, оддий-соддалик ва камтар-камсуқумлилик каби ахлоқий сифатларга эга бўлганлигидадир. Конфуций мана шу сифатлари билан маҳорат касб этади. Камтарилик сифатини оладиган бўлсак, бу хислат инсоннинг обру-эътибор, қадр-қиммат топишида муҳим рол ўйнайди. «Камтарга – камол, манманга – завол», дейди доно халқимиз. Бу мазкур нақднинг Конфуций феъл-атвори, ҳаёти мисолида яна бир бор ўз тасдигини топгани эмасми?! Камтарилик нима? Оддийгина қилиб айтганда, у фойда-манфаатга келганда ҳаммадан кейинда, бурч-мажбуриятга келганда эса ҳаммадан олдинда туришиликдир. Мазкур ҳикмат, шунингдек, шогирдларининг устозларига нисбатан берган юксак баҳоси ҳамдир.

Конфуций деди: «Отаси ҳаётлик чорида унинг мақсадига разм солниг; отасининг ўдимидан сўнг унинг жатти-ҳаракатини диққат билан кўздан кечиринг: агар уч йилларча отасининг йўл-йўриқларини ўзgartирмаса, қобил фарзанд дейиш мумкин».

Ҳикматни умумлаштирадиган бўлсак: «Отаси ҳаётлик чорида ҳам, вафотидан сўнг ҳам ота ўтитларига хиёнат қилмаган фарзанд қобил фарзанддир».

«У» – бу ерда фарзандга ишора. «Уч йилларча» – қадимда кўплик, «анча вақт» маъносини англатган. Йўл-йўриқлар, яъни «дао» – ота тайинлаган ахлоқ мезонларидир. Мазкур ҳикматда фарзандлик бурчини адо этишлик ва ноқобилликни текшириш усули ҳақида сўз юритилган, унда Конфуций ўз фикрини аниқ ва лўнда баён этади. Агар фарзанд отаси тайинлаган ахлоқ меъёрларига оғишмай амал қилса ва бундан

унинг кўнгли тўқ бўлса, у қобил фарзанд дея аталишга лойиқ. Албатта, бу ерда «ўзгартирмаса» сўзи га бирёқлама қарамаслик лозим. Асл маънони кишиларга етказиб беришда уни қандай талқин этиш ҳам муҳим рол ўйнайди. Бунда сўзловчининг сўзлаш маҳорати, тил нозикликларини ҳам инобатга олиш керак. Баъзи кишилар Конфуцийнинг мазкур ҳикматига асосланиб, уни эскиликка ундовчи, мутаасиб ва ислоҳ қилишга қарши фикрловчи, деган бирёқлама фикрга келишлари мумкин, тарихда шундай ҳам бўлган, кўплаб сиёсатдонлар ундан ўз мақсадларига етишишда фойдаланганлар. Ўғил-қизлар қобил фарзанд бўлишлари, кекса авлоднинг яхши томонларидан ўрнак олишлари, уларнинг тўғри курсатмалари га, панд-насиҳатларига ҳурмат билан кулоқ солишлари шарт. Лекин булар хужакўрсинга бўлмасин, шунингдек, уларга кўр-кўронада эргашмаслик ҳам керак. Аниқ бир даража – мезонга эга булиш талаб этилади.

Ҳаммамиз хом сут эмган бандамиз, шунинг учун ишимиз, сўзимизда жузъий хатолик ўтиши мумкин, хатоларни тан олиш ва уларни ўз вақтида тузатишга ўзимизда журъат топа олиш ҳақиқий мардлик саналади. Шу боис, ёшлар эсли-хушли бўлиб, мустакил фикр юритсалар, катталарнинг афзал томонларидан ўрнак олсалар, ҳар нарсага ибрат кўзи билан боксалар, нур устига аъло нур бўлур эди.

* * *

Толиби Йоу-зи деди: «Лин» (одоб-қонда)нинг аҳамияти мутаносиблик («Be»)нинг муҳимдигида-дир. Утган оқна подшолар тутган йўл шунинг билан гўзал эди, каттаю кичик ишларрида у дастураламад бўдли. Баъзи ўринларда унга риоя қилмагандар, боиси мутаносиблик фақат мутаносиблик учунгина бўлиб қодганидадир, лекин у одоб-қонда билан тийиб турилмас экан (яъни одоб-

қонда доирасида бўлмас экан), рўёбга чиқариб ҳам бўлмайди».

Конфуций бу ҳикматда кишиларни одоб-қоида доирасидан чиқмасликка чақиради. «Лии» – одоб-қоида ўзи нима? Нейтрал-холис бўлиш, янада кенгроқ қилиб айтадиган бўлсак, айни тингчиликдир. Сўзимизга изоҳ киритайлик. Кишилар ўртасида баъзан тафаккур эврилишлари, фикрий оғишлар ҳам юз бериб туради, бирор хатти-харакатга нисбатан турлича қарашлар шакланган бўлади, бу эса зиддиятли муносабатни келтириб чиқиради. Бу зиддиятларни қандай барта-раф қилиш, оғишларни тартибга солиш мумкин? «Лиига таяниб», яъни одоб-қоида меъёрларига таянган ҳолда, дейилади Ли Зе-фэй (Li Zi-fei) тартиб берган «Муҳокама ва баён»да («Beifang lianhe» босма-медиа акциядорлик масъулияти чекланган жамияти «Wanjuan» нашриёти. 2010 й. 3-нашр, 7-бет).

«Лии», бу – ўша Конфуций яшаган Чун-чю даври нуқтаи назаридан, умуман олганда қулдорлик жамиятидаги қонуналар тўплами ва ахлоқ меъёрлари. Ҳолбуки Конфуций назарда тутган Жоу «лии»си, яъни Жоу сулоласининг тузуклари, одоб-ахлоқ меъёрлари, таомил, урф-одатлар тизими, шунингдек, кишиларнинг феъл-автор мезонларини ҳам кўрсатади. Агар «лии» бўлмаса, жамиятда тартиб, демакки, барқарорлик, осойишталик бўлмайди, шу боис кишилар ўртасидағи муносабатларда одоб сақлаш, бирор ишда қоидага амал қилиш керак. Одоб-қоиданинг аҳамияти эса «мутаносибликни муҳим деб билиш»да ва айни мувозанатни сақлашдир. «Хе» – мутаносиблик ёки уйғунлик, тўғри-монандлик, мувофиқ, муносиблик; бошқача қилиб айтадиган бўлсак, ҳар ишни айни муддаодаги-дек бажара олиш, меъёр талабида бўлиш; ҳалқ тили билан айтганда, сихни ҳам, кабобни ҳам куйдирмаслик; шунингдек, муросасозликни ҳам назарда тутади; янада аниқлаштиrsак, ўртамиёна, мўттадилга

тұғри келади. Одатда, Конфуцийчиликда мутаносиблик мұтадиллік билан бирга тиңга олинади. Агар оламда мутаносиблик бұлмаса, унда гүзәллік, мұтадиллік ҳам бұлмайды. Сүз ва хатти-харакат мутаносиблиги, тил ва дил мутаносиблиги, ботин ва зохир мутаносиблиги – булар олижанобларнинг сифатларидир. Өхәнглар уйғуналиги – ҳамоҳанглик, ранглар уйғунлуги ҳақиқий саңыат асарларининг дүнәга келиши “га асос булып хизмат қиласы. Ҳатто табиийлік ва ғайретабиийлік ұргасыда ҳам юксак мутаносиблик мавжуд, у аломуларда зохир.

Кези келгандың бир нарсаны алохыда таъкидлаб үтишни жоиз деб топдик: бу ерда биргина Конфуцийчилик таълимоти мисолида акс этган Шарқ тафаккурининг үзиге хос жиҳатларидан бири ойдинлашади: маънолар хазинаси биргина сүз замирида яширин. Яъни биргина сүз билан жуда күп нарсаларни англашиб мүмкін. Мутаносиблик Конфуцийчилик алохыда ташаббус күрсатған этикавий, сиёсий ва ижтимоий принцип ҳисобланади. Конфуций «лии»ни ҳәётта тадбиқ қилиш ва құллашда, әнг муҳими, уйғуның (мутаносиблик)дир, дейди. Барча ишда мутаносибликка амал қилиш керак, шу билан бирга, беадаблик қилишдан ҳам сақланиш лозим. Яъни айтиш мүмкінки, ҳар бир инсон жамиятта ҳәётдеги үз үрнини яхши билған ҳолда, үзаро мұносабаттарда номутаносиб құлмиштардан тиімлігани маъқул. Масалага назарий жиҳатдан ёндашадиган бұлсак, Конфуций ҳолбуки одоб-қоиданың күлланилишида мутаносиблик (уйғуның) муҳим, дея таъкидлаган экан, шунингдек, «мутаносибликка зришиш учунгина мутаносиблик пайда бўлмаслик»ни, одоб-қоида билан тиийиб туриш лозимлигини ҳам эслатиб үтади, одоб-қоида доирасидан чиқмаслик кераклигини уқтиради. Күриниң турғанидек, Конфуций даъват этган мутаносиблик мутлақо принципсиз уйғуның зemas, ақл-идрокка асосланғанлығы (оқилюналиғи) билан ҳам аҳамиятлайды. Конфу-

цийнинг мазкур ҳикматдаги нүқтаи назари маълум мазмунга эгаки, уни яхшироқ тушуниш учун донишманд яшаган давр ижтимоий-сиёсий аҳволидан қисман бўлсин хабардор бўлиш талаб этилади.

Қадимги Хитойда Чун-чю даври (мил. авв. 770–мил. авв. 476 йиллар)га келиб жамиятда қарор топган анъанавий тартиблар емирила бошлади, мамлакатда фиску фасод авж олди, амалдорларнинг шоҳга суиқасд қилишлари, падаркушлик каби воқеалар тез-тез учраб туради. Шу боис, Конфуцийнинг шогирди Йоузи зиддиятларни бироз бўлсин юмшатиш, жамиятда осойишталикни қарор топтириш мақсадида «мутаносиблик муҳим», деган фикрни илгари суради. Йоузи мутаносибликни одоб-қоида («лии»)нинг энг юқори даражаси деб ҳисоблайди, лекин у одоб-қоида доирасидаги мутаносиблик (ўйғунлик) бўлиши шарт.

«Ўтган подшолар» – Хитойнинг қадимги афсонавий подшолари: Яо, Шун ва Ю оқсоқоллар, шунингдек, Танг, Вэн, Ву, Жоу-гўнг каби подшоларига ишора. Уларнинг йўли («дао»си) бирдир, бир принципга оғишмай амал қилдилар. Бу принцип эса ҳар қандай хатти-ҳаракат, ҳулқ-атвор ва фаолиятнинг бошланғич қоидалари, яъни фаолият учун асос қилиб олинадиган қонун-қоидалар, шу билан биргаликда, мутаносиблик мезони ҳамдир. «У» дейилганда подшоларга дастуруламал бўлган шу принцип назарда тутилган. Шарқ адабиётида Ануширвон, баъзи манбаларда Нушкиравон деб ҳам юритилган шоҳ воқеаномаларда адолат тимсоли сифатида шухрат қозонгган; Хотамтой саховатпешалик, олижаноблик рамзига айланган. Турли адиблар ўз даврининг подшоларига уларни ибрат қилиб қўрсатишган.

Хулоса шуки, Шарқда қадимдан аввал ўтган одил подшолар, донишмандларни ибрат намунаси қилиб таърифу тавсиф қилиш анъанаси мавжуд, улар ҳақида ҳикоятлар, афсоналар битилган. Конфуций ва унинг издошлари ҳам шу анъанани қадим Хитой диё-

рида бошлаб беришган. Аслида «ибрат» тушунчаси ва амалиёти кишининг улгайиш жараённида муҳим аҳамиятта эга, аввало биз ён-веримиздагиларга қараб ўрганамиз – улги оламиз, келажакда қандай одам булиб вояга етишимиз кўп жиҳатдан бизни қуршаб турган муҳитнинг қандайлигига борлиқ.

* * *

Тодиби Йоу-зи деди: «Берилган ваъда ҳаққоний бўлсагина, амалда вафоси ҳам бўлгай. Иzzат-хурматда одоб-қоидага яқин бўласанг, исноддан йироқ бўлгайсан. Суяччиқ, туқдан-туғишгандарига оқибатли бўлишликда ибрат бор».

Конфуцийнинг шогирди Йоу-зи мазкур ҳикматда «ишонч» (ваъда) ва «хурмат» ҳақида фикр юритади, бу унинг иккисига ниҳоятда жиҳдий қараганилигидан гувоҳлик беради. «Ваъда» ва «хурмат» учун мезон Жоу сулоласи одоб-қоидаларидир. Конфуций ва шогирдлари Жоу сулоласини ибрат сифатида кўрсатишлари, унга қайта-қайта мурожаат қилишларининг сабаби шундаки, тарихий нуқтаи назардан Жоу сулоласидан сўнг мамлакатда бошбошдоқлик, парокандалик авж олиши натижасида жамият ижтимоий-сиёсий, маънавий жиҳатдан таназзулга юз тута бошлаган эди, бунинг салбий оқибатларини олдиндан кўра олган Конфуций подшолар ва халқни огоҳликка давват этади ва бу йўлда у ўзининг қадимги фозил подшоҳлар йўли ва Жоу сулоласи тузуклари асоси устига курилган ахлоқий-сиёсий таълимотини ҳаётга тадбиқ этишга уринади. Фоявий-назарий жиҳатдан эса ўз таълимотини муайянлаштиради, яъни унга аниқлик киритиб, ҳаётйи руҳ беради. Одоб-қоидага мувофиқ бўлмаса, сўзланмайди, сўз берилмайди, акс ҳолда «ишонч»га путур етади. Одоб-қоидага зид ишлар қилинмайди, акс ҳолда «хурмат»га путур етади. Бу айни инсон каби яшаш ҳақидаги асосий нуқтаи назардир.

Ваъдага вафо қилиш – ҳақиқий вафодорлик, одиллиқдир, айни мардоналикдир. Ўзбек мақолида айтилганидек, «Арслон изидан қайтмас, ботир – сўзидан». Сўзининг устидан чиқадиган киши маҳмаданагарчилик, сафсатабозлик қилмайди, қуруқ гапни галирмас, чунки берилган ваъдасининг устидан чиқиш керак. Аввало берилажак ваъда ҳақиқатга яқин, адолатга уйғун бўлсин, шундагина унинг устидан чиқиш эҳтимоли бўлади. Ваъда вафоси билан гўзал.

Ҳикматда сўз «йи»га мувофиқ бўлиши керак де-йилган, «йи» – адолат, ҳаққоният, одиллик, тўғрилик, конфуцийчилик таълимотининг этикавий (ахлоқий) категориясидир. Бу роявий ва амалий жиҳатдан маълум бир белгиланган меъёрга мос келишиликдир. Ушбу мезон эса одоб-қоида (тузук)дир. Ҳурмат одоб-ахлоқ қоидаларига мувофиқ бўлиши шарт, яъни ҳамма нарса одоб-ахлоқ меъёрлари доирасида бўлиши керак. Бунда ташки феъл-автор гарчи муҳим бўлса-да, ботинийлик янада муҳимроқдир. Шу ўринда бир муҳим жиҳатни қайд этишни лозим деб топдик: Фарбда зоҳиран намойишкороналик етакчи ўринда туради, Шарқда эса ботинийлик биринчи ўриндадир. Фарбда очиқ-опкоралик табиий ҳол. Шарқона таомилга кўра, андиша қилинади, сўзланмайди, балки англаниди, ифода-изҳор маҳфий кечадиган жараёндир. Шу сингари мисоллар ота-она ва фарзандлар ўргасидаги, кишининг жамият билан бўлган турли муносабатларида, дунёқарашида ҳам яққол акс этади. Ҳикмат орасида ишлатилган «яқин» сўзи мувофиқ, мос, тўғри келишни англатади. Адаб инсон нафосатидир, у кишининг жамиятдаги ижтимоий мавқенини ҳам белгилаб беради. Шундай экан, бизнинг сўзу хатти-ҳаракатимиз унга мувофиқ бўлмори лозим. Қариндошлар, дўст-биродарлар орасида суюнишга арзигулик оқибатлилари бўлади ва уларга эргашиш, улардан ибрат олиш лозим. Ота-она биз – фарзандларнинг суюнч тофимиздир. Мазкур ҳикматнинг таг

маъноси шуки, ахлоқий тарбияни ёнимиздаги кичик ишлардан бошлаган дуруст.

Конфуций деди: «Олижаноблар таомда қорнини түйғазиш ҳамда бадастир, роҳат-фароғатда яшаш кўйинда бўдмайди, меҳнатда тийрак-уддабурон, сўзда эҳтиёткор бўлса, ҳар доим ахлоқди кишилардан ўрнак олиб, ўз нуқсоиларини тузатса, уни ҳақиқий илмсевар дейинш мумкин».

Бу ҳикматда олижаноблар олдига қўйилган илм иштиёқмандлиги борасидаги бир неча хил ахлоқий таблар баён этилган бўлиб, таърифдаги олижаноб киши яхши фазилатларга эга бўлган инсон, илмга иштиёқманд деганда асосан илм амали, хатти-ҳаракат, ахлоқий тарбия назарда тутилади. Фақат китоблар мутолааси билангина бунга эришиб бўлмайди. Конфуций ахлоқли киши ўзининг еб-ичиши ва яшашига ҳаддан ташқари дикқат-эътиборини қаратмаслиги керак, шунингдек, ундей киши меҳнатда тиришқоқ ва уддабурон, эҳтиёткор бўлиши, тарин ўзини танқид қила олиши, сўзу амаларини сарҳисоб қилиб, ахлоқли кишилардан ўрнак олиб, хатоларини тузатишни билиши керак, деб ҳисоблайди. Айнан ўша «билиш» илм олишга ихлосмандлик даражасини белгилайди.

Ўз-ўзини билишга интилиш ҳақиқий илмпарварликдир. Кишининг ҳар бир хатти-ҳаракати замирида ўз-ўзини камолотга эриштиришдек олий мақсад ётиши керак. Конфуций таълимотидаги илмга иштиёқманд бўлишлик рояси, умуман олганда, илмга чин эътиқод қўйиш, тиришқоқлик ва ҳафсала билан билим олиш талабида бўлиш, ўргангандарини амалга тадбиқ қилиш каби маъноларни ўзида мужассамлаштирган.

Шунингдек, мазкур ҳикматда нафсни тийиш, қалб хасталикларини даволашда ақл-фаросат ва ибратнинг хосияти ҳақида фикр-мулоҳаза билдирилган. Олижа-

ноб сифатида киши ўзининг моддий нарсалар берадиган ҳузурга бўлган ўчлик иштиёқини тийиб туриши, бутун дикъат-эътиборини ўзининг ахлоқий сифатларини камол топтиришга қаратиши керак, бу ибрат олишга арзигулик ишлайдир. Нафсини тийиш, сабр-қаноатли бўлиш, ақл-фаросат билан иш юритиш, тилига эрк бермаслик, ҳар нарсага ибрат кўзи билан боқиши – булар олижанобликнинг сифатларидир.

Толиби Зи-гўнг устози Конфуцийдан сўради: «Фақир бўлган билан лаганбардорлик қиласаса, бадавлат бўлган билан кибру ҳавога берилмаса қандоқ?» Конфуций шундай жавоб қилибди: «Дуруст, бироқ бу кифоя қилмайди, фақирликда мамнуният ила ахлоқи камодоти учун ҳам қайгура олса, давлатмандалика ҳам адаб иждосманди бўлишга яна нима етсин». Зи-гўнг яна деди: «Назмнома»да айтнаганидек:

Гўё олиб фил дандонию суюгу мугуз,
қоштошни,
Сайқал топсин десанг гар, кандя қилма
тарошлиашни.
айни шу мазмундами?»

«Эй Ци, сенинг билаан «Назмнома» ҳақида сұдбат қилмоқ фурсати етибди, – дебди Конфуций. – Чунки сенга бир нарса ҳақида сўз очгудек бўлсам, ўзининг бирни билиш орқали қолганларини уқиб олар бўлибсан».

Ци (Ci – Ци) – Зи-гўнгнинг исми, Конфуций шогирдларига, одатда, уларнинг исмини айтиб мурожаат қилган. Бу ҳикмат бир жиҳатдан конфуцийчилик таълимотида таълим бериш ҳолатини акс эттирган. Мөҳирлик билан таълим-тарбия бериш, бирни билиш орқали бошқасини фаҳмлаш, яъни бирни билиб мин-

гта етиш – Конфуцийнинг ўқитиши усулидир. Қашшоқликда ҳам камолот ҳақида, бой бўлса ҳам адаб ҳақида қайғуришлик – Конфуцийнинг ўқитиши талаблари дидир. Конфуций Зи-гўнга ўз-ўзини тарбия қилиш фақат гина яхши амаллар қилиш эмас, асосийси бундан шоду хуррам бўлишликда эканлигини ўргатади. Яхши ўқитувчигина таңқид қилишни ҳам, тақдирлашни ҳам билади. Конфуций шогирдлари ҳамда барча одамларни фақирликда ҳам «дао» (тариқат)дан кувониш, бой бўлса ҳам адабни хуш кўришдек юксак бир даражага етишларидан умид қилган. Шу боис, одатий дарсларида Конфуций шогирдларига бу ғояларидан сабоқ беради, агар донишманд айтганидек бўлса, жамият осоиишталигини сақлаш мумкин. Конфуций толиби Зи-гўнгдан мамнун, бу қисқагина савол-жавобдан англашиладики, Зи-гўнг мустақил фикр юрита олади, бирни билиш билан мингга етади, шунинг учун ҳам устозининг мақтovига сазовор. Шунингдек, Зи-гўнг бу ўринда тарин бир ҳақиқат – билимни тўхтовсиз чукурлаштириб бориш кераклигини тушуниб етади. Ушбу ҳикматда баён этилганлари Конфуцийнинг таълим бериш ғояларининг муҳим бир жиҳати ҳисобланади.

* * *

Конфуций деди: «Бошқадарнинг мени тушунмасликларидан оғримайман, бошқадарни тушунмаслигим мени ташвишга солади».

Бу бир ориз жумла Конфуцийнинг шогирдларига ўргатган инсондек яшаш ҳикматидир. Унинг таг маъноси шуки, ўзгаларни тушунишинг асносида бошқадарга ҳам ўзингни тушунишларига йўл очсан. Бошқача қилиб айтсак, ўзгаларни тушуниш баробарида киши ўзини ҳам яхши англаб боради. Ўзингни англамасанг, бошқадарни тушунмайсан, ўзгаларни тушуна бошлаганинг сайин ўзингни, ҳаёт ва борлиқни янада

теранроқ англай бошлайсан. Бу «тушунишлик» турли йүсінде, масалан, бағрикенгілік, меҳр-муҳаббат, фидокорлик, самимийлік каби күринишларда намоён бұлади. Киши үзгаларга марқаматли бұлишдан олдин үзига нисбатан бағрикенг, илтифотли бұлмори керак. Бирөвге муҳаббат боялашдан аввал инсон үзини ҳақиқиит маңнода сева билмоқ керак, йүқса түйгула-ри уни манфаатпарастлікка, худбинникка етаклайди. Ичи торлық, ичи қоралик каби иллатларга қарши кенгфеълік, меҳру шафқат билан курашмок лозим..

* * *

Конфуций деди: «Элни ахлоқ билан идора қыла олған подшоқ мисди Қутб (Олтин қозық) юлдузидек үз үрнида мустақжам тура олгай ҳамда бекісінші соб юлдузлар уни құршаб мұдоғаза қылған турғай».

Қутб ёки Олтин қозық юлдузини қадимги одамлар осмоннинг маркази деб атаганлар. Ер шари үзининг айланиш ўқы буйлаб ҳаракатланади, шимолий яримшардаги одамлар назаридә юлдузларнинг ҳаммаси гүё осмондаги бир нұқта атрофида тұпланиб айланадеңгандек туюлади, бу нұқта айнан осмоннинг Шимолий қутбидир. Қадимда кузатиш усулларининг чекланғанлиги сабабли, одамлар Шимолий кутб баъзи юлдузлар билан жипслашған деб ҳисоблаганлар, шунда ушбу юлдузни «Қутб юлдузи» деб аташған. Кейинчалик бу каби тушунчаларнинг нотұғри эканлығы маълум бўлди. Лекин Конфуцийнинг ушбу ташбеки рамзийлікка зга. Агар подшоқ ахлоқ или элни идора қылса, вазир, раият – барчаси уни құршаб ҳимоя қылгай.

Ушбу ҳикматнинг маъноси шуки, давлат ишларини идора қылишда ахлоқий тарбияни биринчи үринга қўйиш керак, яъни у сиёсий жиҳатдан ҳам ҳал құлуви-чи аҳамият касб этади. Ақлий тарбия ахлоқий тарбия асосида шаклантирилсагина зэгуликка хизмат қила-

ди. Ўз-ўзини тарбиялаб камолотга етказиш нафс тарбияси ҳамдир. Ҳалқа ахлоқий күч билан таъсир этиш, яъни инсонпарварлик идора усули Конфуцийнинг адаб (одоб-қоида) билан элни идора қилишга доир сиёсий қарашларининг муҳим таркибий қисмидир.

Мазкур ҳикматдан англашиладики, конфуцийчиликнинг элни идора қилиш ҳақидаги энг асосий принципи ахлоқ ила идора этиш усулидир, аксинча, шафқатсиз жазо чораларини ёки қонунларини жорий қилиш эмас. Инсон хоҳ ўзини идора қиласин, хоҳ давлатни, бу жараёнда ахлоқ асосий рол ўйнайди. Кишининг ўз-ўзини камолотга эриширишга бўлган уринишида, оиласини тузаши ёки давлатни идора қилиш, дунё тинчлигига ўзининг ҳиссасини кўшишида ахлоқ ниҳоятда муҳимдир. Ахлоқли, фазилатли бўлса, кишининг табиати ҳам гўзал бўлгай, одамларни ўзига тортадиган ҳамда кучли таъсирчанлик қувватига эга бўлгай, ҳалқ улуғлаб бошларига кутаргай, обрў-эътибори юксалгай. Юқоридаги ҳикматдан фаҳмлаш қийин эмаски, Конфуцийга хос хислат унинг қарашларида ўз аксини топган, яъни ахлоқли идора усулида аввало подшоҳ ўзининг яхши хулқи билан раиятга ўрнак бўлсин. Тарихдан маълумки, жуда кўплаб хонлик-сулолалар биргина саройда авж олган ахлоқсизлик, фиску фасод оқибатида таназзулга юз тутган. Жамият ва давлат хотиржамлиги, ободлиги ва равнақи ундаги ҳар бир фуқаронинг ахлоқий камолоти билан чамбарчас борлиқдир.

* * *

Конфуций деди: «Назмнома» уч юз қисмдир, биргина сўз билан айтганда, у «бегараздир».

Мазкур ҳикмат қадим юони файласуфи Эпикурнинг қуйидаги сўзларини тасдиқлайди: «Донишман-дгина шеърият ва мусиқага тўғри баҳо бера олади».

«Назмнома» ҳаммаси бўлиб 305 қисм-шеърдан иборат, «уч юз» микдорнинг кўплигига ишора. Бу асар ўтган бобда Конфуций ва шогирди Зи-гўнг ўрталари-даги савол-жавобда ҳам тилга олинган эди. «Назмнома» конфуцийчилик таълимотининг мумтоз асарларидан ҳисобланади. Конфуцийнинг таҳрири ва тартиб бериши натижасида юзага келган, бироқ аслида у Конфуцийгача ҳам мавжуд эди. Бошқа бир қарашларга кўра, асар узоқ даврлар мобайнида тарқалиб, оғиздан-оғизга ўтиб бир тартибга келган. Конфуций ўша нусхасига асосланиб қайта таҳрир қиласган, холос. Нима бўлганда ҳам, бу иккиси бир-бирини инкор этмайди. Албатта, «Назмнома»нинг бутунги кунгача етиб келишида Конфуцийнинг буюк хизматлари бор. Конфуций мазкур асарни ниҳоятда чукур тадқиқ қиласган: «Бегараз» сўзи «Назмнома»нинг «Луга қасида» фаслидаги «Аргумоқдар» шеъридан олинган, биз шеърнинг бир бандини келтириб ўтамиш:

Семиз ва бақувват айгир отлар,
Яйлови олис, овалоқ, кимсасиз жойлар.
Семиз ва бақувват отлар улар,
Оқ-қора отлар, оқ-қизил додгор отлар,
Оёқлари ёлдор отлар, кокилдор отлар,
Араваларга боп кучли зотдор отлар.
Бенуқсон, бегараз гаройиб отлар,
Бу отлар учқур отлар, ажойиб отлар.

Шеър тўрт банддан иборат бўлиб, юқоридаги парча ўша шеърнинг сўнгти бандидир. Конфуций бу биргина сўз билан асарнинг бидъатдан, ёвуз ғоялардан холи эканлигини таъкидлайди. Бу ҳикмат Конфуцийнинг «Назмнома» ғоялари маъно-мазмунига нисбатан берган баҳоси, шу билан бирга, Конфуцийнинг санъат асарларини баҳолаш мезони ҳамдир. «Назмнома» ўша даврлардаёқ Миср, Месопотамия, Эрон, Ҳиндистон ва Турон каби Шарқ ўлкалари қатори Хитойда ҳам эстеп

ТИК ҒОЯЛАРНИНГ ВУЖУДГА КЕЛГАНИДАН ГУВОҲЛИК БЕРАДИГАН ҚИММАТЛИ МАНБАЛARDАН БИРИДИР. ШЕЪРИЯТ, КУЙ-КУШИҚ ЭСТЕТИК ЗАВҚ БЕРИШИ БИЛАН БИРГА, КИШИНинг АХЛОҚИЙ ТАКОМИЛИДА МУҲИМ РОЛ ЎЙНАДИ. АХЛОҚИЙ ГЎЗАЛЛИК ВА МАҲНАН ЕТУКЛИК БИРЛIGИ ҲАҚИҚИЙ ОЛИЖАНОБЛАР СИФАТИДИР. ШУНДАЙ ЭКАН, ЭСТЕТИК ҚАРАШЛАРНИНГ ЮЗАГА КЕЛИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИДА КОНФУЦИЙЧИЛИК ҒОЯЛАРИНИНГ ҲАМ ЎЗ ЎРНИ БОР.

* * *

Конфуций деди: «Ранят амру фармонлар билан идора қилинниб, жазо чоралари билан тизгинлаб туриласа, гарчи ҳалқ фақат жиноят содир этишдан вақтингча фориғ бўласадар-да, жиноятнинг иснод эканин ҳис қилмайдидар. Ахлоқий меъёрлар билан идора қилинниб, адаб-таомида (маърифат) билан тийиб туриласагина ранят ҳалол ва ор-номусли бўлибгина ҳодмай, балки ўзини ўнглаб ҳам олгай».

«Ўзини ўнглаб олгай» деганда хатоларини тузатиш, тартиб-қоидаларга амал қилиш, бўйсиниш маънолари англашилади. Мазкур ҳикматда Конфуций бир-биридан тубдан фарқ қиласиган икки хил давлат идора усувларини муҳокамага кўяди. Конфуций қаттиқ жазо чоралари фақатгина одамларни жиноятлардан вақтингча сақлай олиши мумкин, бироқ уларга жиноятнинг иснод эканлигини англатолмайди, деб ҳисоблайди. Фақат амру фармон ва жазовий қонунлар билан ҳалқни идора қилиш гарчи самара берса-да, лекин мукаммал бўлолмайди, ахлоқий тарбия билан бошдан-охир безамоқ керак. Ахлоқий тарбия жазога нисбатан анчайин оқилона йўлдир. Бу ерда Конфуций сиёсий ишларда ҳам ахлоқни биринчи ўринга кўйиш билан қонунлар ва жиноятга яраша жазо чораларини асло инкор этаёттани йўқ. Ҳар ишнинг асосида ахлоқ бўлсагина ундан ижобий натижалар кутиш

мумкин. Ҳикматда қонуналар йули ва адаб йули қиёс-ланади, хulosса: адаб-маърифат идора усули жазолов-чи-қонуний бошқарувдан аълорок.

Конфуций Хитойнинг буюк маърифатпарвар до-нишманди ҳам эди, у адаб ва таомиллар (урф-одат, удумлар)га, тарихий анъана ва аждодлар меросига ҳурмат маърифат улашишнинг асосидир, деб ҳисоб-лайди. Эл-юрт тақдирни маърифатга чамбарчас бор-ликдир. Маърифатли элда ҳар бир фуқаро наинки ўз тақдирига, балки ҳалқ ва Ватан тақдирига ҳам безътибор бўлмайди. Илм-маърифатсиз ҳалқ гум-роҳдир, яъни адашган, у ҳеч қандай разиллик, гус-тоҳлиқдан тоймайди. «Қобуснома»да айтилганидек: «*Подшоҳ учун энг ёмон иш ҳалқнинг густоҳли-ги дур*». Шу боисдан Соҳибқирон Амир Темур ҳам илм-фан, санъат, маданият ва адабиётга ҳомийлик қилгандар. Жадидчиларимиз ҳам маърифат йули билан ўзлигимизни намоён этишни мақсад қилиб қўйган эдилар.

Хulosса шуки, ахлоқий билиш ўз-ўзини англаш фа-олиятидир, у кишилар ва жамиятни турли бўхрон ҳамда оғишлардан асрайди. Ўз-ўзини англаган одам ўзлигини тушунган инсондир. Жазолардан кўрқиш ҳисси гарчи кишиларни ўз хатти-ҳаракатларида эҳти-ёт бўлишга ундаса-да, лекин бу билан ахлоқан ўз-ўзини идора қилиш мушкул.

* * *

Конфуций деди: «Мен ёшимнинг ўну бешида илм олишга жидду жаҳд қиадим; қироним-ўтти-зимда ростландим; қирчиллама қирқимда саро-снимага тушмадим (шубҳалардан фориғ бўладим); эзликни қоралаб тақдирдан воқиф бўладим; олт-мишин орадаб ҳамма нарсага қулоқ оса биадим; етмишга етиб инон-иљтиёрим ўзимда бўади ҳамда қоида-меъёрда қуюшқондан чиқмадим».

Мазкур ҳикматда Конфуцийнинг ўз ҳаёт йўли акс этган. Донишманд ўз умр йўлини умумлаштириб олти даврга бўлади. Биз ушбу ҳикматнинг изоҳи сифатида Пекин Педагогика университети профессори Ю Даннинг «Муҳокама ва баён» сабоқлари китобидан ҳам мисоллар келтиришни лозим деб топдик. Ҳикмат изоҳига киришар экан, Ю Дан хоним уни «бир ҳомаки ҳаётий координаталар» деб атайди. Унинг бугунги кишиларга яна қандай ибратли аҳамияти бор?

Аввало, билим олиш хусусида. Бу дунёни кексаларимиз «беш кунлик», «бевафо», «уткинчи» дейдилар, инсон умри қисқа бўлишига қарамай, у абади ятга дахлдор. «Конфуцийнинг «ун беш ёшимда илмга жидду жаҳд қилдим» деган сўзлари ўзининг бошлангич нуқтаси, шунингдек, шогирдлари олдига қўйган бир талаби ҳамдир», дейди Ю хоним. Қадимда болалар ун беш ёшга тўлганларида олий мактабларга кириб ҳаёт воқеликларига асосланган «улуглар сабори»ни ўрганишган. Конфуций тез-тез шундай дер эди: «Мен билимдон бўлиб туғилмаганман, қадимгиларга ихлос қўйдим, тиришқоқлик билан илм ўргандим, холос». Олимга ахборот асли ҳақида гапириб, эътиборимизни асқотадиган нарсаларнигина ўқишига қаратишимиз кераклигини айтади: «Ахборот портлаши даврида биз учун энг катта қийинчилик янгиликларнинг ҳаддан ортиқ кўплиги, бизни қийнаётган энг катта муаммо танлаш муаммосидир, шунинг учун айниқса саралаб, режа билан илм олиш зарур». Ҳақиқатан ҳам, ҳозирги кунда чексиз ахборот оқимида ўзимизга кераклисини танлай ола билишимиз зарур, йўқса, умримизнинг бекор ўтгани қолади. Миямизни ҳар хил нарсалар билан тўлдириб ташлайвермасдан, чекланган билимимизнинг моҳиятини тўлароқ англаб, уни ҳаётимизга олиб кирсак қандай яхши! Конфуций ўқиганларимиз устида фикр юритишимиз, уларни ҳаётга тадбиқ қилишимиз лозимлигини уқтиради. Ана шундай ўқиш, ўз

устимиизда тинимсиз изланиб-ишиш орқали астасекинлик билан ўсиб борамиз.

«Үттиз ёшда ростланишлик қалбда ўзига бўлган ишончнинг пайдо бўлишидир». Бу ҳаётдаги муҳим босқичидир, житойча «ли» (li) дейилади, таржимаси «оёққа турмоқ», «ҳаётда, жамиятда ўз ўрнини топмоқ», «ўзига таянмоқ», «қаддини ростламоқ». Конфуций «ли»ни шундай изоҳлайди: «Ли» адаб-таомил биландир; яна айтадики: «Одоб-қоида («лиш»ни билмасдан оёққа туриб бўлмайди». «Ростланмоқ учун адаб-таомилда бўлишлик»нинг энг сўнгти талаби ҳаддан ошмаслик, қоидалардан четга чиқмаслиkdir. Бу ҳақда сал кейинроқ батафсил тўхталамиз.

«Зуо хотиралари» («Zuo-zhuan») китобида ҳам қайд этилишича, Менг Си-зи отлиқ киши ўз ўрлига бориб, Конфуцийдан одоб-қоидани ўрганишни буюрганида ҳам шундай деган экан: «Одоб-қоида бу – одам синчиидир, унингсиз оёқда туриш йўқ». Ю Дан хонимнинг таъкидлашича, «үттиз ёшда тикка туриш» аввало ички (ботиний) ростланишдир, шундан кейингина жамиятдаги ўз ўрнини топишдир. «Үттиз ёш кўнгилда ўзингга бўлган ишончни қарор топтирадиган ёшдир... Конфуций ҳар доим шогирдларига оддийгина яшаш тарзини ўргатиб келган, у ҳам бўлса аввало кўз олдидаги ишларни қойилмақом қилиб бажариш, кераксиз нарсалар тўғрисида ташвиш чекмаслиkdir». Мисол учун, Конфуций афсонавий нарсалар (аройиботлар), жин-ажиналар тўғрисида баҳс юритишни истамас эди, бу унинг диққат-эътиборини реалликка қаратганилигининг ифодасидир. Биз ўргана олишимиз мумкин бўлган нарсаларни ўрганишимиз лозим, шунингдек, оз-оздан ўрганиб борсак, вақти-соати келиб ҳақиқатан қаддимизни ростлай оламиз. Ю Дан хоним «ростланиш»ни ташқи ижтимоий ҳодисод эмас, ички-ботиний воқелик сифатида тушунтиради, ҳаётда ўз-ўзингни тўлақонлироқ англай бошладингми-йўқ – бу ички қалб мезони орқали ўлчанади, шу билан бирга,

қилаётган ишларингта нисбатан ўзингта бўлган ишонч ва қатъиятта эришмоғингдир.

Кирчилама қирқ ёшда инсон қандай қилиб юракдаги ғашликларни бартараф эта олади? Бунинг учун донолик зарур. Киши ёшлиқдан ўқиб-ўрганди ва уларга таяниб ростланди, қирқ ёш эса кишининг бир етуклик давридир, ростланиш ва ушбу расолик даври инсон ҳаётидаги энг гўзал дамлардир. «Моддий нарсалар қанчалик кўп бўлса, киши шунчалик осон ўзини йўқотиб кўяди» (Ю Дан). Ўттиз ёшдан ўтиб инсон саралаш ва айириб ташлашни ўрганиб олади, қалб учун ҳожати бўлмаган нарсалардан воз кеча бошлайсан. «Саросимага тушмаслик» – ўзни йўқотиб қўймаслик, мияси гангид қолмаслик ёки довдираб-эсанкираб, ҳовлиқиб қолмаслик. Янада аниқроқ қилиб айтганда, талваса-васвасага тушмаслик. Саросимага тушмаслик, бу «Кишининг ўзи англаган ҳолда мўътадиллик ғоясига мувофиқ фикр юритиши, ҳаракат қила олишидир» (Ю Дан). Мўътадиллик – юксак фаолият мезони, фалсафий жиҳатдан сўз юритганда, у энг мувофиқ «дараҷа»дир. «Тўрт китоб» орасида «Мўътадиллик» номли асар ҳам бор. Мазкур асар дастлаб «Адабнома»нинг бир қисми бўлган, бошқалар уни Конфуцийнинг на-бираси Зи-си (мил. авв. 483–мил. авв. 402 йй.) қаламига мансуб деб ҳисоблайдилар. «Мўътадиллик»да айтилганидек: «Мұхаббат-нафратни, қайгу-қувончи-ни билинтирмаслик «жўнг» (ўрталик – «zhong») дейшлур, юзага чиқарганда ҳам ҳаддан ошмаслик «хе» (мутаносиблик, уйгунлик – «he») дейшилур. «Жўнг» – оламдаги буюк моҳият (мижоз; асос), «хе» эса оламдаги ғжамики инсоният босиб ўтадиган) улуғ йўлдир. Жўнг-хе (мўътадил-мутаносиблик) даражасига зришилса, еру кўк ҳар бири ўз ўрнида бўлиб, барча мавжуудотлар ҳам бемалол униб-усгай». «Улур йўл» – амал қилиниши керак бўлган умумий қоидалар. Демак, олам мавжудлигининг асосида ҳам мўътадиллик хукмрон. «Му-

ҳокама ва баёнда Конфуций шундай дейди: «Мұтадиллик ҳам бир турлы ахлоқдир, әнг юксаги деса ҳам бұлур! Ағасуски, одамларда бу фазилатнинг камёб бүлиб қолганига күп замонлар бұлды».

Шу үринде юқорида номи зикр этилган «Мұтадиллик» асаридан парча келтириб үтишни жоиз деб топдик: «Иккинчи қисм. Конфуций деди: «Олижанобларнинг феъл-автори мұтадилликка үйгүндир, худбинларнинг қылмиши мұтадилликка зиддир. Олижаноблар шунинг учун ҳам олижанобдирларки, улар ҳар өткіз мұтадилликнинг ичиндадир; худбинлар шунинг учун худбинларки, уларда мұтадилликдан ҳайиқиши-ҳадик бүлмайди...

Еттинчи қисм. Конфуций деди: «Одамлар «Мен дономан», дерлар, бироқ нағсларининг тузыгидан қандай құтулишни билмайдилар. Тагин одамлар «Мен дономан», дерлар-у, бир ойча ҳам мұтадилликка құрбылары етмайди».

Абу Ҳомид Газзолий «Риёзатун-нафс» («Нафс тарбияси», таржимон филология фаннари номзоди Рашид Зоҳид, Тошкент: «Мовароуннахр», 2006) китобида шундай ёзади: «... ахлоқдаги мұтадиллик қалбнинг согломлигидан, мұтадилликдан оғиш эса қалбда иллат борлигидан дарап... Инсон мижозининг аслида мұтадиллик ҳукмрон. Фақат ташқи таъсирлар туғайли бу мұтадиллик бузилади. Шунингдек, ҳар бир инсон тоза фитрат билан мұтадил ҳолда туғилади». Демакки, мұтадиллик қалб билан алоқададир. Қалбимиз тоза, сорлом – мұтадилликка мувофиқ бұлса, ҳар қандай вазиятда ҳам үзимизни йүқотиб қўймаймиз, саросимага тушмаймиз. Кўриниб турибдики, Конфуций, Газзолий сингари Шарқ мутафаккирлари ижодида мұтадиллик концепцияси етакчи үринде туради. Конфуцийчилик таълимотининг йирик намояндаларидан бири Менг-зи шундай дейди: «Аввалги донишман-

дар билан кейинги донишмандарнинг ўлчов мезонлари (йўли) бирдир». Шунинг учун биз тез-тез доноолар ўтитида ўхшашликларни учратамиз.

«Тақдирдан воқиф бўлиш» деганда Конфуций нимани назарда туттан эди? Тақдир, бу – Яратганинг иродаси; хитойчада «тыйн-минг» дейилади, яъни «Осмон иродаси»дир. Осмон – қадимги хитойликларда худо тимсоли. Конфуций шундай деган эди: «Яратганга ҳасрат қиласадим, бандасидан зорланмадим; илм одишига кирнишдим ва ҳаққа етишдим». «Ҳаққа етишлик» – тақдирнинг нима эканлигини тушунишлик. «Тақдирни билиш»да «билиш» муҳим аҳамиятга эга, ўз тақдирига кўниш Тангрининг иродасига бўйин-сунишдир. Конфуций деди: «**Олижаноблар қўкка интиладилар, худбинонлар тубанлик сари**». Олижаноблар ўз дилларига буюк эътиқод ва мақсадларни тудидалар. Тақдирни тушунишлик олижаноблик сифатларидан. Конфуций шундай дейди: «**Тақдирни билмаган одижаноб бўлодмайди. Адабни билмаган ростлана олмайди. Сўзнинг фарқига бормасанг, одамларни ҳам яхши билмайсан**». «Тақдирни тушуниш билан Конфуций айтган олижаноблик дараҷасига етилади» (Ю Дан). Тақдирга «олдиндан белгиланган ҳаёт йўли» деб изоҳ берилади, борлиқ нарслар, мавжудотлар ва воқеа-ҳодисаларни ёлғиз Яратганинг иродаси билан борловчи диний тасаввурдир, у ҳақида фикрлар турлича, шуниси маълумки, уни англаб етиш кўр-кўрона тан олиш эмас. Баъзилар, ҳолбуки барчаси пешонага ёзиб қўйилган экан, куйиб-куйимланишнинг нима кераги бор (?), яхшининг пешонасига яхши бўлишилиги, ёмонникига ёмон бўлишлик муҳрлаб қўйилган экан, дейишади. Бу жоҳилликдир, айни тақдир тушунчасига юзаки қараш бўлур эди. Шунингдек, тақдирни инсон ўзи яратади, дейишлик ҳам хатодир, бу ҳаддан ошиш, қуюшқондан чиқишидир. Тангри бу борлиқни ундаги борки нарслар билан мўътадил-мутаносиб – мукаммал қилиб

яратган, агар ақл күзи билан қаралса, ундағи ҳар бир нарса мұйжизакор. Ана ўша мукаммаллік манзилига әлтүвчи синовли йүл – умр бор, омонат танимиз – улов бор, илохийлікка дахлдор руҳимиз ёки манзилга элитажак аввалда пок қилиб яратылған қалб бор. Камолот йўли улур йўл, ҳақ йўлдир. Инсон мукаммал мавжудот сифатида комилликка зириш эҳтиёжи ва имкони билан яратылған. Шуны англаб етиш – тақдирдан воқиға бўлишдир. Тақдир, оддийгина қилиб айтгандан, бу бешак ҳақ йўлдан оришмай умр кечиришдир. Бу йўлни қандай билиш, таниш мумкин? Бунга илму маърифат орқали ҳақ йўл аломатларини билиш воситасида етишиш мумкин бўлади. Мавлоно Жалолиддин Румий айтганларидек, йўллар купдир, Ҳақ йўл эса ягонадир.

Олтмиш ёшда «кулоқ сола билиш» қандай гап бўлишидан қатъи назар, барчасини тинглай олиш, ҳақ-ноҳақни ажратабилишдир, ўзгаларни хурмат қилиш, ҳар бир нарсанинг мавжудлиги сабабини тушунишликдир. Яна шуки, эшитган ҳар бир сўзнинг магзин чақиб, уни ҳақиқат билан борлай олиш ҳамдир, яъни ҳар жумладан бир ҳикмат чиқариб, бошқаларга тақдим этишилик. Кишилар айтишлари мумкин, бу гап донишманд айтадиган гапми, дея. Ҳақиқатан ҳам, донишманлар шу қадар оддий сўзлашганки, баъзан улар киши кўнглида гумонсирапга ўхшаш ҳисни уйғотиши мумкин, лекин аслида улар донишманд бўлганлари учунгина шу қадар оддий сўзлайдилар. Донолар айтганидек, энг буюк ҳақиқат энг оддий ҳақиқатлардир. «Кулоқ сола билиш» – буни ҳар ким ҳам айтиши мумкин, дерсиз, лекин уни олтмиш йил яшаб, билим-ҳикмат ва тажрибасига таяниб сўзлай олган инсон эса ҳақиқий донишмандир. Унда чиқаридиган хулосаю «фикрлаш лаззати» (Виктор Алимасов) мутлақо ўзгача бўлади.

Кўпинча турли давраларда бўлганимизда, бир жиҳат кўнгилга оғир ботади: ҳамма гапиради-ю, лекин

эшита оладиган зор топилмайди, бу жуда хунук ҳолат. Сўз ростми-ёлрон, аввал уни тингламоқ жоиз, бунинг учун эса камиди сабрли ва журъатли бўлайлик. Тўғри гал қулоққа ёқмас бўлади, шунинг учун ҳам ҳар қачон кишиларни эшита олишимиз лозим, яъни сўзлашдан тапкари, тинглашни ҳам ўрганишимиз керак. Бу ҳам бир маҳорат. Диққат билан қаралса, ҳар бир айтилган сўз замирада маълум маънода ҳақиқат яширин бўлади, фақат уни фаҳмлай олиш, ажратада билиш керак. Биз ҳар куни турили характер ва кайфиятдаги одамларга дуч келамиз, улар билан бўлган мулоқотда қанчалик мўътадил бўла олсак, одоб-қоидага ҳам шунчалик амал қила олган бўламиз. Агар киши ўзиникини маъкуллайвермай, ўзгаларни ҳам тинглай олса, демак, ўзини яна бир одим камолотга яқинлаштирибди. «Конфуций айтган «қулоқ оса билиш» даражаси аслида ташқи борлиқ ҳақиқатларнинг қалбда мужассам бўлишиди» (Ю Дан). Бу босқичдан «инон-ихтиёри ўзида бўлиб ҳаддан ошмаслик» даражасига ўтилади.

«Куюшқондан чиқмаслик» – йўл қўйилиши мумкин бўлган, белгиланган чегарадан ташқари чиқмаслик; белгили талаб, одоб-ахлоқ, меъёр ва шу кабилар доирасига хилоф иш қымаслик; ножуя хатти-ҳаракатдан тийилиш. Куюшқондан чиқиш ҳаддан ошишдир. Бу вақтга келиб киши учун хатти-ҳаракат ва феъл-атвор қоида-мезонлари унинг аввал одати, сўнгра ҳаёт тарзи ва ҳатто мазмунига айланган бўлади, токи унда ахлоқий асосга қурилган илм кўрғони бўлса, ростганиб ўзининг тўғри йўналишини топа олган, борлиқ ва ҳаёт моҳиятини англаб етган бўлса. Бир вақтлар мажбурият юзасидан қылган амалларни эндиликда қалбан адо этишга киришади, шундай қылсагина кўнгли хотиржам бўлади. Бу босқичда киши ўзини ўзи англашнинг юксак даражасига эришади. Еки бошқача қилиб айтганда, Конфуций наздида, инсон ўз ҳаётининг олтинчи босқичида ахлоқий тарбия жиҳатидан

олий даражага етишади. Конфуций айтган ахлоқ тарбияси ақл-идрокка асосланган, яъни рационал ҳолатдир. Биринчидан, бу бирданига эришиладиган нарса эмас, балки узоқ вақт ўқиб-ўрганиш ва тобланиш маҳсали, босқичма-босқич кечадиган жараёндир. Иккинчидан, ахлоқнинг энг юқори даражаси – тафаккур ва сўзу амалнинг ажралмас бирлик ҳосил қилиши, ўзи англаган ҳолда ахлоқий меъёrlарга риоя қилиш. Бу иккиси жиҳат ҳар бир қиши учун аҳамиятли.

Ҳикматда Конфуций ўзининг илм олиш ва ўзини тарбиялаб камолотта етиш жараёнини баён қилган. Бу инсон ёшига қараб тафаккур даражаси секин-аста ўсиб борувчи жараёндир. Биргина тафаккур жиҳатидан гапирадиган бўлсак, бутун босқични шартли равишда учга бўлиш мумкин: (1) ўрганиш-англаш, (2) хотиржамлик билан ростланиш ва тақдири азални тушиуниб етиш, (3) субъектив онг билан кишининг ўзини тута билиш қоидалари мужассамлиги. Мазкур ҳикмат Конфуцийнинг энг машхур сўзларидан бири бўлиб, ҳозирги кунда ҳам хитойликлар ўз ёшларини у билан боғлашни яхши кўрадилар: масалан, ростланиш ёши айни қирон ёши, «тақдирдан воқиф бўлиш ёшига тулиш» каби. Бундан кўринадики, Конфуцийнинг сўзу амаллари ибрат намунаси сифатида то бугунги кунгача хитой халқи орасида дастуруламал бўлиб хизмат қилмоқда. «Хитойда ҳар бир хитойлик конфуцийчи» деган сўзлар ҳамbekорга эмас.

* * *

(Лу подшодиги дафу (амалдор)даридан бири)
Менг Йи-зи қобиқ фарзандлик бурчи нима экандигини сўрагандарида, Конфуций: «Адаб-таомнида («лии»)га хилофлик қидмасликдир», дея жавоб беридилар.

Бир куни шогирдларидан Фан Чи устози Конфуцийга жиловдорлик қидиб борар экан, ҳазрат шундай дедилар: «Менг-Сун мейдан қобиалик-

нинг не экандигин сўраб эди, одоб-ахлоқ меъёрлари ва таомилга хилофлик қиласаннидир, деб жавоб бердим». Фан Чи: «Бу не демак, устоз?» деб сўрабди. Конфуций шундай жавоб қидибди: «Ота-онанг ҳаётлик чорига уларнинг хизматида адабли бўл; одамдан ўтсалар адаб-қоида (таомил) (дни)га кўра дафи қидмоқ, тагин адаб-таомил (дни)га мувофиқ ёд этиб, маъракаларини ўтиказиб турмоқ керак».

Менг Йи-зи – Лу подшолиги амалдорларидан бири Жўнг-Сун Хе-жи (Zhong-Sun Heji). «Йи» – унинг вафотидан сунг берилган унвони, маъноси «нафосат», «фозил» демак. Жи-Сун ва Шу-Сунлар билан бирга Лу подшолигининг энг машхур аслзодалари бўлишган. Отаси Менг Си-зи (Meng Xi-zi) ўлемидан олдин унга Конфуцийдан адаб илмини ўрганишиликни тайинлаган.

Фан Чи – Конфуцийнинг шогирдларидан бири, исми Сю (Хи), фамилияси Фан, ҳурматли номлари Зи-чи. Чи (Qi) подшолигидан бўлган, баъзи манбаларда у Лу подшолигидан дейилади. Конфуцийга жиловдорлик қилган, яъни устозининг аравасини бошқарган. «Тарихий солномалар» китобининг «Жўнгни шогирдларининг таржимаи ҳоллари» бобида келтирилишича, Фан Чи устози Конфуцийдан 36 ёш кичик бўлган.

Конфуцийнинг «лии» истилоҳида «кишиларнинг ҳар бир жамиятга хос хулқ меъёрлари мажмуи, адаб ва таомил» бирдек тушунилади, у инсоннинг хулқ-атвори, юриш-туришини белгилаб беради, шунингдек, «лии» наинки ахлоқий, балки у сиёсий аҳамият ҳам касб этади. Баъзи бир адабиёт дарслкларида уни «тузук» дея таржима қилишган, бу ҳам ҳақиқатга анчайин яқин. Ҳикматда «лии» – «жамиятнинг барча аъзолари учун амал қилиниши зарурий бўлган одоб-ахлоқ меъёрлари», «адаб-йўсин». Адаб – жамиятда, кишилар билан муомалада ўзини тута билиш, одоб-ахлоқ, тарбия ва унинг меъёрлари, йўсин – йўл-йўриқ, расм, тартиб-

қоида, таомил, урф-одат, маросим. Шу икки истилоҳ биргина «лии»га мужассамлаштирилган. Жамият ҳам, давлат ҳам шу асосда идора қилинади, у элнинг барқарорлиги ва фаровонлиги гарови бўлиб хизмат қилади.

Конфуций қобил фарзандлик бурчини ниҳоятда қадрлаган, кишилардан ўз ота-оналарига нисбатан уларнинг ҳаётлик пайтларида ҳам, вафотларидан сўнг ҳам фарзандлик бурчларини тўқис ва беминнат адо этишларини талаб қилган. Бирок буни адо эта туриб одоб-қоидага хилофлик қиласликка чақиради, акс ҳолда у ҳақиқий қобиллик эмас. Демакки, қобиллик қуруқ, ўзбошимчалик билан қилинадиган қилмиш эмас, оқилона ҳатти-ҳаракатдир, одоб-ахлоқ меъёрлари доирасида бўлишилик шарт, унга таяниб ҳаракат қилиш ҳақиқий қобилликдир. Қобил фарзандлигининг моҳияти одоб-ахлоқ меъёрларига мос келишиликдадир. Конфуцийлик таълимотида ота-онага қобил фарзанд бўлиш ва катталарга ҳурмат-эҳтиром раҳмдилликнинг асоси ҳисобланади. Қадимгилар ҳам одатда «раҳмдиллик-қобиллик» дей уларни биргаликда тилга олишган. Конфуцийнинг ушбу нуқтаи назарига яқин фикрни биз Кайковус насиҳатномасида ҳам учратамиз. Унсурулмаолий Кайковус қаламига мансуб «Қобусноманинг «Ота ва она ҳақини билмак зикрида» бўбиди шундай қайд этилади: «Агар улар (ота-онанг) ҳақида камчиликлар қиласанг, тақсир кўргузсанг, сен ҳеч яхшиликка сазовор эмасдурсан, нединким, ҳар киши аслини яхшилигин билмаса, ўзганинг ҳам яхшилигин билмагусидур». Ҳикматдаги «аслин» сўзига диққат қилинг, асарнинг ўша бобидан бунга жавоб топасиз: «Эй фарзанд, билгилким, ақл юзасидан фарзандга ота-онани иззат ва ҳурмат қилиш өажибдур, нединким, унинг асли ота ва онадур». Бинобарин бирор киши ўз аслига (ота-онасига) қобил, садоқатманд фарзанд бўлолмас экан, у ҳеч қачон миллат, халқ ва Ватанга содиқ бўлолмайди.

Шу боисдан ҳам Конфуций қобил фарзандлик ва та-возени раҳмдиллик асоси деб билган.

Юқорида айтиб ўтганимиздек, одоб-қоида Конфуций қадрлаган ушбу қобилликнинг таркибий қисми-дир. Одобли фарзанд ота-онасининг ҳәётлигида ва вафотидан сунг маъракаларида ҳам ҳамиша одоб-ахлоқ меъёлларига лойик амалларни қиласди, шунда-гина уни қобил фарзанд бўлиди дейиш мумкин. Ўзбек халқида «Одобли бола элга манзур», «Қобил фарзанд - жонга пайванд», «Қобил ўғил отга миндирап, ноқоби-ли отдан туширап» каби қуплаб мақоллар бор. Улар халқимизнинг азалий пурмаъно ҳикматлариридир, мин-гийиллар оша ўз тасдигини топиб келаётир. Борди-ю одоб-ахлоқ бўлмаса, қобиллик ҳам бўлмагай, демак, ўз-ўзидан раҳмдиллик ҳам бўлмайди. Бундай жами-ятнинг ўзи ҳам, маънавияти, анъаналари ҳам мунқа-риз бўлади. Бу халқу миллат учун исноддир.

Ачинарлиси шуки, замон тараққий этгани сари, яшаш кулайликлари ортгани баробарида баъзи бир жамият кишилари ўртасидаги муносабатларда «бўшлиқлар» пайдо бўлаётир, улар қалб хотиржамли-гини йўқотиб, жазавага тушмоқдалар, оила маданияти емирилиш жараёнида, ўзликдан чекиниш, бачка-налиқ ва хунрезликлар авж олаётир, буларнинг бари ахлоқий меъёллардан узоқлашиш, мўътадиллик ва мутаносибликнинг унутилаётганилигидандир. Керак бўлса, глобал муаммоларнинг таг-замарида ҳам одоб-ахлоқ меъёлларидан чекинишнинг салбий оқибат-асо-ратлари юз кўрсатиб турибди. Шундай экан, барча-сини фарзанд тарбиясидан бошламоқ жоиз. Қобил фарзанд оила ҳамда элу юрг ор-номуси, шон-шара-фидир.

Моддий жиҳатдан ҳеч нарсага зориқтирмаслик, парвариш қилиш ёки кундалик муомалада «ли» га-риоя қилиш ота-она ҳақини билиш деганидир. Мисол учун олайлик: уларнинг сўзларига қулоқ солишилик, гап қайтармаслик ҳам одоб сақлашдир. Шунингдек, улар-

га ташвиш келтирмаслик, хоҳиши-иродаларига қарши бормаслик, одоб-ахлоқ меъёлларини бузмаслик ва бошқаларни ҳам ўз ичига олади. Киши ота-онасига қандай муомалада бўлса, фарзандидан ҳам ҳудди шундай оқибат кўрур. Бува-бувиларимиз, ота-оналаримиз панд-насиҳатлари, дуолари бизларга доимо аскотади.

* * *

Менг Ву-бӯ қобил фарзандлик аъмоли нима эканлигин сураб мурожаат этганида, Конфуций шундай жавоб берилди: «Ота-она, баски, биргина уларнинг хасталикларида инга ташвишманд бўлишини дир».

Менг Ву-бӯ (Meng Wubo) – Менг Йи-зининг ўрли Жунг-Сун, исми Жи (Zhi). «Ву» – унинг вафотидан сўнг берилган унвони, маъноси «довюрак», «жангари» демак.

Бу ҳикматда қобил фарзандлик аъмолининг энг бошлангич талаби баён этилган. «Улар» – кишилик олмоши, баъзилар уни ота-онага ишора десалар, баъзилар фарзандлар назарда тутилган дейишади. «Биргина» сўзидан икки хил маъно англашилади: (1) ҳатто ва (2) фақатгина, мазкур ҳикматда иккинчи маъноси. Конфуцийнинг ушбу ҳикмати Менг Йи-зининг ўрли Менг Ву-бўнинг саволига жавобидир. Мазкур ҳикмат борасида азалдан уч хил изоҳ мавжуд: 1) ота-она ўз фарзандини жонидан ҳам ортиқ кўради, ҳамишша унга зиён-захмат етишидан, касалга чалинишидан хавф-сирайди, шунинг учун ўғил-қизлар уларнинг ушбу кайфиятини тушуниб, қадрлаб, ўзларини ҳадеганда ўқча-чўқча уравермасдан, кундалик ҳаётда ниҳоятда эҳтиёткор бўлиши ҳам айни садоқатмандлик (қобиллик)дир; 2) фарзанд касалга чалингандан ташқари ҳолларда ота-онасини уринтирмаслиги, ташвишга кўймаслиги ҳам қобилликнинг бир аломати; 3) ўғил-

қизлар ота-оналарининг сиҳат-саломатлиги тўрриси-да доимо қайғуришлари керак, бошқа томонларидан унчалик ташвиш чекмасалар ҳам майлига; бу ўринда «биргина» сўзининг «ҳатто» маъноси ҳам бор, яъни «фарзанд ҳатто ота-онаси қариб-қартайиб, куч-мадордан қолган дамда ҳам асло улардан меҳр-муҳаббатини аямаслиги, улар ҳақида қайғуришни канда қилмаслиги шарт», ахир фарзандликнинг саодати ҳам, камолоти ҳам асли шунда. Лии Ю Хуанинг «Муҳокама ва баён»ни ҳозирги хитой тилига қилган таржимасида ҳам кўплаб адабиётлардаги шарҳлар қатори фарзандларнинг ота-онага бўлган муносабати тарзида талқин этилган: «(Қобиљлик бу фарзанднинг биргина) ота-онаси беморлигига ҳам улар ҳақида қайғуришидири». Лии Зе Фэй тартиб берган «Муҳокама ва баён»да эса аксинча, ота-онанинг фарзандларга бўлган муносабати тарзида шарҳланганинг гувоҳи бўламиз: «(Қобиљлик бу) фарзанднинг биргина ўз хасталиги билангина ота-онасини ташвишга қўйишидири». Яъни: «Фарзанд бўлмиш ота-онасини биргина беморлигидан ташқари ташвишга қўймаслиги ҳам қобиљликдир». 5-синфлар учун «Адабиёт» дарслик-мажмуасида ҳикматнинг куйидагича таржимасини ўқишимиз мумкин: «Мен Убо тавозекор ўғил қандай бўлади, деб сўради. Устоз айтди: – Фақат бетоблиги билангина ота-онасини ташвишга соладиган ўғил». («Адабиёт», Наим Каримов, Умарали Норматов, 2002 йил) Бу худди ўзбек мақолида айтилган фикрга ўхшаш: «Онангга бошингни ҳам қил, отангга ғамингни кам қил». Кўриниб турганидек, мазкур ҳикмат шарҳи борасидаги ҳукмлар турлича, лекин улар одоб-ахлоқ меъёrlарига асло зид келмайди, аксинча, бир-бирини бойитади, маъноларини кенг ва чукурроқ тушунишимизга, мулоҳаза юритишимизга ёрдам беради.

Ота-она фарзанди бетоб бўлиб қолса, ғамга ботади, икки дунё қўзларига қоронғу, Яратгандан фарзандин дардига шифо тилайди. Бу ерда гап тагида гап бор:

фарзанд бўлмиш касалга чалинишдан ташқари, бошқа нарсалар билан ота-онасини хавотирга солмаслиги ҳам бир қобиллик саналади, шунингдек, фарзанд ота-онаси дардга чалингданда ҳам улар ҳақида қайгуриб, ёnlарида туриб, дардига малҳам бўлишлиги ҳам қобилликнинг бир аломатидир. Хитой мақолида айтилганидек, «Дардингузайса, фарзандинг қобиллигин кўр ёки «Дардисарлик – ноқобиллик аломати», буларда фарзанднинг ота-онага бўлган муносабати назарда тутилган.

* * *

Тодиби Зи-Йоу қобил фарзандликнинг нима экандигин сўраб мурожаат этганида, устоз Конфуций шундай жавоб қиадилар: «Ҳозирда қобил фарзанд дея фақат ота-онасини боға олган кишиларни айтиш кифоя қилиб қолди, ҳолбуни отва ит каби жониворлар ҳам бокувдан баҳраманд. Борди-ю кўнганингда ота-онангга заррача иззатхурматнинг бўлмаса, уларни парвариш қилганинг нинг оту ит боққанингдан нима фарқи бор?!»

Зи-Йоу – Конфуцийнинг шогирди, Ву подшолигидан бўлган, фамилияси Ян (Yan), исми Ян (Yan), хурматли номлари Зи-Йоу (мил. авв. 506–мил. авв. 443 йй.), Шу-ши деб ҳам аталган. Конфуцийдан 45 ёш кичик бўлган. Камтар ва илмпарвар бўлган, адабиётни чуқур эгаллаган, бир муддат Лу подшолигида ҳарбий истеҳком маъмури лавозимида хизмат қилган. Маълумотларга қараганда, адаб-йусин ва мусиқа билан ҳалқ оммасига маърифий ҳамда ахлоқий таъсир кўрсатган, Конфуцийнинг олқишига сазовор бўлган.

Мазкур ҳикматда ҳам қобил фарзандлик муҳока-ма қилинган, иззат-хурмат қобиллик (садоқатмандлик)нинг асосидир. «От ва ит каби жониворлар ҳам бокувдан баҳраманд» жумласи ҳақида турли хил фикрлар мавжуд: 1) одамлар от ва итларни парвариш

қиладилар, яъни улар одамларнинг қараморида; 2) жониворлар одамларни боқади, яъни ит ҳовали-жойимизни қўриқласа, отларни аравага қўшиб, юк ортамиз, оринимизни енгил, узогимизни яқин қилади; 3) жониворлар ҳам ўз ота-оналарини боқади. Бу ҳикмат юзасидан кўпчилик таҳлилчилар биринчи вариантни мақбул топишган, чунки у анчайин мос.

Ҳикматдан англашиладики, Конфуций қобил фарзандлик бурчи ва адаб муносабатларини баён қиласди, «хурмат» ва «бехурматлик» инсон ҳамда жониворлар ўргасидаги фарқ эканлигини таъкидлайди. Яъни «адаб» бор-йўқлиги инсон ва жонивор ўргасидаги тағовутлардан биридир. Конфуцийчилик таълимоти қобил фарзандлик меъёрига бўлган муносабати орқали нафақат фарзанднинг ота-онага бўлган фаолият мезонини белгилаб берди, ота-онанинг ҳаёти давомида парвариши, дағн-маъракаларию шоду хуррамлигини ҳам фарзанд зиммасига юклайди.

Шарқ сўз санъатида қадимдан дидактик, яъни ибратли, панд-насиҳат мазмунидаги асарлар етакчилик қилиб келган. Конфуций даъват этган қобил фарзандлик бурчи турли жиҳат ва изчилилкни мужассамланган, қонун-қоида талабларини акс эттириди, шу боисдан ўша давр жамият эҳтиёжларига мос келди. Конфуций назарда туттанидек, одам нафақат адаб-йусин меъёrlари асосида ота-она хизматин қилмори керак, қолаверса, у буни сидқидилдан адо этмори шарт. Ана шундагина қобил фарзанд номига муносаби ғулиш мумкин. Ўзбек ўкувчиларининг 5-синфлари учун мўлжалланган «Адабиёт» (2002 йил) дарслик-мажмуасида мазкур ҳикмат қуйидагича келтирилади: «Сзиу тавозели ўрил қандай бўлади, деб суради. Устоз жавоб берди: «Хозир ота-онасини боқишига курби етадиган ўрилни тавозели деб билишади. Лекин итлар ва отларни ҳам боқадилар. Агар ота-онага хурмат бўймаса, бунинг нима фарқи бор?» Мажмуа муаллифлари (Наим Каримов, Умарали Норматов) қобил фарзандлик бур-

чи ёхуд «қобил (садоқатманд) фарзанд» истилоҳини «тавозели ўрил» дея талқин этишади. Тавозе аслида қобил фарзандлик фазилати бўлиб, хокисорлик, камтаринлик, журмат-эҳтиромни ўзида мужассамлаштиради. Шундай бўлса-да, ҳикматнинг аслига пурт етмаган, зийрак ўкувчи гап нима ҳақида бораёттанини уқиб олгай.

Шу ўринда биз Конфуцийнинг «Муҳокама ва баён» асари номининг ўзбекча аталишига ҳам қисқача тўхталиб ўтишни жоиз деб топдик, зеро, кўплаб адабиётларда у турлича тилга олинади: «Лунюй» ёки «Суҳбатлар ва муҳокамалар» («Адабиёт» дарслик-мажмуа, Наим Каримов, Умарали Норматов, 2002 йил), «Лунюй» ёки «Суҳбатлар ва мулоҳазалар» (Ўзбекистон Миллий энциклопедияси, V том, 2003 йил); «Фалсафа: Қомусий лугат», тузувчи ф.ф.д. Қиёмиддин Назаров, 2004 йил) ва бошқалар; булар билвосита таржима, яъни иккиламчи манбадан (мисол учун, рус тилидан) ўзлостиришнинг таъсиридир. «Муҳокама ва баён» хитойчада «Лун-ю» дейилади, «лун» (lun) – «муҳокама, мулоҳаза», «ю» (yu) – «сўз», «сўз юритмоқ», «баён қилмоқ». Уйғур тилида ҳам мазкур асар «Муҳокама ва баён» деб аталади. Асар номини ўзбекча муайянлаштиришда она тилимиз имкониятлари ва қардош уйғур тилидаги муштаракликлардан фойдаландик. Демак, «Лун-ю» «фикран юритилган мулоҳаза-муҳокама ва уларнинг сўздаги ифода-баёни» дир, асар инсон ва инсонийлик ҳақидаги фалсафий-ҳаётий мулоҳазалардан таркиб топган.

Толиби Зи-ся қобил фарзандликнинг нима эканлигин сўраб мурожаат этганида, устози Конфуций шундай жавоб қилашибди: «Хушрӯй-мудоиймлик мушкуадир. Юмушларни ўғла-қизлар адо этсалар, ошу шаробидан аввал ота-онасин баҳраманд қиласалар (ва бу одатни кандо қиласас-

қиладилар, яъни улар одамларнинг қарамогида; 2) жониворлар одамларни боқади, яъни ит ҳовли-жойимизни кўриқласа, отларни аравага кўшиб, юк ортамиз, оринимизни енгил, узофимизни яқин қиласди; 3) жониворлар ҳам ўз ота-оналарини боқади. Бу ҳикмат юзасидан кўғчилик таҳдилчилар биринчи вариантни мақбул топишган, чунки у анчайин мос.

Ҳикматдан англашиладики, Конфуций қобил фарзандлик бурчи ва адаб муносабатларини баён қиласди, «хурмат» ва «бехурматлик» инсон ҳамда жониворлар ўргасидаги фарқ эканлигини таъкидлайди. Яъни «адаб» бор-йўқлиги инсон ва жонивор ўргасидаги тағовутлардан биридир. Конфуцийчилик таълимоти қобил фарзандлик меъёрига бўлган муносабати орқали нафақат фарзанднинг ота-онага бўлган фаолият мезонини белгилаб берди, ота-онанинг ҳаёти давомида парвариши, дафн-маъракаларию шоду хуррамлигини ҳам фарзанд зиммасига юклайди.

Шарқ сўз санъатида қадимдан дидактик, яъни ибратли, панд-насиҳат мазмунидаги асарлар етакчилик қилиб келган. Конфуций даъват этган қобил фарзандлик бурчи турли жиҳат ва изчиликни мужассамланган, қонун-қоида талабларини акс эттириди, шу боисдан ўша давр жамият эҳтиёжларига мос келди. Конфуций назарда тутганидек, одам нафақат адаб-йусин меъёrlари асосида ота-она хизматин қилмоғи керак, қолаверса, у буни сидқидидан адо этмори шарт. Ана шундагина қобил фарзанд номига муносаб бўлиш мумкин. Ўзбек ўкувчиларининг 5-синфлари учун мўлжалланган «Адабиёт» (2002 йил) дарслик-мажмуусида мазкур ҳикмат куйидагича келтирилади: «Сзиу тавозели ўғил қандай булади, деб сўради. Устоз жавоб берди: «Хозир ота-онасини боқишига қурби етадиган ўғилни тавозели деб билишади. Лекин итлар ва отларни ҳам боқадилар. Агар ота-онага ҳурмат бўлмаса, бунинг нима фарқи бор?» Мажмуя муаллифлари (Наим Каримов, Умарали Норматов) қобил фарзандлик бур-

чи ёхуд «қобил (садоқатманд) фарзанд» истилоҳини «тавозели ўғил» дея талқин этишади. Тавозе аслида қобил фарзандлик фазилати бўлиб, хокисорлик, камтаринлик, ҳурмат-эҳтиромни ўзида мужассамлаштиради. Шундай бўлса-да, ҳикматнинг аслига путур етмаган, зийрак ўқувчи гап нима ҳақида бораёттанини уқиб олгай.

Шу уринда биз Конфуцийнинг «Мұҳокама ва баён» асари номининг ўзбекча аталишига ҳам қисқача тўхталиб ўтишни жоиз деб топдик, зеро, кўплаб адабиётларда у турлича тилга олинади: «Луной» ёки «Суҳбатлар ва муҳокамалар» («Адабиёт» дарслик-мажмуа, Наим Каримов, Умарали Норматов, 2002 йил), «Лун юй» ёки «Суҳбатлар ва мулоҳазалар» (Ўзбекистон Миллий энциклопедияси, V том, 2003 йил; «Фалсафа: Қомусий лурат», тузувчи ф.ф.д. Қиёмиддин Назаров, 2004 йил) ва бошқалар; булар билвосита таржима, яъни иккиласмичи манбадан (мисол учун, рус тилидан) ўзлаштиришнинг таъсиридир. «Мұҳокама ва баён» хитойчада «Лун-ю» дейилади, «лун» (lun) – «мұҳокама, мулоҳаза», «ю» (yu) – «сўз», «сўз юритмоқ», «баён қилмоқ». Уйғур тилида ҳам мазкур асар «Мұҳокама ва баён» деб аталади. Асар номини ўзбекча муайянлаштиришда она тилимиз имкониятлари ва қардош уйғур тилидаги муштаракликлардан фойдаландик. Демак, «Лун-ю» «фикран юритилган мулоҳаза-мұҳокама ва уларнинг сўздаги ифода-баёни» дир, асар инсон ва инсонийлик ҳақидағи фалсафий-ҳаётый мулоҳазалардан таркиб топган.

Толиби Зи-ся қобил фарзандларнинг нима экандигин сўраб мурожаат этганида, устози Конфуций шундай жавоб қилалибди: «Хушрӯй-мулоҳимлик мушкулдир. Юмушларини ўғла-қизлар адо этсалар, ошу шаробидан аввал ота-онасини баҳраманд қилсалар (ва бу одатни канда қилас-

лар), ахир қобил фарзандлик мақоми шу эмасми-
кан?»

Аён бүлдики, юқоридаги ҳикматлар қобиллик масаласига бағишенгандан. Ҳикматдаги «ошу шароб» сүзи «лаззатли таом ва хуштаъм ичимликлар» маъносиде келган. Ушбу ҳикматда ҳам Конфуций яна бир бор қобиллик аъмоли ҳақида сўз юритади. Ота-онага нисбатан фарзанднинг зоҳиридан то ботинигача «хурмат-эҳтиром» бўлишилигини уқтириб ўтади, ота-онага бўлган хурмат фарзанднинг чеҳрасида акс этиб туришилиги ҳам қобилликнинг бир белгиси эканлигини таъкидлайди. Ушбу ҳикмат «Катта келса – ошга, кичик келса – ишга» халқ мақолимизни ёдга солади. Фарзанд ота-она қошида доимо очиқ юз, хушмуомала, ширинсўз булмоғи зарур, гарчи бу қанчалик мушқул бўлмасин. Ўз вақтида, улар сени ўзи емай – едирди, ичмай – ичирди, тунлари бедор тепангда тонглар оттирди, сенинг баҳту камолинг учун бутун умрларини сарф қилди ва буларнинг барчасин беминнат қилди. Фарзанд бўлмиш «ота-онам бўлса-бўлсин, оғзи-бурни бўлмасин» қабилида иш тутмаслиги керак. Чунки «Ота-она – олтин қанот». Улар борки, хонадонимизда файзу барака, ишимиизда унум бор. Шунинг учун улар хизматин қилганда, асло қисинмаслик, зорланмаслик керак.

*Ота пандига сан тугал қил амал,
Юрарсан бўлиб баҳтиёр ҳар маҳал,
Отангни, онангни севинтир тамом,
Бу хизмат етиргай тилакка тугал.*

(Юсуф Хос Ҳожиб, «Қутадгу билиг», таржимон
Қаюм Каримов, 1971)

Ноқобиллик, нобакорлик энг ёмон иллатdir, ўзбек мақолида айтилганидек: «Ота-онасин танимаган – тангрисин танимас», «Ота-онасин ҳурмат қилган болачақасидан ҳурмат кўради» (Ўзбек халқ мақоли).

Дунёда энг мудхиш надомат ота-она ҳақин вақти-ганиматда адо этолмасликдан келган пушаймонлик-дир. Ота-она ҳақини билмаслик энг мудхиш хиёнат-дир. Шу боисдан биз баъзи бир ўринларда «қобиллик» сўзини «садоқатмандлик» сўзи билан бир маънода қўлладик.

Конфуций деди: «Толибим (Ян) Хуэйга уззу кун сабоқ бердим, ундан эса садо чиқмади, гўё телбалардек. У кетгач, зимидан унинг сўзу аъмодин кузатиб, ўзини намоён қила олганин кўрдим: ўргатганларимни тараққий эттирди. Бидимки, Ян Хуэй телбалар сирасидан эмас экан».

Хуэй (Нуі) – Конфуцийнинг энг севимли шогирди Ян Хуэй, ҳурматли номлари Зи-юан, лугуолик (Лу подшолигидан) бўлган. Милоддан аввалги 521 йилда туғилиб, милоддан аввалги 481 йил оламдан ўтган, «Тарихий солномалар»нинг «Жўнг-ни шогирдлари таржимаи ҳоллари» бобида келтиришилича, у Конфуцийдан 30 ёш кичик бўлган, баъзи манбаларда 40 ёш дейилади.

Мазкур ҳикматда Ян Хуэй эндигина ўқишини бошлигаран чоғларида устози Конфуцийнинг унга нисбатан берган баҳоси ҳамда таассуротлари ҳақида сўз кетади. Яъни Конфуций Ян Хуэйнинг ўқишига бўлган муносабатини таърифу тавсиф этиш билан бирга, ўзининг таълим-тарбия бериш борасидаги қарашлари ҳамда усулини маҳорат билан баён этади. Конфуций дастлаб «ундан садо чиқмади», дея шогирдининг бирор эътироз-мулоҳаза билдирамаганини, телбалардек тура берганини танқид остига олади. Гарчи дарс давомида ҳеч бир мулоҳаза билдирамаса-да, саволларга тутавермаса-да, Ян Хуэй устози ўргатганларини тараққий эттириб, бошқалар билан бўлган ўзаро сұхбат-мунозараларда уларни кенгайтириб тушунтиради.

Унинг бу жиҳати, ҳикматдан ҳам сезилиб тирибдики, Конфуцийга жуда маъқул келади. Конфуций эътиборини қаратган ўқитишнинг «ўзаро мукаммаллашув» фояси дикқатга сазовор. У ўқувчилар таълим олишлари жараёнида каллаларини ишлатиб, масалалар юзасидан мустақил фикр юритишилари, устоз ўргатганларини кенгроқ тушунишларидан умид қиласди. Шу боис, фикр қилмайдиган кишиларни бефаҳм деб ҳисоблайди.

Толиби Ян Хуэй ҳақида қизиқарли ва ибратли ҳикоялар ҳам мавжуд. Куйида шулардан бирини ҳавола этамиз.

Бир сафар Конфуций шогирдлари билан қийинчиликка дуч келиб, етти кунча гуруч таъмин тутмабдилар. Бир кун тушда шогирдларидан бири Ян Хуэй қаердан дир бироз гуруч топиб келиб бўтқа пиширишга киришибди. Овқат пишай деганда Конфуций дафъатан шогирди Ян Хуэйнинг қозондаги овқатни чанглаб еяётганини кўриб қолибди. Конфуций атайлаб ўзини кўрмаганликка олибди. Ян Хуэй кириб устозни овқатланишга таклиф қилганида, Конфуций ўрнидан туриб шогирдига сабоқ бўлсин деган ниятда шундай дебди: «Ҳозиргина Менг Ли аждодлари менга айтдики, таомни аввал мухтарам ёши катталарга тортиқ қилгачгина тановул қилиш лозим. Наҳот олдин ўзи еб олса-я?»

Буни эшитган Ян Хуэй шоша-пиша тушунтириб дебди: «Ҳазратим нотўри тушунибдилар. Боя қозонга чўр учиб тушганини кўриб эдим, шунга булғанганд овқат резаларини териб егандим».

Буни эшитган Конфуций чуқур хўрсиниб шундай дебди: «Одамнинг ишонгани кўзларидир, бироқ ўз кўзимиз билан кўрганимизга ҳам суюниб бўлмайдиган вақтлар бўлар экан. Ишонганимиз – юрагимиз, лекин бу ҳам кифоя қилмайдиган чорлар бўлади».

Конфуций деди: «(Гар кишининг қандайлигин билмоқчи бўлсанг) аввал унинг аъмоди майди (иният, сабаби)га боқ, сўнгра қай йўллар билан адо этмоғин кузат, тағин айни фурсатда кўигина хотиржамлигига разм сол. Шунда ҳам бу одам асл қиёфасин беркита олурми? Бас, бу одам асл қиёфасин қандай яширсин?!»

Ушбу ҳикматда Конфуций одамларнинг қандайлигин билиш сир-асори түгрисида сўз юритади. Мазкур ҳикматда «йўл» истилоҳи усулдан ташқари, «кишининг бошидан утказганлари» маъносини ҳам беради. Донишманднинг фикрига кўра, кишининг қилган ишига, уни бажаришда қўллаган тадбирига ҳамда қилганларидан мамнунлигига қараб унинг қандай одам эканлигини билиш қийин эмас.

Лии Зе Фэй томонидан бугунги кун хитой тилисига уйғунлаштирилган «Мұхокама ва баён»да мазкур ҳикмат юзасидан қуидагича изоҳ берилади: «Бирор нарсанни таҳдил қилаётганда нафақат маълум бир тегишли даврни қамраб олиш, шунингдек, ривожланиш жараёнидан ҳам келиб чиқиб текширув олиб бориш керак; нафақат умумий, балки тафсилий равищда ҳам таҳдил қилиш керак бўлади; нафақат тасаввур этилиш жиҳатдан, тағин ички майл ҳамда ҳиссий идрок этиш нуқтаи назаридан ҳам таҳдил этиш керак». Конфуций, агар кимнидир билмоқчи бўлсанг, унинг сўзларига кулоқ солиш ҳамда хатти-ҳаракатларини кўздан кечириш, тағин руҳиятига разм солиш керак, дейди. Сўзу фаолиятидан тортиб кўнгил майлигача яхши биллиб олганингдан сўнг у одам тағин қандай қилиб ўзини беркита олсин?! Бу жараёнда энг қийини кишининг кўнгил ҳолатин билишликдир, зоро, мақолда айтилганидек: «Киши кўнгли ўзгага қоронғу».

Конфуций деди: «Эски билимларни мустаҳкамлаб, янгисини ўзлаштира олган инсонги на устоз бўла олади».

Бу ҳикмат Конфуцийнинг педагогика соҳасидаги улкан хизматларидан биридир, унда билим олишнинг ўзига хос усули баён этилган. Мазкур ҳикмат бўйича қадимгилар икки хил тушунтириш беришган: 1) эскитдан мавжуд бўлган билимларни мустаҳкамлаш орқали янги тасаввур-тушунчаларга эга бўлиш; 2) эски билимларини унумаган ҳолда яна янгисини ўрганишга рағбат. Шу сабабдан ҳозирда ҳам ҳикмат борасида икки хил таржима-изоҳлар учрайди. Али Зе Фэй, Али Ю Хуа изоҳларида биринчи қарааш таъсирини курамиз. Киши ўргангандан илмини мустаҳкамлаш билан янги билимга эришиши мумкин. Ушбу билим олиш усули нафақат қадимда, ҳозирда ҳам ўз аҳамиятини асло йўқотган эмас.

Янги билимлар ҳар доим ҳам олдинги билимлар асосида ривожланиб келган. Жин Лянг Нийэн (Jin Liang Nian) тартиб берган «Шанхай қадимий китоблар» нашриётида (2004 йил) нашр қилинган «Муҳокама ва баён»да эса иккинчи қараашнинг гувоҳи бўламиз. Конфуций, ўргангандан билимларни тез-тез такрорлаб, мустаҳкамлаб туриш, шу билан бир вақтда янгиларини ҳам ўрганишга бепарво қарамаслик керак, дейди. Ўзбек тилидаги мавжуд таржималарда ҳам иккинчи нуқтаи назар сезилиб туради: «Устоз айтарди: – Эскилини ўзлаштириб олган ва янгиликни англашга қобил киши устозлик қила олади» (5-синфлар учун «Адабиёт» дарслик-мажмуя, Наим Каримов, Умарали Норматов, 2002 йил). Конфуцийнинг ушбу сўзларига яқин фикрни улуғ ватандошимиз қомусий билим соҳиби Абу Райхон Берунийнинг ҳикматларида ҳам учратамиз: «Билиминг шундай нарсаки, у яланюоч бўлганингда ҳам ўзингда қолади, ҳаммомга кирсанг, сув билан

ювиб бўлмайди. Билим қайтариш ва тақрорлаш мевасидир» (Ҳамидjon Ҳомидий, «Кўҳна Шарқ даргалири», 2004 йил, 38-бет). Беруний бу ўринда билим ўрганганинни тақрорлаш, яъни мустаҳкамлаш меваси эканлигини таъкидламоқда.

* * *

Конфуций деди: «Олижаноблар нафи бир турник буюм эмаслар».

Конфуцийчилик таълимотида олижанобликка анчайин мукаммал ахлоқ талаби сифатида қаралади. Конфуций ўз шогирдлари билан тез-тез олижанобликнинг мезон-ўлчамлари тўғрисида муҳокамалар олиб бораради. Олижаноб инсон – Конфуций қалбидаги юксак инсоний фазилатларни ўзида мужассамлаштирган фавқулотда шахс. Олижанобларгина элни идора қилишдек оғир масъулиятни бўйинларига олсалар, ташки ҳам ички масалаларда одилона сиёsat юргизиб, тегишли ҳукумат ишларини, долзарб муаммоларни ҳал қила олурлар. Шу боисдан Конфуций олижаноб инсон оқил ва фозил, кўп қиррали истеъдод соҳиби бўлиши, биргина жиҳати билан чегараланиб қолмаслиги, яъни «олижаноб дегани фақат бир нарса учунгина ярайдиган идиш-оёққа ўшраб қолмаслиги» керак, дейди.

Олижанобларнинг жамиятдаги роли қандай? Пекин Педагогика университети профессори Ю Дан ўзининг «Муҳокама ва баён» сабоқлари китобида мазкур ҳикматта изоҳ берар экан, жумладан шундай дейди: «Олижанобларнинг жетимиш роли (шароитга мувоғиқ) тез мослашувчанлик, вақти-соати билан юзага чиқадиган нарсадир. Олижаноб одам учун муҳими унинг фаолиятида эмас, балки фаолияти ортидаги уни шунга ундовчи (истак ўйгутувчи) сабаб (ички туртки)дадир. Улар жамиятнинг виждонидир». Ҳақиқатан, олижаноблардан

шароит тақозоси билан соҳиби тадбир бўлмоқдари ҳам талаб этилади. Халқимизда тез-тез қулоғимизга чалиниб турадиган бир мақол бор: «Йигит кишига етмиш ҳунар оз». Бу мақолнинг маъно-мағзи донишманд ҳикматини халқона соддалик йилан изоҳлаб турибди.

«Олижаноб киши» – «Мұхокама ва баёнда энг күп учрайдиган сүз, унинг моҳияти ҳамиша оддий, ишиқлик бахши этуевчи дір, ҳар бир одам ҳозирданоқ қылса бўлади; ўша орзу, ўша моксад эса ҳам юксак ва олис, ҳам етишиб бўлмайдиган даражада йироқ эмас; у аслида шундоқхина қаршиимизда ҳозиру нозир ҳам ҳар биримизнинг қалбимизда мавжуд. Шу маънода айтадиган бўлсак, ҳар биримиз ҳақиқий олижаноб бўлишимиз мумкин». (Ю Дан) Биз кўз ўнгимиздаги нарсалар билангина чегараланиб қолмай, балки уларнинг ортига ҳам назар ташламоғимиз керак. Шундагина ҳаётимиз бирор маъно касб этади.

* * *

Толиби Зи-гўнг қандай қилиб олижаноб бўлишини сўраганида, Конфуций шундай жавоб қилибди: «Аввал (ўз) сўзинингга амал қилиб, шундан кейингина сўзлагин».

(Яъни: «Аввал ўз сўзига амал қилиб, шундан кейингина сўзлай олган киши олижанобдир».)

Ушбу ҳикмат олдинроқ ўзбек китобхонларига етиб борган эди: «Сзигун ҳақиқий эр қандай бўлади, деб сўради. – Аввал ўйлаганини адо этади, – деди Устоз, – ана ундан кейингина буни гапиради» (Наим Каримов, Умарали Норматов, «Адабиёт дарслик-мажмуа, 2002 йил). Бу ерда «олижаноб инсон» «ҳақиқий эр» истилоҳи билан берилган. Буни шундай талқин этиш мумкин: «эр» сўзининг «эркак» маъноси билан бирга, «мард, олижаноб киши» маъноси ҳам мавжуд. Халқ оғзаки ижодида бунга жуда кўп дуч келамиз: «Эр йигит майдонда билинар», «Эр сўзидан қайтмас, шер – изидан», «Эр

айтмас, айтса қайтмас». Юсуф Ҳос Ҳожибнинг қуидаги тұртлиги Конфуций ҳикматларини янада яхшироқ тушунишимизга ёрдам беради:

*Сүзи чин бұлиши керак бег киши,
Беріб ваъда, тоңмоқ эмас эр иши.
Киши марди тоңмас деган сүзидан,
Сүзидан тоңуечи – заифлар эши.*

(Юсуф Ҳос Ҳожиб, «Қутадгу билиг», таржимон Қаюм Каримов)

Адид олижанобларни «бек киши», «эр киши», худбин кимсаларни эса «заифлар» деб атайди. Сүзу аъмол бирлиги, яъни тили ҳам, амали ҳам бир-бирига мувофиқ, самимиilik ва лафзи ҳалоллик инсонийликнинг асосларидир. Ҳалқимизда бир мақол бор: «Ваъданি беришга шошилма, ваъданি бажаришга шошил». Яна: «Сўз қадрини билмаган – ўз қадрини билмас», «Аввал ўйла, кейин сўйла». Бу каби ҳикматли сўзлар ҳалқ фарзандларини олижанобликка даъват этишининг ўзгинаси эмасми?! Авом ҳалқ кўнглига яқин, дардига ҳамдард донишманд ҳам байни шуларни назарда тутмаганмикин?! Ҳаётда ваъдасига вафо қилолмаган кишиларни кўрганмиз, эҳтимол, бу савдо ҳар бири-мизнинг бошимизга тушгандир ва бунинг учун бир умрлик виждан азобида қийналаётгандирмиз ҳам. Хушхулқ, оқибу фозил бир олижаноб инсон бўлишлик Конфуций шогирдларининг мурод-мақсади эди. Конфуций олижаноб киши куруқ сўзлаган билан бўлмайди, аввал адо этиб, сўнг сўзлаши керак, дейди. Чунки «Айтмоқ осон, қилмоқ қийин», «Айтилган сўз эса отилган ўқдир» (Ўзбек ҳалқ мақоллари). Яъни аввало ҳаммасининг амалий бўлиши кераклигини уқтиради, назарий жиҳатларга эса кейин ҳам ўтилса бўлади. Шундагина одамларнинг ишончига сазовор бўлиш мумкин. Ануширавон (Нұширавон) шундай насиҳат қила-дилар: «Агар ҳалқ сенинг сўзинг била иш қилмо-

гин тиласаң, сен ўз сүзинг била иш қылғашы (Кайковус, «Қобуснома», «Ануширавон пандларин ёд олмоқ зикрида»). Ҳар бир одам аввало ўзининг хусни хулақи, юриш-туриши билан бошқаларга ўрнак бўлиши керак, шундан сўнгтина улар ҳақида ҳар қанча гапирса – ярашади. Сўз вафоси билан гўзал, амали билан қимматли.

* * *

Конфуций деди: «Олижаноблар элга қўшилгай, разил кимсалар билан тил бириктирмас; худбинлар қабиқ кимсалар билан тил бириктириб, асло элга қўшилмас».

Мазкур ҳикматда олижаноблар ва худбинлар ўргасидаги фарқли жиҳатлардан бири кўрсатиб берилган. Олижаноблик ва тубанлик конфуцийчилик таълимотидаги ўзаро қарама-қарши ҳолатлардир, олижаноблик юксак фазилат бўлса, тубанлик ёки худбинлик иллатдир. Худбин кимсалар ҳар қандай қабиҳлик, разилликдан қайтмайди, шу сабаб ўзи каби бадхулқ, бадбин кимсалар билан тил бириктириб, қора ниятларига етишмоқчи бўлишади, улар маънавият, мйллат ва жамият кушандаларидир. Ҳалқимизда бундай кишиларга қаратса айтилган: «Кўр кўрни қоронғида танибди» деган мақол бор. Худбинлар асло одамларга эл бўлмайди, кўпчиликка қўшилмайди, қўшилса ҳам ғаразини кўймайди. Олижаноблар бўлса бафрикенг, кенг феълдирлар, улар ҳалқнинг дўсту ҳамдамидир.

Конфуций ушбу ҳикмати билан олижаноб инсонлар мисолида кишиларни ҳалқтарвар, миллатпарвар, ватанпарвар бўлишга чақиради, одамларни жамоатчилик, уюшқоқлик, ҳамжиҳатлик, иноқликка даъват этади, худбинлик каби иллатлардан эса қайтаради, буни ҳикмат ортига моҳирона жо қилган. Олижаноб кишилар ўзбilarмонлик, маҳмадоналиқ қилмайди, бошқалар билан 'бамаслаҳат 'иш қилади,' олижаноб

хукмдор кенгаш билан элни идора қиласы, ахир халқимиз «Кенгашли иш бузилмас» дейди. Халқымизда шундай мақоллар бор: «Элга қүшилсанг, эр бұларсан, элдан ажралсанг, ер бұларсан», «Эр боласи – эл боласи», «Эр йигит элга тортар», «Элнинг ғами – эрнинг ғами», «Эр давлати – элида», «Элнинг бахти – эрнинг бахти», «Эл бұлмаса, эр бұлмас», «Эрнинг иши эл билан», «Эрнинг кучини эл синар», «Эрнинг отини эл чиқарап» ва ҳоказо («Ўзбек халқ мақоллари», тузувчилар: Тұра Мирзаев, Асқар Мусоқулов, Баҳодир Саримсоқов, 2003 йил). Мақолдардаги «эр киши» айнан «олижаноб инсон»дир.

* * *

Конфуций деди: «Ўқиган билан фикр қилмаса, васвос бўлиб қолади; ҳомжаёлларга берилаб ўқимаслик жатаралидир».

Бу ҳикматда Конфуций ўқиш ва фикрлаш, бошқача қилиб айтганда, илм ва тафаккур муносабатларини баён қылган, уларни биргаликда олиб бориш кераклигини таъкидлайди, акс ҳолда кўзланган натижага эришиб бўлмайди. Конфуций шогирдларидан илм олиш жараёнида мустақил фикрлашни талаб қылган. Агар фикр қилмаса, киши бошита бир савдо тушганда осонгина саросимага тушар, эс-хушдан айрилиб, васвос бўлиб қолгай.

Устоз шундай дейди: «Илм бўлмаса, аъмол қайда? Фикр бўлмаса, ютуқ қайдан? Ёшлар, (иккисига) қунт қилингиз! Бундай киши устоз бўлишга муносиб». «Мұхокама ва баён»да жуда кўп ўринларда ушбу икки масала тилга олинади. Конфуций илм олиш жараёнида ўқиш ва фикрлаш – иккисидан биронтасига ҳам бирёқлама қарымаслик, бирортасини ҳам ташлаб қўймаслик кераклигини уқтиради. Лии Зе Фэй ўз шарҳларида келтиринича, тафсирчилардан бири Яңг Шу Да «Мұхокама ва баён» нодир-

ликлари» китобида мазкур ҳикматни юқоридаги «ес-кисини мустаҳкамлаб, янгисини ўзлаштириш» мазмунидаги ҳикмат билан узвий боғлади: «Эски билимларни мустаҳкамлаб, янгисини ўзлаштирилмаган киши ўқиб, аммо фикр қилмаган кишидир; эсқиларини мустаҳкамламасдан янгисини билишини истаган киши бўлса хомхаёлларга берилб, ўқишни эсдан чиқарган кишидир». Конфуций бу ҳикматида ўқиб, аммо фикрламаслик калтабинлик эканлигини кўрсатади, шунингдек, қуруқ хаёлларга берилиб, аммо ўқимаслик манфаатпарамаслик, сунистъемоллик иллатлари эканлигини айтиб огоҳлантиради.

Ўқиш ва фикрлашни бирга олиб боришни уддалаган қишигина ўзини ҳам ахлоқан, ҳам ақлий жиҳатдан камолга етказа олмори мумкин. Бу роя ҳозирги педагогика соҳаси учун ниҳоятда қимматлидир. Таълим муассасаларида ўқитиш ва мустакил фикрлашга ўргатишни кенг жорий қилиш ижобий натижалар беради. Ўқиб ҳам фикр юритиш ўргангандарига жон баҳш этишдир.

* * *

Конфуций деди: «Бидъатларга зарба берсаккина бадою оғатлар ҳам барҳам топгай».

Бидъат нима? 1) хукмрон дин ақидаларига хилоф иш, ҳаракат ёки таълимот; 2) умумий тартиб-қоидаларга, одатдаги қарашларга хилоф иш, фикр, хатти-ҳаракат ёки таълимот. Оддийроқ қилиб айтадиган бўлсак, бидъат, бу – ахлоқсизлик, бузуқлик, ўзликдан чекиниш, одамгарчиликдан чиқиш. Янада соддароқ тушунтиrsак, ғайриахлоқий таълимотдир. Бидъат мўтадилликнинг икки томонидир, яъни мўтадилликдан оғишдир.

Конфуцийнинг мазкур ҳикматини ҳозирги хитой тилига Жин Лянг Нийэн бошқачароқ ўғирган: «Гайри-

ахлоқий (бидъат) таълимотларга мүккасидан кетишилик ҳақиқий балою оғатдир». Ахлоқсизлик, маънавиятсизлик – инсониятнинг ҳалокатидан нишона. Ҳикматни бошқачароқ талқин қылсак: «Ахлоқсизлик домига тушиш инсониятнинг инқирозга юз тутишидир».

Ҳозирги кунда дунё саҳнида юз берадётган ҳар қандай салбий воқелик, у хоҳ майда жиноятлар бўладими, хоҳ турли баландпарвоз шиорлар, «эзгулик никоби» остида олиб борилаётган ҳар қандай урушлар бўладими, дарди бедаволикдан тортиб то экологик ҳалокатларгacha – барчаси маълум миқдорда инсон ахлоқсизлигининг таъсири натижасидандир. Натижка хатти-ҳаракат маҳсулидир. Инсониятни қийнаётган муаммолар ечимини қадимги донишмандлар рўйи-рост айтиб қўйибдилар, уларга амал қилиб, ўз-ўзлигимизни англаш эса ҳар биримизнинг виждонимизга ҳавола.

Конфуций леди: «Эй Йоу, қудоқ сод, сенга оқилдик нима эканалигин айтайин. Билганингни билдим, билмаганингни билмадим деганинг ҳақиқий билимдонаикдир».

Йоу (мил. авв. 542–мил. авв. 479 йй.) – фамилияси Жўнг (Zhong), исми Йоу (You), хурматли номлари Зи-аудир, Конфуцийнинг шогирди, «Тарихий солномалар» китобининг «Жўнгни шогирдлари таржимаи ҳоллари» бобида қайд этилишича, устозидан 9 ёш кичик бўлган. Узоқ йиллар Конфуцийга ҳамроҳ бўлган. Довюрак ва табиатан ростгўй-дангалчи эди. Хукумат ишларида шуҳрат қозонган.

Мазкур ҳикматда Конфуций чин маънодаги оқилликка баҳо бера туриб, кунт билан билим олиш, ўз устидаги бетиним ишлаш кераклигини таъкидлайди. Ҳақиқатан ҳам, ўқиш учун сабр-тоқат, ҳафсала керак. Конфуций ҳақиқатни ҳаётдан излаган, унинг бу фазилати барча қараашъарида акс этган; шу жумладан,

ўқиши борасидаги фикр-мушоҳадаларида ҳам. Юқоридаги ҳикмат ҳам донишманднинг билимга нисбатан ана шундай муносабатда бўлганини тасдиқлайди. Конфуций ҳар қандай нарсага камсукумлик билан, самимий ва вижданан ёндашиш керак, дейди. Билганингизни билдим денг, билмаганингизни эса билмадим деб тан олинг, маҳмадоналик қилиш асло ярашмайди. Ҳақиқий билим муҳтож бўлинганда асқотганидир. Инсон қанчалик билимдон бўлмасин, барибир у бехабар бўлган нарсаларнинг адоги йўқдир. Бу ҳақда хитойликларда Конфуций шахси билан боғлиқ бир масал ҳам бор.

Чун-чю (Баҳор ва куз) даврида яшаган буюк донишманд Конфуций Шарқда қараб олис сафарга чиқибди. Йўлда бир-бирлари билан қизғин баҳслашаётган иккιи болакайга дуч келибди, ёнларига бориб, нима учун тортишаётганларини сўрабди. Улардан бири қуёшни кўрсатиб шундай дебди: «Қуёш эндиғина чиққан пайтда одамларга яқин бўлади, тушда эса биздан узоклашиб кетади, шундаймасми?» Бошқа бири эса бесабрлик билан орага суқулибди: «Йўқ, йўқ, ундаймас. Қуёш чиққанда одамлардан узоқ булиши, тушга келиб эса яқин булиши керак». Конфуций билибдики, улар қуёшнинг одамлардан қанча узоклиқда эканлиги борасида тортишмоқда. Биринчи болакай сўзида давом этибди: «Қуёш энди чиққанида худди арава соябонидек каттакон, тушда бўлса пиёладек кичкина булиб қолади. Бу узокдан кичкина, яқиндан ка-ат-та булиб кўрингани учунмасми?» Иккинчи болакай норози оҳангда дебди: «Сираям унақамас-да. Қуёш эндиғина чиққанда ҳаво салқин бўлади, тушга келиб худди қайноқ сувдек куйдирадиган булиб қолади. Ахир, қуёш яқинлигига иссиқ, узоклигига салқин бўлмайдими?» Конфуций эшитибди-ю, лекин ким ҳақ, ким ноҳақлиги ҳақида бир қарорга келолмабди. Шунда болакайлар кулиб Конфуцийга шундай дебди: «Э, ким айтади сизни энг билимдон одам, деб».

Шу тариқа Конфуцийдек бир донишманд одам ҳам икки болакайдан танбөх эшигтан экан. Қиссадан ҳисса шуки, Конфуций ҳақиқатни амалиётдан излаган, шунингдек, коинот чексиз, билим эса битмас-туганмас, чек-чегарасизdir, инсон қанчалик ақл-заковатта зга бўлмасин, барибир у билмайдиган нимадир бўлади. Халқ мақолимизда айтилганидек: «Илм – тубсиз кудук», «Оламнинг кети йўқ, билимнинг чеки йўқ». Шунинг учун яна доно халқ нақлига амал қилган маъкул: «Илм кўп-у умр оз, керагин ол-у тошга ёз». (Ўзбек мақоли, «Ҳикматнома: ўзбек мақомларининг изоҳли луғати·дан, Ш. Шомақсудов, Ш. Шораҳмедов, 1990). Юқорида келтирилган Конфуций ҳақидаги масал бе-ихтиёр Умар Хайёмнинг бир рубоийсини ёдимизга солади:

*Бир лаҳза дилим илмдан маҳрум эмас,
Дунёнинг бирор сири менга мавҳум эмас.
Нақ етмиш икки йил туну кун ўй сурдим,
Маълум бўлди: ҳеч нима маълум эмас.*

Конфуцийнинг юқоридағи ҳикмати бир воқеани ёдимга солди. Туманимизда ёшлари улур, кўпни кўрган, билимли, узоқ-яқинда ҳурмат-эътибор қозонганди киши бўларди, табиатан оғир-босиқ, хушмуомала, камтарин, ниҳоятда самимий ҳамда ёшга ёшдек, кексага кексалардек муомала қиласарди. Сухбатларимизнинг бирида отам ўша киши ҳақида сўз очиб қолдилар. Дедиларки: «У кишининг ниҳоятда ажойиб бир одатлари бор: билмаган нарсасини билмадим, дейдилар». Эсимда, раҳматли катта отамлар (бувамлар) кўлимдан ушлаб у кишининг ёнларига олиб борган дилар, мени узоқ дуо қиласардилар ўшанда. Шундан кейин ҳам у кишини тўй-маъракаларда кўп курдим. Бошқалар саволга тутсалар, агар билгудек бўлсалар, ишини қўйиб бўлса ҳам шошилмасдан жавоб берардилар. Бехабар бўлсалар, бемаъни саволлар берилса,

кимдир шунчаки ҳеч бир мақсадсиз ёхуд бирор гайриликни кўзлаб саволга тутса, доим хотиржам оҳангда оддийгина қилиб: «Билмасам», деб қўя қоладилар. Ўша сўз шунчалар самимий-соддалиқ билан айтилардик, унинг сўзлагувчисига бундан бирон зиён-захмат етганини асло кўрмаганман.

Лин Зе Фэй ўз шарҳларида шундай ёзди: «*Инсон учун тушунмаслик қўрқинчли эмас, қўрқинчилиси ёлғондан үзини тушунган қилиб курсатишликдир*». Одамлар ақлли бўлиб турилмайдилар, бунга тинимсиз ўқиш, бошқалардан ибрат олиш, ўргангандарини мустаҳкамлаб ҳаётта тадбиқ этиш орқали эришилади. Инсон қанчалик билгани сайин билимнинг чек-чегараси йўқ эканлигини англаб боради.

* * *

Толиби Зи-жанг мартаба-маошга эришмоқ ҳақида маслаҳат сўраб мурожаат этганида, Конфуций шундай жавоб қилибди: «Кўпроқ тингда ҳамда шубҳали-чигалларини вақтинча қўйиб тургин-у, қолганлари ҳақида эҳтиёткорлик билан сўзлагин, шунда жатолар ҳам кам бўлади; кўпроқ кузат ҳамда шубҳали-чигалларини тагинам вақтинча қўя тур, қолганларини эҳтиёткорлик билан рӯёбга чиқар, шунда афсус-надомат ҳам кам майяди. Тида жатоснию амалида пушаймони кам бўлса, мартабаю маошга эришмоқ ҳикмати шундадир».

Зи-жанг (Zi-zhang) – Конфуцийнинг шогирди, фамилияси Жуан-сун (Zhuan-sun), исми Ши (Shi), ҳурматли номлари Зи-Жангдир. Милоддан аввалги 503 йил турилган, ченлиқ (Чен подшолигидан) бўлган, «Тарихий солномалар. Жўнгни шогирдлари таржимаи ҳоллари»да қайд этилишича, у устозидан 48 ёш кичик бўлган.

Мазкур ҳикмат билан донишманд демоқчики, бошқаларнинг фикрини ҳам кўпроқ тинглагин ва агар шу-

бҳали, чигал масалаларга дуч келсанг, уларни ҳозирча бир ёққа қўя тур, бошингни қотирма ва ўзингни билимдон қилиб ҳам кўрсатмагин, кўнглингнинг бир четтига туғиб қўйгин-у, қолганлари тўррисида эса яхшилаб эҳтиёткорлик билан мулоҳаза юриттин, шундай қилсанг, хатоларга камроқ йул қўйган буласан. Яна ўзгаларнинг хатти-ҳаракатларини қайта-қайта кузат, агар шубҳали жиҳатлари бўлса, уларни ҳам вактингча бир четта сурис тургин ҳамда қолганларини амалга ошириб, ибрат ол, шунда пушаймон қилмагайсан, тъна-маломатга қолмайсан. Йуқса «Сунгти пушаймон – ўзингта душман» бўлади. Киши шу иккисини адо этолдими, демак, тутган йўли тўғри, мартабаси улуғ, маоши ҳалолдир.

Конфуций кишиларни тилда ҳам, амалда ҳам эҳтиёткор бўлишга чақиради. Эҳтиёткорлик – одди-кетини ўйлаб сўзлаш ёки иш тутишилик. Бу оламга одам бўлиб келдикми, одамдек яшаш керак, бунинг учун эса сўзу амалимизни бир сарҳисоб қиласлил. Кўпроқ тинглайлilik ҳамда кўнгилсиз гап-сўзларни бир ёнга қўя туринг, эзгуларини сўзлайлilik, бу муносабат амалларимизга ҳам тегишилдир. Конфуций шогирдларининг амал-марtabага бўлган интилишларини қораламаган. «Муҳокама ва баён»да «илм олиб амалдор бўлиш» гояси илгари сурилган. Конфуцийнинг ўзи ҳам ижтимоий ва сиёсий-ахлоқий рояларини амалга тадбиқ қилиш учун юртма-юрт сарсон-саргардан кезади, афсуски, ҳеч бир ҳукмдор унинг эзгу мақсадини тушунмайди, тушунгандари ҳам уни рўёбга чиқаришга журъат топмайди. Сўзу амалда эҳтиёткорлик фуқароликдан тортиб, ҳукмдорликнинг ҳам муҳим шартларидандир.

Бу ҳикматда икки муҳим жиҳат мавжуд: бири шуки, амалдорликка бўлган эҳтиёткор муносабат, яна бири илм олгач, уни қўллаш амалиётидир. Тилга эҳтиёткорлик ҳақида туркийгўй донишмандлардан ҳам кутлуғ сатрлар қолган. Юсуф Ҳожибининг ҳатто

халқ мақолига айланган тилга эҳтиёткорлик ҳақидаги ҳикматида шундай дейилади:

Сўзингга эҳтиёт бўл, бошинг кетмасин,
Тилингга эҳтиёт бўл, тишинг синмасин.

(Ҳамиджон Ҳомидий, «Кўҳна Шарқ даргалари китобидан»)

Низомулмулк подшоҳлик ишларида шошилмаслик ҳақида шундай дейди: «Ишларда шошилмаслик керак, негаки кейинчалик пушаймон қилишнинг маъноси йўқ» (Низомулмулкнинг «Сиёсатнома» сидан, форсчадан Шодмон Воҳид ва Афтондил Эркиновлар таржимаси).

Бобомиз Алишер Навоий «Маҳбуб ул-кулуб» асарида тилга эҳтиёткорлик борасида дурдана фикрлар билдирганлар: «Тилга иҳтиёrsиз – элга эътиборсиз! Ҳарзагўйким, кўй тақалум сургай, итдекдурким, кеча тонг отқунча ҳургай. Ямон тиллик андоқким, эл кўнглига жароҳат еткурур, ўз бошига ҳам оғат еткурур. Нодоннинг мувваҳҳиши ҳарзага бўғзин қирмоги – эшакнинг жиҳатсиз қичқирмоги. Ҳушгўйким, сўзни рифқ ва мусово била айтгай, кўнгулга юз гам келадургон бўлса, аниңг сўзидан қайтгай. Сўзدادур ҳар яхшилини имкони бор, мунда дебдурларки, нафаснинг жони бор... Тилига иқтидорлиг – ҳакими хирадманд; сўзига иҳтиёrsиз – лами нажанд... Одаме тил била сойир ҳайвондин мумтоз бўлур ва ҳам аниңг била сойир инсонга сарафroz бўлур...»

Ортиқча изоҳга ҳожат не, аёнки, барча донишмандлар тилга эҳтиёткор бўлишда якдил, ҳамфирдиrlар. Конфуций мазкур ҳикматида шогирди Зи-жангнинг мартаба-маош тўғрисидаги саволига виждонли, ҳалол одам бўлиш нуқтаи назаридан жавоб қайтаради. Мартаба-маошга эришмоқ учун дастлаб қиши ўзини ҳандай тутишни ўрганимоги; мӯоммаласини тузатмоги ке-

рак бүлади. Шундан кейингина бирор амалга ўтириб, халқقا фойдаси тегадиган ишлар қилиш мумкин.

* * *

Ай-гүнг: «Халқни нима билан итоатда тутмоқ мумкин?» дея сұрагандарыда, Конфуций шундай жавоб қиалибди: «Инсофли кишиларни ионисофдардан юқори күттарсанғ, халқ ҳам бүйінсунгай; ионисофларни инсофли одамлардан юқори күттаргудек бүлсанғ, халойиқ ҳам итоат этмас».

Ай-гүнг – Лу давлати подшоси Жи Жянг (Ji Jiang). «Ай» – унинг вафотидан сүнг берилган фахрий номи, маъноси «ғамзада».

Конфуций ҳам лутуолик (Лу подшолигидан) бүлганлиги учун Ай-гүнгта «Лу» сүзи құшылмаган. Баъзи манбаларда милоддан аввалги 494–468 йиллар ҳукмронлик қылған дейилса, Жин Лянг Нийэн саналарни мил. авв. 494–466 йиллар деб күрсатади. Мил. авв. 494 йил ҳокимият тепасига келгани рост, үша иили Конфуций 58 ёшда эди. Ай-гүнгдан олдин Лу Сянг-гүнг (Lu Xiang-Gong, мил. авв. 542 йилгача), Лу Жао-гүнг (Lu Zhao-Gong, мил. авв. 510 йилгача), Лу Динг-гүнглар (Lu Ding-Gong, мил. авв. 494 йилгача) подшолик қилиштан.

Лу – Жоу сулоласи замонидаги давлат, ҳозирги Шандунг провинцияси Чуфу худудларига тұғри кела-ди.

Инсоф нима? Адолат ва виждон амри билан иш тутиш түйгуси ва қобиляти, бирор бир фаолиятда, кишилар билан бүлган муносабатда ҳалоллик, тұғрилик. Инсофли одам деб инсоф ва адолат билан иш қилювчи, ҳалол, виждонли кишиларга айтилади. «Инсофи йүкнинг – имони йүк», дейди доно ҳалқимиз. «Олижанобларга яқынлашиш, пасткаш кимсалардан узоқлашиш» – Конфуцийнинг ўзгармас маслагидир. Ҳукмдор сифатида кишиларни бирор мартабага тайинлап масаласида ҳам худди шунга амал қилинади. Яхши

фазилатларга эга бўлган истеъдод соҳибларини топиб, мартабасин кўтариш Конфуцийнинг ахлоқ орқали давлатни, жамиятни адолатли бошқариш роясининг муҳим таркибий қисмидир. Конфуцийчиликнинг «одамларнинг хушахлоқ ва иқтидорлilarини вазифага тайинлаш» рояси ҳанузгача ўзининг қимматли аҳамиятини йўқотган змас. Ҳукмдор халқ кўнглини ўзига мойил қилиш, унинг қуллаб-кувватлашига эришиши учун мамлакатда соғлом маънавий муҳитни шаклантирмоғи шарт. Шунда фуқаролар ҳам ҳўкмдорнинг амру фармонларига, қонунларига онгли равишда оришмай амал қиласди.

Салжуқий шоҳларга 30 йил ҳалол вазирлик қилган «қилич ва қалам соҳиби» Низомулмулк (1018–1092) «Сиёсатнома» (форс тилидан Шодмон Воҳид ва Афтондил Эркиновлар таржимаси) асарида амалларни лойик ва покдил кишиларга бериш ҳақида сўз юритиб, жумладан, шундай дейди: «Ҳамма замонда ҳам диёнатли ва эътиқодли аслзода кишиларга вазифа берганлар. Агар қабул қилмаса, мажбур қилиб бўйнига қўйганлар, токи амал арзимас кишининг қўлига ўтиб кетмасин. Шунда раиёт тинч бўлиб, мулк яхши нам қозониб, подшоҳ эса фарогатда яшаган».

Конфуцийлик – қандай қилиб инсофли, олижаноб бўлишиликни ўргатадиган таълимот. Конфуцийлик таълимотининг сиёсий рояларининг биринчи мезони ҳам инсоф-диёнатли, адолатли-холис ва тўғри-ҳалол бўлишиликдир. Конфуцийнинг сиёсий қарашлари марказида давлат ишларида кишиларни тўғри танлаб лавозимга қўйиш муаммоси туради. Бу эса унинг эзгуликка йўррилган идоравий усули, яъни ахлоқ-йўсун меъёрлари буйича давлатни идора қилиш талабларига асосланган. Конфуцийлик таълимоти инсонни фоллика ундейдиган назариядир, бироқ у назарда тутган амалдор асло миразаб, буйруқбоз ёки мустабид ҳоким ҳолида эмас, баджи ҳалқ учун бемиҳнат хизмат

қиладиган инсофли, ҳалол одам мисолидадир. Мазкур ҳикматда Конфуций одилона сиёсат элу юртни бошқариш мезони эканлигини курсатиб берган. Буюк саркарда Соҳибқирон Амир Темур ҳам «Куч – адолатдадир!» деганлар ҳамда уни ўзининг сиёсий фаолиятининг бош мезонига айлантирган.

Жи Канг-зи: «Халқ ҳурматин қозонмоқ, удар садоқатни ҳамда тиришқоқ бўлмоқдиклари учун нима қиласоқ зарур?» дей сўраганларида, Конфуций шундай жавоб берган экан: «Уларга жилдий муносабатда бўлсанг, ҳурматингни ҳам жойига қўюрлар; ота-онани ҳурмат қиласанг, кичикларга меҳрибон бўлсанг, улар ҳам сенга вафодор бўлишгай; яхшиларнинг мартабасин ошириб, қобилиятсизларни тарбият қиласанг, улар бундан руҳдан иб тайратларига тайрат қўшилгай».

Жи Канг-зи – подшо Лу Ай-Гўнг замонидаги давлатнинг юқори амалдорларидан бири, фамилияси Жи-сун, исми Фэй (Ji-Sun Fei), Лу подшолиги аслзодалиридан Жи Сун-шининг авлодларидан, «Канг» унинг вафотидан кейин берилган фахрий номи, маъноси «омон», «бехбуд». Лу Ай-Гўнг замонида Жи Канг-зи катта хуқуқقا эга эди.

Конфуцийнинг ушбу ҳикмати ҳам элни идора қилиш масаласидадир. Сиёсий масалаларда Конфуций давлат ва жамиятни ахлоқ билан идора қилиш – «эзгу сиёсат», яъни элни одоб-ахлоқ меъёрлари – «ли» билан идора этишнинг бир қанча аниқ усуллари ва уларнинг мазмунини баён қылган. Элни идора қилишнинг биринчи йўли қонунлар воситасида бошқарув: бунда кишилар қўрқанликлари, ҳурматлари учун итоат этади, эл ҳар хил тартибга солувчи ва жазоловчи амру фармонлар билан идора қилинади; қадимги Хитой файласуфларидан яна бири Хаян Фэй-зи (мил. авв.

288–233 йй.) бу борада қонунчилек сиёсатини биринчи ўринга қўйган маҳсус таълимот яратади, жазо ва мукофот ҳар бир қонуннинг икки таянчидир, дейди файласуф; аслида давлат бошқарувида қонун устуворлиги инкор этиб бўлмайдиган ҳақиқат, зарурӣ шартдир, аммо бунга эришиш йўллари, воситалар ва ундан кўзланган мақсад элу юрт келажагига таъсир этишга олиб келади; иккинчи йўли – маърифатли бошқарув усули: оммага илму маърифат улашилади, ахлоқи гўзаллантирилади, зеҳни равшанлаштирилади, шунда ҳалқ онгли равишда қонунларга ҳам астойдил риоя қиласи; ўтган асрнинг бошларида жадидчилар асосан шу йўлни тутгандилар, шу боис улар маърифатпарварлар номини олдилар, ўша даврда яратилган асарларда ҳалқни рафлат уйқусидан уйғотиш, маърифат йўли билан жаҳонга юз тутиш ва шу асосда Туркестон ҳалқларини истибодод зулмидан озод қилишдек эзгу ғоялар гоҳ яширин, гоҳ ошкора акс эттирилган; учинчи йўл – яхши кадрлардан фойдаланиш: бу яхши фазилатларга эга ва истеъододли кишиларни танлаб, уларга давлатнинг муҳим вазифаларини топшириш, аксинча, бадхулқ, ношуд, калтафаҳм кимсаларни лавозимидан озод этиш билан амалга оширилади; тарихга назар ташлайдиган бўлсак, буюк давлат арбоблари ўз ёнларида садоқатли ва закий одамларни сақлаганлар.

Юқорида баён қилинганларни умумлаштириб айтиш мумкинки, бу ерда асосий механизм аввало «раҳмдиллик» принципидир, бошқачароқ қилиб айтсак, «одамларга эзгулик улашиш»дир. Хитойча нақлда айтилганидек: «Одамийлик – гўзал хулқларнинг ўзаро таъсирланиши», ёки бўлмаса «гўзал хулқ билан гўзал хулқларни уйғотиш»лик. Ҳақиқатан ҳам, эзгулик ёрдами билан яхши фазилатларни камол топтириш зарур. Соҳибқирон Амир Темур бобомиз юқорида қайд этилган уч хил идора усулини уйғунлаштириб; ҳалқ ва мамлакат манфаати учун истифода қила олганлар; Тему-

рийлар давлатини тузганларида у кишининг ёнларида ёшлиқдаги содик дўстлари бор эди, биргаликда мўрилларни Ўрта Осиёдан қувиб чиқардилар; шунингдек, маърифатпарварлик сиёсатини ҳам юргиздилар, илм-фанга ҳомийлик қилиди; қонунчилик сиёсатида эса амру фармонларининг салтанатнинг у бурчидан то бу чеккасигача қатъий амал қилинишини таъминлади, «Темур тузуклари» давлатчилик тарихидаги буюк воқеалардан бири бўлиб, жаҳоншумул аҳамиятга эга. Булар Амир Темурнинг узоқни кўра олганликларидандир.

Конфуцийнинг «адаб сиёсати», «эзгу (хайрли) сиёсати» нафақат оддий халқقا қаратилган, балки ҳукмдорларга ҳам бирдек тегишилдири. Чунки подшо ўзи оғир-вазмин, салобатли, ота-онасига қобил фарзанд, кичикларга меҳр-муруватли бўлса, оддий халқ ҳам унга ҳурмат-эҳтиром кўрсатгай, садоқатли ҳамда сергайрат бўлгай. Яъники шоҳ халқча ибратдир, халқ ҳам шоҳга кувватдир.

* * *

Бир киши Конфуцийга мурожаат қилиб: «Сиз нечун (амалдор бўлиб) сиёсатга киришмайсиз?» деда сурагандарида, Устоз шундай жавоб берилди: «Насрнома»да айтилганидек: «Қобил фарзандлик (садоқатмандлик) шуки, ота-онага иззат-ҳурматда, оға-иниларга меҳр-муруватда, уни шуд тариқа ҳукумат ишлари қадар жорий қиласидадир». Бу ҳам сиёсат қилганча бўлур. Унда нечун амалдорлик қиласагина ҳукумат ишларига иштироқ этган ҳисобланур?»

«Насрнома» – «Шанг-шу» («Буюк китоб») – қадимий ҳужжатлар мажмуси. Маълумотларга кўра, бу китобга Конфуций тартиб берган, шу орқали китоб ҳолига келтирилган. Конфуций мазкур асар буйича ҳам чукур тадқиқотлар олиб, борган. У Конфуцийликнинг мумтадиқотлар олиб, борган.

тоз асарларидан бири булиб, «Адабнома», «Назмнома», «Фолнома» (ёхуд «Ўзгариш») асарлари қаторидаги тұртинги «нома» ҳисобланади. «Мұхомма да баён»да мазкур асар номи ҳам «Назмнома» сингари бир неча марта тиңга олинади.

Қадимда давлатта оиланинг кенг күриниши сифатыда қаралған, шу боисдан оилани бошқариш ва давлатни бошқариш йўли муштаракдир. Давлат – катта оила, оила – кичик бир давлат. Бу қараш кейинчалик «Катта таълимот» («Да-сюе») китобида «ўз-ўзини камолотга етказиш, оилани тузаш, давлатни идора қилиш, олам тинчлиги» тарзida тўлароқ тушунтириб берилди. Мазкур ҳикматда ҳам Конфуцийнинг икки томонлама ғоявий қарашлари акс этган: бири шуки, давлат сиёсатида қобил фарзандлик (садоқатмандлик)ни асос деб билиш, ота-онасига қобил фарзанд бўлган, оғанииларига меҳр-муҳаббатли кишиларгина давлат амалдорлари бўлиш лаёқатига эга, яъни амал-марта-бага тайинлашда кишиларнинг илмий салоҳиятидан ташқари, уларнинг ахлоқий фазилатлари ҳам инобатга олинниши шарт. Бу эса Конфуцийнинг «эзгу сиёсат» ёки «адаб йўсимида элни бошқариш» ҳақидаги қарашларини ифодалайди. Иккингчидан, таълим бериш нафақат талабаларга дарс бериш масаласи, устига-устак уларга таълим бериш орқали билосита давлат сиёсатига иштирок этишдир, маорифнинг ижтимоий-сиёсий аҳамияти ҳам шунда, бу Конфуцийнинг таълим-тарбия бериш борасидаги ғояларининг моҳиятидир, шунингдек, сиёсий ишларга иштирок этишнинг бир күриниши ҳамдир.

* * *

Конфуций деди: «Ишончсиз (лафэсиз) кишилар, билмам, қандоқ будур. [Бундайлар] гўё михчўпсиз катта арава,чувчўпсиз кичик арава кабидир, у қандоқ қилиб юра олсин».

«Ишонч» (яъни «син», хитойча фонетик транскрипцияси «хіп») – конфуцийлик таълимотининг одатий ахлоқ меъёрларидан биридир. Конфуций ишончни кишининг ростланиши ҳамда ҳаёт кечиришининг таянч нуқтаси, деб билади. «Мұхокама ва баён»да «ишонч»нинг икки хил маъноси бор: биринчиси ишониш, яъни ўзгаларнинг ишончини қозонмоқ; иккинчиси ваъдага вафо, лафзи ҳалоллик, яъни сўзининг (ваъда-сининг) устидан чиқиш, ваъдасига вафо қилиш, чин сўзли бўлиш. «Мұхокама ва баён»нинг жуда кўп ўринларида ишонч ҳақида сўз боради.

Катта арава – қадимги буқалар қўшиладиган арава, одамлар уни шундай деб аташган. **Михчўп** – буқалар қўшилган арава шотиси олдидаги горизонтал (ётиқ) ёғоч учларидаги ёғоч мослама,чувчўп; арава шотисини балдоқ билан туташтирадиган михчўп, хитойча фонетик транскрипцияси «ни», уйгурча «чулуқ» дейилади. **Кичик арава** – от-арава, қадимда отлар қўшилган аравалар шундай деб аталган. **Чувчўп** (ёки чув, тикин) – от-арава шотиси олдидаги ётиқ ёғочга урнатилган михчўп, чув деб ҳам аталади, ёғочдан тайёрланган.

«Мұхокама ва баён»да Конфуцийнинг «ишонч»га барышланган мұхокамалари талайгина, бироқ ишонч (ишониш, лафз, ваъда) бўладими, ишончи (содик) бўладими, барчаси биргина «ишонч» категориясидан ажралмайди. Конфуцийнинг назарида халқнинг ишончига сазовор бўлиш ҳар нарсадан муҳим. Агар ўзгаларнинг ишончини қозонолмасанг, ишингда унум бўлмайди. Ишонч икки тарафламадир, ўзгаларнинг ишончини қозонмоқчи бўлсанг, аввало ўзинг сўзингнинг устидан чиқсан, лафзи ҳалол бўл. Яна бир жиҳати шуки, кишининг ўзига бўлган ишончи. Инсоннинг ўзига бўлган ишончсизлиги унда ўзгаларга нисбатан шубҳа, ишончсизлик ҳиссини уйғотади. Шу боис, кишида ўзига бўлган қатъий ишонч ўзгаларнинг ишончини қозонишининг ҳам дастлабки шартларидандир.

Толиби Зи-жанг: «Үн авлоддан сүнг иелар бўлиш ин аввалдан билиш мумкинми?» деб сўраганида, Устоз шундай жавоб бердилар: «Йин судода-си Ся судоласи адаб-таомил анъянадари («дии»)га амал қиалди, қисқартган-қўшганларин билиб одса бўлур. Жоу судоласи эса Йиннинг адаб-таомил анъянадарига риоя қиалди, қисқартган-қўшганларини фаҳмлааб одса бўлур. Келгусида Жоу анъянадарини мерос қиалиб олгувчи бўлса, ҳатто юз авлод кейинни ҳам билиш мумкин бўларди».

«Үн авлод» – қадимда Хитойда 30 йил бир авлод ҳисобланган, баъзилар «авлод» дейилганда сулолалар назарда тутилган, дея тушунтирадилар.

Йин – қадимги сулола номи, яна бир номи Шанг, Шанг сулоласи пойтахтни Йинга (ҳозирги Хенан провинцияси Анянг шаҳри шимоли-ғарбидағи кичик қишлоқ ўрнида бўлган) кўчиргандан сүнг сулола номи Йинга ўзгарган. Милоддан аввалги XVI асрда Ся сулоласи кулагандан сунг асос солинган. Милоддан аввалги XI асрга келиб Жоу сулоласи томонидан тутатилган. Баъзи манбаларда Йин сулоласи милоддан аввалги XIV асрдан милоддан аввалги XI асргача ҳукм сургани қайд этилган.

Ся (хитойча фонетик транскрипцияси «Xia») – қадимги сулола, Хитой тарихидаги илк сулола, оқсоқол Юнинг ўғли томонидан милоддан XXI аввалги аср бошларида асос солинган, милоддан аввалги XVI асрга келиб Шанг сулоласи томонидан барҳам берилиган. Айрим манбаларда Ся сулоласи милоддан аввалги XXII аср охирлари – милоддан аввалги XXI аср бошларидан то милоддан аввалги XVII аср бошларигача ҳукм сурганлиги қайд этилади. Баъзи манбаларда оқсоқол Ю Ся сулоласининг биринчи подшоси, сулола асосчи-си дея талқин этилади. Хитой манбаларида ҳам бу маълумотлар афсоналар ҳолида учрайди. Афсонага кўра;

оксоқол Ю тошқын сувларни жиловлаб, элини балолардан күтқарған.

Жоу (Zhou) – Хитойдаги қадимги сулолалардан бирининг номи, унга милоддан аввалги асрда Шанг сулоласи барқам топгач асос солинган. Иккига бўлинган: Фарбий Жоу (милоддан аввалги XI асрдан милоддан аввалги 771 йилгача) ҳамда Шарқий Жоу сулолалари (милоддан аввалги 770 йилдан милоддан аввалги 256 йилгача). Милоддан аввалги 256 йил Чин сулоласи томонидан тутатилган.

Конфуций мазкур ҳикматида «утмишга бокиб келажакни кўриш» маъно-мантигини тушунтириб берган. Бу ўринда биз Абдула Қодирийнинг бир сўзини ёдга олмасдан иложимиз йўқ: «Мозийга қайтиб иш кўриш хайрлик, дейдилар». Давлатларнинг гуллабяшнаши ҳамда инқизорзга юз тутиши уларнинг тарихдан қандай хуносалар чиқарганига бориб тақалади.

Ҳикматда Конфуций «қисқарғтан-кўшганлари» деган муҳим бир тушунчани илгари суради, бу ўзидан оддинги сулолаларнинг қонун-қоида тузуми, адаб-тамомил каби меъёrlарига ворислик қилиши, уларнинг анъаналарини давом эттириш билан бирга, ислоҳ қилиш, уларни бойитишни ҳам билдиради. Анъаналарга ворислик – ўзликни, маънавиятни сақлаб қолиш, шунингдек, ўша қадриятлар асосида янги тараққиёт тамойилларини ишлаб чиқиш ҳамдир. «Утмишдаги шон-шухрат, муваффақият ва парвозлар яхши нарса, албатта! Аммо улар шунака нарсаки, ҳар бир янги авлод бу шухратга шухрат қўшиб турмаса, эски ютуқлар қаторини янгилари билан бойитиб бормаса, миллатнинг қаноти қайрилиб, парвози сусайиб қолади», деган эдилар устоз Озод Шарафиддинов.

Ўз тарихи, тили ва маданиятини, бир сўз билан айтганда, маънавиятини сақлаб қола олмаган халқ йўқликка маҳкумдир. Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, мазкур ҳикмат Конфуцийнинг ўз тилидан

унинг эскилик тарафдори – мутаассиб кишилардан бўлмаганигини айтиб турибди, шунингдек, у ислоҳотлар тарафдори. Конфуций шоҳу фуқароларни ўтмишдан ибрат олишга чақиради, лекин бу шунчаки кўркўона ёки хўжакурсинга ҳам бўлмаслиги керак, акс ҳолда мўътадиллик концепциясига амал қилинмаган бўлади. Конфуцийликда эса ҳамма нарсада меъёр бўлиши кераклиги қайта-қайта уқтирилади.

* * *

Конфуций деди: «Етти ёт бегона кишилар руҳига қурбонликаар қидиш ялатоқдиклар; адодатни кўриб қўд қовуштириб туриш қўрқоқдиклар».

Конфуций бу ҳикмати орқали кишиларни ҳар бир ишда мўътадил бўлишга, яъни ҳаддан ошмаслик (масалан, назр-чироқ – қурбонлик маросимларида) ҳамда меъёрдан паст ҳам келмасликка (масалан, адолат қаршиисида қўрқоқлик қилмасликка) чақиради.

Жоу сулоласи тузумига кўра, назр-чироқ ёқиши (яъни қурбонлик) маросимлари давлат миқёсидаги катта воқеа булиб, ниҳоятда мураккаб ва мукаммал тузилишга эга эди. Бироқ Жоу сулоласининг охирги даврларига келиб жуда кўп подшолар (князлар, беклар) Жоу сулоласининг қурбонлик маросимларига амал қилмай қўйишган эди. Конфуций ушбу гапни айтган пайтда Жоу сулоласи адаб («лии») тузумини ҳимоя қилиш нуқтаи назаридан туриб фикр юритган бўлсада, шу аснода қурбонлик маросимининг моҳиятини очиб берган.

Хитойда қадимдан аждодларга ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш ва уларни хотирлашга ниҳоятда жиддий эътибор берилган, ҳар йил байрамларда уларга атаб назр-чироқ маросимлари ўтказилиб турилади. Қадими ги одамлар яқинларини хотирлаб назр-чироқ маросимлари ташкил қилишган, бу авлод ва аждодларнинг руҳий-маънавий ҳисдошлигидир, буни марҳумлар

хотирасига нисбатан хурмат-эхтиром белгиси, айниңса қобил фарзандлик бурчи деб билишган. Шу боис, Конфуций үз яқынлари хотирасига эмас, етти ёт бегоналар рухига атаб чироқ ёқиши киши күнглини бехүзур қыладыган ялтоқлик деб атайди.

Бу ҳикматда Конфуций яна «адолат» ва «мардлик» концепцияларини тилга олади, булар конфуцийлик таълимотининг олижаноб инсоний фазилатларни шакллантириш меъёларидир. Одамлар амалга ошириши керак бўлган иш адолатdir. Мардлик – журъат ва қатъийлик. Конфуций мардликни раҳмдилликни амалга ошириш шартларидан бири дейди, «мардлик» – «раҳмдиллик», адолат, адаб ва оқиғлиқка мувофиқ келмоғи шарт, акс ҳолда у «интизомсизлик», «бебошлиқ»dir. Мардлик инсоннинг олий фазилати ҳисобланади, кўрқоқлик, номардлик эса иллатdir. Доно ҳалқимиз мардликни кишининг ҳусни дейди. Конфуцийнинг мардлик ҳақидаги қарашларини яхши тушунишлик учун тез-тез қулогимиизга чалинадиган биргина ўзбек ҳалқ мақолини мисол келтирамиз: «Мард майдонда билинар». Демакки, ҳақиқий мардлар муштум-зўрлар эмас, балки ҳаққоният, бурч қаршисида енг шимариб, уни адо этишга киришган кишилардир. Ҳассос шоир, енгилмас паҳлавон, «Хоразм Хайёми» номи билан шуҳрат қозонган, ўзининг мардлиги ва саховати билан барчага ибрат бўлган улут инсон Паҳлавон Маҳмуднинг (1247–1326) гузал фалсафий руబойлари кишиларни асрлар оша мардликка чорлаб келмоқда:

Ўз нафсига ким бўлса амир, улдир – мард,
Ҳеч кимсага бўлмаса асир, улдир – мард.
Ўтмак сира маглубни тепиб мардлик эмас,
Тутса қўлидан забунни эр, улдир – мард.

.. Шоир айтганидек, ўз. нафсини тия олса, олижаноблиқни одат қылса, номардларнинг ишин қымаса

– ҳақиқий мард шудир. Конфуций каби донишмандлар кишиларни ҳаққоният, адолат, бурч қаршисида лоқайд, бефарқ бўлмасликка чақиради. Мисол учун, огоҳлик – давр талаби, халқ, миллат ва Ватан тақдири учун фидойилик ҳар биримизнинг бурчимиз – одилона хатти-ҳаракатдир.

* * *

Конфуций жаноб Жи ҳақида сўзлаб шундай деган экан: «Ба-ий – «Саккиз саф» рақсини ўз ҳовлисида қўллашдек багритошлик қилибдими, тагин қандай шафқатсизлик борки, унинг қўлидан келмаса?»

Мазкур ва қуйида бир неча ҳикматда асосан «лии» («адаб-қоида») масаласи ҳақида сўз боради, бирда унинг можияти баён этилса, яна бошқа бир ўринда «лии» билан сиёsat муносабатлари муҳокама қилинади. «Лии»нинг (давлат) тузуми, одоб-ахлоқ меъёрлари борасидаги турли-туман қоидаларини ҳимоя қиласди. Баъзи ҳикматларда қурбонлик маросими ҳақида гап кетса, бошқа бирида куй тилга олинади. «Лии»ни қандай қилиб сақлаб қолиш масаласини муҳокамаларнинг диққат марказига кўяди. Донишманд «сурат чизиш оқ матогадир» (бунинг маъноси шуки, яхши сифатларга эга бўлсагина камолотга етказиш учун ишлов берса бўлади) ҳукмини илгари суриб, ўзининг одоб-ахлоқ меъёрларига оид роялари ҳамда «подшо адаб-қоида доирасида амалдорлар хизматидан фойдаланса, амалдорлар ҳам подшога садоқатли бўлгай» деган сиёсий-ахлоқий қарашларини билдирган. Конфуций «лии»нинг давлат тузуми, одоб-ахлоқ меъёрлари борасидаги турли-туман қоидаларини сақлаб қолиш учун курашган ва унинг бу жонбозлиги ҳикматларида акс эттирилган.

Жаноб Жи – «Муҳокама ва баён»да кўп бор тилга олинган амалдорлардан бири. Бу ерда уч нафар шахс-

га ишора бор: бири Жи Пинг-зи, айнан Жи Сун; иккинчиси Жи Канг-зи; яна бири Жи Хуан-зи. Мазкур ҳикматда эса ўша замонлар Лу подшолигида ҳокими-ятни ўз қўлига олган зодагонлардан Жи Сун-ши (яъни Жи Пинг-зи) назарда тутилган. У ўша пайтда Лу Жаогўнг (Лу подшоси)ни сургунга юборган эди.

«Ба-йи» – «Саккиз саф» қадим замондаги бир хил куй-рақс. Жоу сулоласи императорлари уюштирадиган давлат миқёсидаги йирик маросимларда ижро этилган бўлиб, «Осмон ўғли»нинг чексиз хурмати рамзи бўлган. «Ба» – саккиз сони, «ий» эса қадимда рақсдаги қатор, саф дегани, бир «ий»да саккиз киши, саккиз қаторда эса 64 нафар киши бўлган. «Жоу маросимлари»да белгилаб қўйилганидек, фақаттина Жоу Тийэн-зи (Осмон ўғли, яъни императори)гина саккиз қаторли рақс («Байи»ни кўллаши мумкин эди; феодал-беклар олти қатор, шунда ҳар қатори олти тадан – жами ўттиз олти нафар киши; амалдор-тўралар тўрт қатор, тўрт-тўрт киши бўлиб тизилганда жами 16 киши; зиёлилар (интелигенция – қадимги Хитойда дафу-тўралар ва оддий халқ ўртасида жойлашган социал гурӯх) икки қатордан фойдаланиши белгилаб қўйилган.

Жаноб Жи амалдордир, таомилга кўра тўрт сафни кўллаши мумкин эди, саккиз қатордан фойдаланиши подшо номини сунистеъмол қилиш – ҳаддан ошишиликдир. Чун-чю (Баҳор-куз) даври (мил. ав. 770–мил. ав. 476 йй.)нинг охирларида қулдорлик тузуми жамияти қулаган, жамиятнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётida муҳим рол ўйнаган маънавий негизлар – асррий таомиллар ва адаб-куй ҳалокат ёқасига келиб қолган бир жараёнда Жоу сулоласи расм-русумларини бузиш ҳоллари, исёнлар муттасил содир бўлиб турар эди. Бу воқеалар феодал тузумнинг қулдорлик тузуми ўрнини эгаллаши жараёнида ўзини муқаррар на-моён этишидир. Жаноб Жи Суннинг ўз ҳовлисида «Саккиз саф», рақсини кўллаши Жоу таомиллари бузили-

шининг яққол мисолидир. Шу боис, Конфуций ўзининг чексиз норозилигини изҳор этиб, «шундай бағритошлиқ қилишга-да тоб-тоқати етибдими, тағин қандай шафқатсизлик борки, унинг қўлидан келмаса?» деди. Бу ҳикматда Конфуцийнинг Жи Сун тұра қилмисига нисбатан асосий муносабати акс этган.

Конфуций «лии» (адаб-йўсун меъёrlари)нинг фидойи курашгисидир, у «лии»да ҳаддан ошиш хатти-харакатидан ниҳоятда ғазабланган. Конфуцийнинг назарида, Жи Сун таомилга путур етказди, бу унинг бағритошлигидан нишона. Жоу сулоласи давридан шаклланиб келган сиёсий-ижтимоий, ахлоқий-фалсавий қарашлар Конфуций яшаган замонда ҳам жамиятда асосий усткурма бўлиб хизмат қилган. Аслида ҳар қайси жамиятда ҳар қайси даврда ҳам таомилга зътибор берилиши керак, Фарбда бўладими ё Шарқда, қадимдами ёки ҳозирда, бундан қатъи назар, одобахлоқ меъёrlари ва таомил бир бузилдими, барқарорлик ва уйғунлик бой берилади ҳамда бу жамият издан чиқиб кетади. Бошбошдоқлик ҳокимиятнинг, ахлоқсизлик ҳалқу миллат ҳамда давлатнинг таназзули демак. Конфуцийнинг мана шу бир оғиз сўзи тарихий нуқтаи назардан ўша давр сиёсий-ижтимоий воқелигини тўлиқ тасаввур қилишимизга ёрдам беради, чунки қисқа ва лўнда ҳикматлар борлиқдаги жуда кўп томонларни қамраб олади, шу сабаб «Муҳокама ва баён» асари тарихий аҳамиятга ҳам эгалиги билан ажралиб туради. Унда тарихий шахслар мисолида реал воқеликларга катта ўрин берилган, тарихий воқеа-ҳодисалар баёни бир донишманд қарашлари мисолида акс эттирилади, муҳокама ва таҳдил қилинади.

* * *

Уч хонадон «Йўнг» шеъри ила (қурбонлик буюларини) саранжом қилган бўлдилар. Бундан хабар топган Устоз шундай деди: «Йўнг» шеърида бундай дейнаган:

*Атроф-жонибдан беклар келар күмакка –
дастёр,
Құрбонликка бош-қош бунда Осмон ўғли –
Салобат-ла турар хотири жам, баҳтиәр!*

**Бундай шеър үз уччовининг ибодатхонасида
қандай қылыш құлланын?**

Бу ерда уч хонадон дейилганда Ау подшолигида ҳокимият бошида турған тұралар: Менг Сун, Шу Сун ва Жи Сунлар назарда тутилған. Улар ўз аждодларига атаб қурбонлик маросими үтказаётгандарыда худди подшолар каби тадбир сұнгыда «Йунг» шеърини күйлашиб, қурбонлик буюмларини йиғиштирудилар, маросимни якунлаганлар. Мазкур қысмда ҳам юқоридагиси сингари Ау подшолигида ўша даврларда ҳокимият тепасида турған маъмурларнинг «лии» удумларини бузғанлардың қақида гап кетади. Бундай «лии» да ҳаддан ошишдек қылыштар Конфуцийнинг ғазабини көлтирган. Одоб-ахлоқ қоидалари ва таомил («лии») тузумига бұлған хурмат-әхтиром ҳамда уларда меъерден ошишдек хатты-харакаттарға нисбатан ғазаб ифодаларидан күриниб турибиди, «лии» тузуми масаласига конфуцийлик ниҳоятта жиғдий ёндашған. Осмон ўғлиның Осмон ўғлилік «лии»си, феодалдарнинг феодаллік одоб-ахлоқ қоидалари ва таомиллары бор, ҳар ким ўз «лии» қоидаларига риоя қылса, шундагина осмон остида осойишталық җүкм суради. Шу сабабли «лии» Конфуцийнинг сиёсий гоялары системасидаги мұхым категория ҳысабланади. Юқоридаги иккى ҳикматта «лии» – тузукка риоя қылmasлик ҳолаттарига типик мисоллар көлтирилған. Бу ҳикматтар марказий ҳокимият аллақачонлар ўз нуғузини йүқтеганлығидан, жамиятнинг пароканда ва тартибсиз ақволодан гувоҳлық беріб турибди.

Үқувчига янада тушунарлироқ бұлсın учун мазкур китобда шеърнинг тұлық таржимасини ҳам көлтирдік.

ҲАЛИМ

(«Назмнама•Жоуга қасида•Йүнг»)

Бир зот келар ҳалим, хушфеъл, беназир,
Етиб манзил вазмин ҳамда муҳтарам.
Дастёрликка фақат беклар шай-ҳозир,
Осмон ўғли салобатли, ройиш ҳам.

О, аталган катта буқа – сўқимлик,
Менга кўмак тизмоғимда назрлик ҳам:
О, мўтабар, хушрўй отам раҳматлик,
Қобил ўғлини қиласар кўнглин хотиржам.

Оқиллиги татир юртга – донишманд,
Ўткир қалам, ҳарб илмида ҳам султон.
Саодати Ҳақ амрига рост-пайванд,
Авлодлари келажаги фаровон.

Тилар ҳар нав саодатим, чун толе ёр,
Беруб таскин, узоқ умр-ла сийлагай.
Ки қаҳрамон бузрукворим мададкор,
Ҳам раҳматли мушфиқ онам қўллагай!

Мазкур шеър подшо Ву (Ву-ванг) отаси подшо Вэн (Вэн-ванг) шарафига назр-чироқ (яъни курбонлик) маросими ўтказётгандаги куй-кўшиқдир. Шеърда назр-чироқ маросимидағи ҳолат тасвиранган, подшо Вэннинг ахлоқ-фазилати ва буюк хизматлари мадҳ этилган, шунинг билан бирга подшо Вэннинг осмондаги руҳи унинг авлодларини қўлмаб туришидан умидворлик ҳисси билан йўғрилган.

* * *

Устоз дедилар: «Кишида раҳмдилик фазилати бўлмаса, адаб (одоб-ахлоқ меъёrlари ва таомиланинг унга нима маъниси бор? Кишида раҳмдилик бўлмаса, куйдан унга нима маъни?»

Мазкур ҳикматда Конфуций «лии» (одоб-ахлоқ меъёрлари ва таомил), куй ва раҳмдилликни муҳокамага кўйган. Бу ерда «лии» ва куй бир қаторга тизилган, аслида куй ҳам «лии»нинг бир туридир. Мусиқа одамларнинг ўй-фикрлари, ҳис-туйгуларини изҳор этишнинг бир шаклидир. Қадимги Хитойда у этика ва таомилнинг ажралмас бир қисми бўлган. Куйни ҳимоя қилиш «лии»ни ҳимоя қилиш учундир. Конфуций фикрини аниқ-равshan баён қилмоқда. Энг асосийси, инсон ҳар ишни қалбан адо этиши керак, йўқса у сохтадир. Куй-қўшиқ инсон руҳиятига катта таъсир кўрсатади. Кишиларни эзгуликка чорлайдиган, юракдан ижро этилган куй-қўшиқларгина ҳақиқийдир. Одоб-ахлоқ қоидалари ва таомил ҳам худди шундай: унинг моҳияти катталарни ҳурмат қилиш, кичикларни севишни ўргатиш, ўзимизнинг гўзал фазилатларимизни тарбият қилишдир. Ўзбек халқ мақолида айтилганидек: «Каттага – ҳурматда, кичикка – иззатда» бўлишлик инсонпарварликнинг асосидир. Агар одамларнинг қалбида раҳмдиллик бўлмаса, одоб-ахлоқ меъёри ва таомил ҳамда куй бузилади, аввалги хусусиятларини йўқотади, яъни одамларнинг ҳирсу нафслари томонидан булғанади.

* * *

Лин Фанг одоб-ахлоқ меъёри ва таомил («лии»)-нинг моҳияти нимада эканлигини сўраганида, Устоз шундай жавоб қиладилар: «Бу савод нақадар беқиёс аҳамиятга эга-я! Одоб-ахлоқ меъёри ва таомил исрофгарчиликдан кўра тежамкорликни афзал билишланидадир; дафи маросимида дабдабаликдан кўра чин диддан мотам тутмочликининг афзалигидадир».

Лин Фанг – ҳурматли номлари Зи-шанг, Лу подшалигидан, баъзилар уни Конфуцийнинг шогирди деб ҳисоблашади. Бироқ «Тарихий солномалар»нинг

«Жўнгни шогирдларининг таржимаи ҳоллари» бобида унинг номи келтирилмаган, шу боисдан бошқалар унинг Конфуцийнинг шогирди эканлиги ҳақидаги фикрига қўшилмайдилар.

«Лии», бутун мамлакат миқёсида олиб қарайдиган бўлсак, асосий қонун, тузукдир, этика ва расм-руслумлар ҳам унинг ичида. У ҳар бир фуқаро учун, маълум бир гурӯҳ учун ҳам ва ҳамма учун умумий ҳамда алоҳида хусусиятларга эга. Мисол учун, «кагтага – ҳурмат, кичикка – муҳаббат» ҳамма учун баробар, яъни умумийдир; «Саккиз саф» рақси эса таомилга кўра подшолар учун, яъни алоҳидадир.

* * *

Устоз дедилар: «Йи-ди ажнабийлар юртида гарчи ҳокими мутлақ бўлса-да, Хуася подшосиз қодланчалик бўлолмайди».

Йи-ди – қадимда Ўрта Текислик (Жўнгюон) ҳудудида яшовчи кишилар атрофдаги ерларни қисқартириб шундай аташган; йи – Хитой шарқида яшаган қадимги миллат, ди – Хитой шимолида яшаган қадимги миллат. Йи-ди ҳудуди маданий жиҳатдан анчайин қолоқ бўлган.

Хуася – қадимги Хитойнинг номланиши, асл манбада «Бутун Ся» деб келтирилган. Бутун Ся – қадимги Ўрта Текислик ҳудудидаги Хуася уруғи ўзларини шундай аташган.

* * *

Яо деди: «Эд! Шун, фалак гардиши сенинг гарданингга тушмоқда. Уни идора этишда Ҳақ Йўли (адолат)да событқадам бўлгин. Агар тўрут денгиз оралиги (Осмон ости, эл)ни қашшоқлик қуршаб олгудек бўлса, Осмон (Тангри)нинг сийлови абадий тўхтагай».

Шун ҳам ушбу сўзлардан Юни огоҳ этгани эди.

(Чеңг Танг шундай) дедиларки: «Мен - ҳақири потавон Лю, қора буқа қурбонлик қилишга ботиниб, буюк Осмон құмдорига очып арзы дол қилишга жүръят этдім: гуноңкорларни ўзбошим-чадик билан ағы этишга әддім сігмас, Осмон құмдорининг хизматкорларини эса яширишга ботиноалмасман, барчаси Осмон құмдорининг қалбіда танланур. Мабодо менинг ўзим гуноңкор бұлсам, табаа (фуқаро)ларимни бунга тортмагин (шерик қылмагин); борди-ю үдар гуноң қилиб қўйсалар, жавобгарлық менинг гарданимдадир».

Жоуни Осмон құмдори мукофотлар билан сийлади, яхши одамларнинг давлатлари зиёда бўлди. (Жоу Ву Банг) дедиларки: «Гарчи Жоу подшолик уруғидан яқин қариндошлар бұлса ҳам, менинг раҳмдия (яхши фазилатларга эга) кишиларимга арзимайди. Ҳалқымдан гуноң-жатолик ўтса, жавобгаранги бир ўзимининг бўйнимдадир». У (Жоу Ву Банг) қадоқтош-ўачов асбобларига жиддий эътибор берди, қонунчиллик тизимини синчикалаб кўриб чиқди ва мустақамлади, бекор қилинган лавозимларни қайта тиклади, амру фармонларини чор тарафда ҳамма қабул қилди. (У) завод топган мамлакатни тиклади, узилиб қодган шажарани яна давом эттирди, гўшанишин арбобларни мартабага кўтарди, осмон остидаги ҳалқ ҳам унга сидқидидан итоат этди.

Ҳалқча, унинг ошлиғига, мотам ҳамда қурбонлик маросимларига адоқида зътибор қаратмоқ керак. (Агар шоҳ) олийхіммат бұлса, ҳалқни ўзига мойнд қилишга эришгай; диёнаттан бұлса, ҳалқ ишончини қозонгай; зийрак бұлса, буюк жасоратлар кўрсатгай; адодаттан бұлса, ҳалқ бундан мамиун бўлгай.

Оқсоқол Яо - қадимги Хитой афсоналаридаги до-нищманд подшо, «беш подшо-дан бири». Уларнинг би-

ринчиси **Хуанг-ди** (Huang-di), яъни Суан Юан-ши (Xuan Yuan-shi) бўлиб, афсонага кура, Хитойдаги дастлабки қабилалар иттифоқининг бошлиги бўлган, Янди ва Чи Йоуларни енгид, Жўнгюан (Ўрта Текислик) худудини бирлаштирган. Жўнгюанга Хуангхе – Сариқ дарёнинг ўрта ва қуйи оқимидағи ерлар, шу жумладан, Хенан ўлкасининг катта худудлари, Шандунг ўлкасининг гарбий қисми ва Хебзй, Шанси ўлкаларининг жануби кирган. Унинг рафиқаси Лэй (Lei) ипак куртини бокиши – пимлачиликни кашф қилган дејилади. Шунингдек, Хуанг-дининг Санг Же (Cang Jie) исмли солномачиси ҳам бўлган, унга хитой иероглифларининг изходкори дея нисбат берилади, эҳтимол, қадимда иероглифларни тартибга солган рамзий бир шахс бўлиши мумкин.

Иккинчиси **Жуан Сю** (Zhuan Xu), учинчиси Ди Ку, тўртинчиси **Танг Яо** (яъни Яо оқсоқол, исм олдидаги Танг – у тузган афсонавий сулола номи), бешинчиси **Ю Шунидир** (Шун оқсоқол, исм олдидаги Ю – у томонидан тузилган афсонавий сулола номи).

Афсоналарда айтилишича, Яо Танг номли сулола тузган. «Муҳокама ва баён»да Конфуций Яо, Шун ва Ю подшоҳларнинг номларини бот-бот тилга олади, уларни ибрат қилиб кўрсатади. Яо тахтни Шунга инъом қилган.

Оқсоқол Шун – афсоналарда келтирилган энг қадимги подшоҳнинг исми, айтишларича, Ю номли сулола тузган. Ривоятларга қараганда, Жюйишен тогига дафн этилган. Мазкур тор ҳозирги Хунан ўлкаси Нингюан ноҳияси жанубида жойлашган бўлиб, «жю», «тўққиз», «шан» «тор» дегани, чунки тоғда бир-бирига ўхшаш тўққизта чўйқи мавжуд.

«Фалак гардиши» – тақдир, толе, тақдирнинг тақозоси, насиба. Хитойчадан сўзма-сўз таржима қилиб изоҳлаганда «ю қуёш, юлдузлар ва куннинг айланиш қонуни» деган маънони англатади, бу ерда тақдир, шунингдек, ўз нағватида «Осмон (Тангри)

томонидан ўрнатилиб, мерос бўлиб ўтган ҳокимиятга ишора.

Ю – Ся сулоласи (эрамиздан аввалги ХХII аср охири – XXI аср бошларидан то XVII аср бошларигача) асосчиси. Айтишларича, Ю сув тошқинларини бартараф этиб, уни изга сола олган.

Чеңг Таңг – Шанг сулоласи (мил. ав. XVII – мил. ав. XI асрлар) асосчиси, исми Лю.

Жоу Ву Ванг оғирлик ўлчов системасини бирлаштирган, уларни бутун мамлакат бўйлаб тенг ва кенг жорий қилди, яъни мамлакатнинг ҳамма ерида бирдек кўлланилишига эришган. Қонунларни мустаҳкамлади, бу ўринда қонун деганде «лии» тузуми назарда тутилмоқда. Янги конфуцийчилик оқимининг асосчиларидан Жу Си ўзининг «Жижу» («Jizhu» – «Тўпламга шарҳлар») китобида келтиришича: «Одоб-таомил ва қуй (лии) тузуми – барчаси бирдек». Бекор қилинган лавозимларни қайта тиклади, ҳақиқий истеъодод соҳибларини излаб топиб, уларни мартабаларга кутарди. Лиу Бао Нанинг «Адолат» асари «Турт китобни такрорлаб» бобида шундай деб ёзди: «Лавозим бўлса-ю, унга яраша амалдор бўлмаса, амалдор бўлса-ю, уни муносиб лавозимга кўтармаслик – барчаси ҳайфдир».

Мазкур муҳокама, айтиш мумкинки, «Муҳокама ва баён»даги Конфуцийнинг элни идора этиш, осмон ости тингчилги борасидаги ғояларини умумлаштириб, хуласа ясайди. Ўтмишдан идеал шахс излаш барча даврларда мавжуд бўлиб келди. Мисол учун, Шарқ адабиётида Ҳотам номи сахийлик тимсоли бўлиб қолган; воқеаномаларда Ануширавон (Нуширавон) адолат тимсоли сифатида замон шоҳларига ибрат қилиб кўрсатилган. Фирдавсий «Шоҳнома»да Жамшиднинг ўғли Фаридунни адолатли шоҳ образида талқин этади. Бу борада бобомиз Алишер Навоий ҳам беназир асрлар яратди. Лекин бу ўринда Конфуцийни, баъзи бирёқлама тадқиқотчилар назарда туттанидек, консерва-

тизм тарафдори деёлмаймиз, чунки донишманд ўтмишдаги фақатгина арзирли, ибратомуз жиҳатла-ридангина ўrnak олишга, ўрганиш-ўзлаштиришга, ха-толардан сабоқ чиқаришга чақиради.

«Темур тузуклари»да бобомиз Соҳибқирон Амир Темур ўз амалиётидан келиб чиқиб, салтанатни бош-қаришнинг ўн икки тузугини келтирадилар. Жумла-дан, олтинчи тузукда шундай дейилади: «... адолат ва инсоф билан Тангриимнинг яратган бандала-рини ўзимдан рози қилдим. Гуноҳкорга ҳам, бе-гуноҳга ҳам раҳм-шафқат билан ҳаққоният юзасидан ҳукм чиқардим. Хайр-эҳсон ишларим билан одамларнинг кўнглидан жой олдим. Сиё-сат ва инсоф билан сипоҳларимни, раиятни умид ва қўрқинч орасида тутиб турдим. Фуқа-ро ва қўл остиндагиларга раҳмдешлик қилдим, аскарларимга инъомлар улашдим». Бундан аён бўладики, Амир Темур салтанатни адолат туғи остида идора этган, унга асло хилофлик қилмаган: «Куч – адолатдадир!» Мазкур парча қуйида келадиган на-вбатдаги ҳикмат мазмунини ҳам шоҳона сатрлар би-лан безайди. Зеро, унда ҳам мурувват, олийхўиммат-лилик, камтаринлик ҳақида сўз кетади.

Шайх Абдураҳмон Жомий ҳазратлари ўзларининг «Баҳористон» (форсийдан Ш. Шомуҳамедов таржими-си) номли асарларида шундай ҳикоят келтирадилар: «Ибн Муқаффа шундай ҳикоя қиласди:

«Хинд донишмандлари ёзган китоблар юз тияга юк бўлди. Уларнинг подшоси қисқартиришни талаб қилди, улар икки тия юкига келтирдилар; яна қисқартирилсин деди, бари тўрт калимага келтирилди. Би-ринчи калима подшоларни адолатга чақирап эди.

Агар подшо иши бўлса адолат,
Катта-кичик ҳаётинда фарогат.
Дили вайрон йиглар сина чок,
Демак, унга зулм қилмиш бир нопок.

*Гар замона оғатлари балодир,
Фақат подшо адолати даводир.*

Иккинчи калима яхшилик қилиш ва шоҳ фармонларини бажариш ҳақида раиятга насиҳат эди.

*Шоҳ зулми түхмидан халқ ичра доим
Күзгалон,
Бүгдой олмииш қай киши шудгорга сочиб
арпа дони.*

(«Баҳористон», -Тошкент: «Ёзуечи». 1997 йил, 13-бет)

Демакки, Амир Темур, Конфуций ва Жомий ҳазратларининг фикрлари бир ердан чиқмоқда: подшо адолатни шиор қилиб олса, бу йўлда событқадам бўлса, салтанатда осойишталик ҳукм сургай, халқ ҳаёти фаровон бўлгай, раият ҳам шоҳ амру фармонларини мамнуният билан кутиб олгай. Бунинг учун подшо ўзида эзгу инсоний фазилатларни мужассамлаштиргори керак.

Зи-жанг Конфуцийдан сўраб деди: «Қандай қилиб давлатни муваффақиятли идора этса бўлади?» Устоз шундай дедилар: «Беш турди гўзал фазилатларни қадрлаб, тўрт хида ярамас одатларни йўқотсанг, шундагина давлатни муваффақиятли идора этиш мумкин». «Беш гўзал фазилат қайсилаар?» – деб сўрабди Зи-жанг. Устоз шундай жавоб қиадилар: «Ҳукмдор мурувват кўрсатяётиб, исрофгарчилик қиласаса; халқни меҳнатга сафарбар қилаётисиб, уларнинг ворозилингига сабаб бўлмаса; бирор орзу-истаги бўлса-ю, лек очкўздин қиласаса; вазмин-у, бироқ тақаббур бўлмаса; салобатли (амр-фармо)-ю, аммо ёвуз бўлмаса». «Мурувват кўрсатиб, лек исрофгарчилик қида-

маслик нима дегани?» – деб сұрабди толиби Зи-жанг. Устоз дедилар: «Халққа бирор нағи тегсагина уларга фойда келтириш – муруват қылаётіб исрофгардикка йұл құймаслик шу эмасми? Халқни (уларга) асқотиб қоладиган юмушларга құлай фурсатини биліб сафарбар этса, ким ҳам ҳасрат қылар әди?! Раҳмдиәлдікни тидаң унга зришса, бу ерда очқұзликка үрни борми?! Кам-күшлігінде қарамасдан, катта бұладими, кичик бұладими, ұтто құкмдор ҳам әч бириға бепісандақ қылмаса, айни шу вазминн-у, бироқ тақаббурдик қылмагани эмасми?! Құкмдор либоси ва тоғинни тартибға келтираётіб, виқор-ла турса, ҳайбатидан кишилар ҳайнұрлар (салобати босар), салобатлы, лек ёвуз бұлмаслик шу эмасми?» «Тұрт хил ярамас одаттар қайсылар?» – деб сұрабди Зи-жанг. Устоз шундай деб жавоб берібди: «Маърифат удашмай, одамдарни үлдіра-вериш вәхшійдіктер; огох этмай, дарқол натижани талаб қылмоқ қовалиқмалықтар; амру фар-мондарда сүсткашлик қылаб, бироқ уларни ижро этишга қыстаң муттақамалықтар; шунинг сингари кишиларға бирор нараса берішда айни фурсати келганды зиқналық қындаш пасткашликтер!».

Мазкур ҳикматда Конфуций амалдор бўлиб, ҳокимият ишларини юритишининг энг муҳим томонларини умумлаштирган. «Беш гўзал фазилат ва тўрт ярамас одат» Конфуций сиёсий қарашларининг асосини ташкил қылади. Давлатни идора қилишга бағишлиланган мазкур ҳикмат замирида мұттадиллик концепцияси ётибди, яъни құкмдор элни идора қилишда мұттадилликка амал қылса, чин маънодаги адолат айни шудир.

Мұттадиллик юксак даражадаги хатти-харакат мезонидир, у фалсафада баён этилган энг муносиб «даражадир. Шунингдек, у илмий тиілда «мувозданат», «олтін ўрталық», «муросай мадора» ҳам дейіллади, сузла-

шувда оддийгина қилиб «үрталик» дейишга одатланғанмиз. Агар ҳукмдор ўз сиёсатида мұтадиллікка амал қилмаса, бу турли иллатларни келтириб чиқаради. Конфуций ана ўшалардан огохлантирмоқда.

Конфуций ўз қарашларыда инсон ва инсонийлик (рахмандиллік)ни марказий ўринга күяди. Буни юқоридаги ҳикмат ҳам исботлаб турибди. Холоса ўрнида шуни таъкидлаш керакки, инсоний қадриятлар қадр топған диөрдан файзу барака асло аримайди. Балою оғатлар ундан йироқ бұлгай.

* * *

Устоз деди: «Тақдирдан бекабар олижаноб бүлдомайди; одоб-ахлоқ меъёрлари ва таомилдан бекабар ростлана олмайди; сўздан бекабар ўзгалини тушумайди».

Мазкур ҳикматда Конфуций олижаноб инсонларнинг жамиятда ўз ўрнини топишлари ҳамда яшашларининг уч талабини баён этади, улар: «тақдирдан хабардорлик», «одоб-ахлоқ ва таомилдан бохабарлик» ҳамда «сўздан хабардорлик». Конфуцийшунослардан Жин Лянг Нйэн «Мұхокама ва баён: таржима ва изоҳлар» китобида келтиришича, неоконфуцийчилик оқымы намояндаси Жу Си шундай ёзади: «*Бу учовидан воқиғи кишида олижаноблик шартни таҳтдир*».

Тақдир – ёзмиш, Осмон (Тангри) иродаси; Конфуцийнинг наздиги, инсон тақдирни Осмон томоницдан белгиланади, шу боисдан тақдирни билмаслик мумкин эмас, мабодо бекабар бұлсалар, бу олижаноблик фазилатига зиддир. Демакки, тақдирнинг нималигин билмаган киши ҳақиқий олижаноб бўлолмайди. «Лин» – «Осмон йўли»нинг кишилар ҳаётидаги акс этиши, қад ростлаш, жамиятда мустаҳкам ўринга эга бўлиш ва яшаш асоси.

«Лин», яъни одоб-ахлоқ меъёрлари ва таомилни билмаса, кишилар билан бўлган муносабатларда муам-

моларга дуч келинади. Ҳикматда «сўз» дейилганда ўзгаларнинг гап-сўзлари тушунилади, кишиларнинг гап-сўзларидан уларнинг ботиний жиҳатларини ҳам билиб олса бўлади. Кишиларнинг сўзларини фарқлай билиш керак, акс ҳолда ҳақ-ноҳақни, яхши-ёмонни ажрата олмайди. Шунингдек, сўзнинг маъно-магзини англамаса, залворини ҳис қўймаса, унда кўп кишиларнинг дилига озор берадиган бўлади.

Конфуций мазкур ҳикматида ҳам эзгу инсоний фазилатларга эга ўз идеалидаги олижаноб подшо қандай булиши кераклигини уқтиради, олижаноблик билан элни идора қилиш, салтанат осойишталигини сақлашга даъват этган. Бундан келиб чиқадики, Конфуций давлатчилик назарияси ва амалиёти, сиёсатшунослик, жамиятшунослик ва бошқа турли ижтимоий фанларнинг назарий ва тарихий тараққиётiga самарали ҳисса қўшган. Унинг ўгитлари асрлар давомида оддий халқдан тортиб шоҳларгача дастуруламал бўлиб хизмат қилиб келди.

ИККИНЧИ ҚИСМ

Конфуций деди: «Олижаноблар учун баҳс-довлашув аъмоли йўқ. Агар бўлса, у ҳам, шубҳасиз, ўқ-ёй мусо бақасидир. Аввали ўзаро такалмуф-ла қўшқўлаб саломлашгач, майдонга чиқарлар, беллашув тамом бўлгач, тагин қўшқўлаб кўришибгина майдонни тарк этарлар, сўнгра бирга хурмат шаробин силқорарлар. Шундай беллашувгина олижаноблар баҳсидир».

Толиби Зися сўраб дедилар:

*Кулгичли юзларнинг табассуми чиройли бирам,
Мафтункор кўзларнинг боқишлари жон олур
ҳар дам,
Тагин оқ-ла оро бериб назокатин бойитмииш
санам.*

Устоз, неки кўзда тутилмиш, ушбу уч мисра шеърга жо бўлмиш?

Устоз шундай жавоб қилдилар: «Сурат чизмоқ учун аввали нусха олинур, сўнгра оқ ипак кашта или ила чизик тортилгай». «Унда одоб-ахлоқ ва наво раҳмдилликнинг кейинидан пайдо булурми?» дебди Зися. Конфуций шундай дебди: «Эй, менинг тафаккур-зеҳнимга туртки бера олгувчи мақомига сазовор толибим Бу Шанг (Зися)! Энди сенинг билан «Назмнома»ни муҳкамма қиласа бўлур».

Конфуций деди: «Мен Ся сулоласининг тузуги (адаб-қоидаси) ҳақида ишонч билан сўзлай оламан, лекин Сядан кейинги Чи подшолигининг эса текшириб исботлашга арзигулик ери йўқ. Мен тагин Йин сулоласининг тузуги ҳақида ҳам сўзлай оламан, лекин Йиндан кейинги Сунг подшолигининг текшириб исботлашга

арзирли жиҳати бўлмабди. Бу Чи ва Сунг иккисида қадимий китоблар ва оқил-фозил кишиларнинг етарли эмаслиги сабабидандир. Агар аксинча бўлганида эди, шубҳасиз, уни ўрганган ҳамда исботлаб эътироф этган бўлардим».

* * *

Аждодларга бағишлиб курбонликлар қилинганда гўё улар буни ҳақиқатан ҳам қабул қилгандек. Худога атаб курбонлик қилинаётган маҳал Худо ҳам худди шу ерда ҳозир. Конфуций шундай деган экан: «Агар каминанинг шахсан ўзи назр-чироқ (курбонлик) ма-росимида иштирок этмасам, курбонлик қилганимнинг қилмаганимдан ҳеч қандай фарқи йўқ».

* * *

Дафу-туралардан бири Ванг Сунжя сўраб дебди: «Уй ҳомийси (илоҳ) Аога хушомад қилгандан кура, ўчиқона ҳомийси илоҳ Заонинг кўнглини овлаган маъкул». Бу маъқолнинг маъноси не? Конфуций шундай жавоб қилибди: «Ундоқ эмас. Осмон (Тангри) дилин сиёҳ этсанг (шак келтирсанг) гар, тоат-ибодат ҳам бўлур бесамар».

* * *

Конфуций деди: «Ўқ-ёй маҳоратидан беллашганда шарти ёй ўқини мўйна-нишонни тешиб ўтказишдан бўлмасин, негаки ҳамманинг кучи баробар эмас. Бу азалдан қолган қоида ахир!»

* * *

Толиби Зигўнг ҳар ойнинг биринчи куни подшоҳ аждодлари ибодатхонаси (эҳроми)да «Биринчи кун хабари» муносабати билан уюштириладиган курбонлик маросимида бўғизлаш учун атаб қўйилган қўйни хайф дея, аяб тежаб қолмоқчи бўлибди. Буни эшитган Конфуций шундай дебди: «Эҳ, Толибим! Ци-я! Сен бир

бош күйни аябсан, мен бұлсам тузукка (адаб-таомил-га) куяман-да».

Конфуций деди: «Подшоқга бақоли қудрат одоб-ахлоқ мөшеріда мулозамат қилиш баъзи кимсалар наз-дида лаганбардорликдир».

Динг Гүнг деганлари: «Подшо амалдорларни ишга солмоғи, амалдорлар подшога сидқидилдан хизмат қылмоқлари учун нима қылмоқ керак?» деб сұрабди. Конфуций шундай жавоб берібди: «Подшо адаб-қоида доирасида амалдорлар хизматидан фойдаланса, амалдорлар ҳам подшога садоқатли бұлгай».

Бир сафар толиби Зай Вұта танбек әріб, Конфуций шундай деган экан: «Бұлган ишга ортиқча изоҳ не ҳожат, тамомланған ишга насиҳат қылма, ўттан ишга саловат».

Конфуций Ау подшолиги уста созандасига мусиқа илми назариети ҳақида сүзлай туриб, шундай деган экан: «Куйга солиб ижро этилган жараённи бошдан кечириш мумкіндір. Куй бошланиши билан тинглов-чининг қалбига иниб, унинг ружиятига күтаринкилик бахш этгай; янада кенгайтириб турфа созлар тенг оқанғ авж пардаларіда чалинса, куй қанчалар ҳамо-ҳанг, қанчалар тиниқ ва қанчалар янгрок! Мусиқа шу таҳлит яқун топар».

Вэй подшолиги Йи музофотининг мудофаа ишлари амалдори Конфуций билан күришиш иштиёқіда экан. Деницманндан уни қабул, қилишларини сұраб

дебди: «Олижаноб фозил бир инсон бу ерга қадам ранжида қылган экан, истиқболларига бормасам асло бұлмайди». Конфуцийнинг (унга) ҳамроҳ шогирдлари уни устозларининг ҳузурига бошлаб келибдилар. Бояғи киши Конфуцийнинг ёnlаридан чикқач, унинг шогирдларига қарата шундай дебди: «Тақсирлар, сизларнинг устозларингиз амал-марtabасидан маҳрум бұлғанлари қандоқ күргиilik! Дунёи дуннинг чорасиз ҳам зулматли күнларига хийла замонлар бұлды. Устозларингиз мудуў-ё्रоч күнғироғи булып, халқни ғафлат үйқусидан үйғотмоқ ва эзгуликка даъват этмоқ учун Тангрининг ўзи етказибди».

Конфуций деди: «Хукмронлик күлида бұлса-ю, қылча муруват қылолмаса, одоб-қоңыда риоясида жиддий ва тақволи бүлолмаса, азага йүлиқ-қанда заррача қайгурмаса, бундоқ кимсаларни күрарға қандоқ күзим бұлсин?»

Конфуций деди: «Раҳмдиллик бор ерда яшаш — жуда соз (бахтиёрликдір). Киши яшаш учун раҳмдиллик бор ерни танламаса, қандоқ қилиб доно ҳисоблансын?»

Конфуций деди: «Бераҳм кимсалар узоқ муддатты мұхтожлиқда күн кечиролмайдилар, роҳат-фароғат ҳам уларға күп татимас. Раҳмдил кишилар раҳмдилликдангина қаноатта, оқыл кишилар бұлса раҳмдилликдан наф күргай».

Конфуций деди: «Раҳмдил кишиларғина холисонилло яхшиларни суйгай, ёмонлардан ҳазар қылгай».

Конфуций деди: «Агар кимнинг мақсад-муддаоси раҳмдиллик бўлса, у ҳаргиз ёмонлик қилмагай».

Конфуций деди: «Молу дунё ва амал-мартаба ҳар кимнинг хоҳиш-истагидир. Ҳалол йўлар билан уларга эришилмас экан, олижаноблар бундай бойлик-мартабадан асло хотири жам бўлмаслар. Қашшоқлик ва наслу насабсизликдан ҳамма ҳам ҳазар қиласди, агар тўғри (ҳалол) тадбир-ла улардан халос бўлинмаса, олижаноблар учун бу ҳам хору зорлиkdir, ундан қутулоғмаслар. Олижаноблар раҳмдилликдан воз кечсалар, қандоқ обрў-эътибори бўлсин? Олижаноблар бир маҳаллик таом вақти бўлсин (бир лаҳза ҳам) раҳмдилликдан юз ўғирмаслар; шошилинч-тиғиз фурсатларда ҳам доимгидек раҳмдиллик билан биргадир, сарсон-саргардонликда ҳам унинг биландир».

Конфуций деди: «Раҳмдиллик муҳибларини учратмаганимда, эҳтимолки, бераҳмликтан ҳазар қилгувчи кишиларни-да кўрмаган бўлардим. Раҳмдиллик муҳиби учун оламда раҳмдилликдан устун нарса йўқдир; бераҳмлик (шафқатсизлик)дан нафратлангувчи киши бу савдо ўз бошига тушиб қолмаслиги учун ҳам ундан ҳазар қиласди. Уззу кун кучин раҳмдилликка бахшида эта оладиган борми? Раҳмдиллик қилиғиси бор-у, лек куввати етмаган кишини кўрмадим. Бўлса бордир, сира учратмадим».

Конфуций деди: «Одамларнинг хатолари ҳам уларнинг ўзларидек айрича (турлича). Кишининг йўл кўйган хатосига қараб ҳам унда раҳмдиллик фазилати бор-йўқлигин билиш мумкин».

Конфуций деди: «Тонгда ҳақиқатдан хабар топсам, тунда қазо ҳам ризолидир».

Конфуций деди: «Илму толиб тариқат («дао», Ҳақ йўл) талабида бўлса-ю, лек жуддур либосу ғарибона ош-тузидан ор қилса, бундайлар ҳақиқатни улар билан муҳокама қилишга арзимайдилар».

Конфуций деди: «Олижанобларнинг олам ҳақидаги нуқтаси назарлари қотиб қолмагай, улар жоҳил эмаслар, ҳаққоният (адолат)га мувофиқ (оқилона) иш тутгайлар».

Конфуций деди: «Олижанобларнинг фикру зикри ахлоқ биландир, худбинлар бўлса бир гўши майшат ғамида бўлгайлар; олижаноблар қонун-адолат ҳақида куюнар, худбинлар манфаат деб жон куйдирар».

Яъни: «Олижаноблар доим адолат муддаосида, худбинлар мудом манфаат иддаосидадирлар».

Конфуций деди: «Беандиша манфаатпарастлик адватни кўзгайди».

Конфуций деди: «Тузук (адаб-қоида) иктиёрида элни идора қилишнинг нима қийинчилиги бўлсин. Давлат тузук билан идора қилинмаса, адаб-қоида ҳақидаги куруқ галдан нима наф?»

Конфуций деди: «Амал-мартабаси йўқлигидан эмас, лаёқатсизликдан андиша қилмоқ керак. Сени тушун-

гувчи бирор кимса йўқлигидан куюнавермай, эл аро танитгувчи бир маҳорат касб этмоқ кўйида бўл».

Конфуций деди: «Эй, толибим Зенг Шэн! Менинг таълимотим моҳиятини биргина қатъий тушунча билан ипидан иғнасигача ойдинлаштириш мумкин». Толиби Зенгзи (Шэн): «Ҳақ гап», дедилар. Устоз чиқиб кетишлари билан бошқа шогирдлар Зенгзидан: «Буниг маъниси недур?» деб сўрайдилар. Зенгзи шундай жавоб берибди: «Устоз таълимоти айни садоқат-олиҳим-матлилиkdir».

Конфуций деди: «Олижаноблар адолатдан сўзлайди, худбинлар эса манфаатин кўзлайди».

Конфуций деди: «Фозил кишиларни кўрганда ибратулги ол, фосиқларга йўлиқканда эс-хүшингни йигиб ол». Яъни: «Оқиғла ёндош, нодондан қоч».

Конфуций деди: «Падари бузрукворингиз ва волидай мухтарамангиз парвариш-хизматида, агар уларнинг ноўрин жиҳатларини сезгудек бўлсангиз, хушмуомалалик билан эътирозингизни билдиринг; уларчин юракдан қулоқ солмаган тақдирда ҳам, одатдагидек ҳурмат-эҳтиромин жойига кўйингларким, асло дилин ранжитмангиз, гарчи чеккан машақатингиз малол келса-да, улардан қилча зорланманлар».

Конфуций деди: «Ота-онангиз ҳаётлигига олисга сафар қилманг; ноилож бўлсангиз, борар манзилингиз тайин бўлсин ҳамда ота-онангиз розилиги билан йўлга чиқинг».

* * *

Конфуций деди: «Отаси вафотидан сүнг ҳам узоқ йиллар ота йўл-йўриғидан оғишмаганларни қобил фарзанд дейиш мумкин».

* * *

Конфуций деди: «Ота-онангизнинг табаррук ёшлигини ҳар он ёдингизда тутмасангиз бўлмайди: бир томондан уларнинг узоқ умр кўрганликларидан қувонинг, яна бир томондан кун сайин кексайиб бораёт-ганликларидан қайгуринг».

* * *

Конфуций деди: «Қадимгилар андишасизларча ваъда беришни маъқул топмаганлар, чунки улар учун лафзида турмаслик исноддир».

* * *

Конфуций деди: «Ўз нафсини тийиб янглишганлар үнҳоятда оздир».

* * *

Конфуций деди: «Олижаноблар оз сўзлар – соз сўзлар, тилига эрк бермас; меҳнатда тиришқоқ-уддабурон бўлишади».

* * *

Конфуций деди: «Ахлоқи гўзал киши ёлғизланиб қолмайди, шубҳасиз, унга талпингувчилар бўлгай».

* * *

Толиби Зийоу деди: «Подшога ҳадеб насиҳат қила-версанг, оқибат хор бўласан; дўстингта ҳадеб дашном бераверсанг, дўстга зор бўласан».

Конфуций ўз шогирдларидан бири Гүнгүй Чанг ҳақыда шундай деган экан: «Қизимни унга турмушга берсам бўлади. Гарчи у зинданбанд қилинган бўлсада, бегуноҳдир». Шунинг билан Конфуций қизини Гүнгүй Чангта узатган экан.

Конфуций яна бир шогирди Нан Жўнг ҳақыда сўз очиб, шундай деган экан: «Давлат сиёсати нурағшонлигига у амалидан олиниб, яроқсизга чиқарилмайди; давлат сиёсати зулматта чўмганда ҳам у жазодан омон қолгай». Шунинг билан Конфуций жиян-қизини толиби Нан Жўнгга турмушга берган экан.

Конфуций толиби Зи-жэйнга баҳо бериб шундай деган экан: «О, у олижаноб бир кишидир! Агар Лу подшолигида олижаноб инсон бўлмаганида, у бундайин юксак фазилатни қайдан оларди?»

Толиби Зигўнг устози Конфуцийдан сўраб дебди: «Камина Ци ҳақыда фикрингиз қандай?» «Сен бир анжом-идишга ўхшайсан», – дебди Конфуций. Зигўнг: «Қандоқ идишга?» – деб сўрабди. Конфуций шундай жавоб берибди: «(Подшо аждодлари ибодатхонасидағи ошлиқ сақлаб қўйиладиган) табаррук ху-лйэнга».

«Толиби Йўнг раҳмдил-у, аммо сўзга нўноқдир», дебди бир киши. Буни эшитган Конфуций шундай деган экан: «Гапга чечанликдан не ҳожат? Гапдоңлик қилиб ўзгаларни оғиз очгани қўймаса, кишиларнинг жонига теккай. Жанг Йўнг раҳмдил дейишига арзидими ё йўқ, билмайман, бироқ сўзамолликка не ҳожат?!

Толиби Зигўнг деди: «Устознинг илму ҳикматин тинглаб уқиб олиш мумкиндири, устоз агар моҳият ва табиий қонуниятдан суз очгудек бўлсалар, куруқ кулоқ осган билан англаб бўлмайди».

Толиби Зилу бир ҳақиқатдан хабар топса, уни рӯёбга чиқармагунча тағин бошқасини эшишиб қолищдан ҳайиқиб юрган.

Толиби Зигўнг сўрабди: «Кунг Венгзи недан «фозил» («вэн») фахрий номига лойиқ кўрилмиш?» Конфуций шундай жавоб бериди: «У уддабурон ҳамда илмга шунчалар ўчки, ҳатто мартаба ва билимда ўзидан қўйи кишилардан ҳам сўраб ўрганишдан ор қилмагани боис «фозил» мақомини олмишдир».

Конфуций толиби Зи Чанга баҳо бериди, шундай деган экан: «Унда олижанобликнинг тўрт аломат-фазилати бор: ниҳояти тавозели феъл-атвор соҳиби, подшога ҳурмат-эҳтироми баланд, авомдан муруватин дариф тутмас, фуқароларни одилона ишга sola билгай».

Конфуций деди: «Жаноби Ян Пинг Жўнг кишилар билан дўстлашишга жуда моҳир, қанча вақт ўтса ҳамки мудом иззат-ҳурматда».

Толиби Зижанг сўраб дебди: «Вазири аъзам Зи Вэн уч бор вазири аъзамлик лавозимига тайинланибди, кишилар унинг суюнганин кўрмабдилар; уч бор вази-фасидан олиб ташланса-да кишилар унинг юзида

разаб ифодасин кўрмабдилар. (Ҳар сафар) бурунги мингийиллик сиёсатидан вазифасига янги келган бош вазирни хабардор этарди. Бу қандай одам? Конфуций: «Садоқатли дейишга арзийди», дебди. Зижанг яна сўрабди: «Раҳмдил ҳисобласа бўлар?» Конфуций шундай жавоб қилибди: «Билмам, уни раҳмдил дегани бўларми-бўлмасми?»

Толиби Зижанг яна сўрабди: «Дафу-тўра Цуйзи ўз Чи подшосининг жонига қасд қилиб уни ўлдирди; дафулардан бошқа бири Чэн Вэнзининг қирқ оти бор эди, барчасидан воз кечди – кори бўлмади, ўзга бир давлатга борди, дедики: «Бу ернинг вазирлари бизнинг Цуйзи дафу каби экан». Шунинг билан бу мамлакатни ҳам тарк этди ва тағин бошқа бир подшоликка етди, яна дедики: «Бу ернинг вазир-тўраларининг ҳам бизнинг Цуйзи дафудан унчалик фарқлари йўқ экан». Шундай қилиб у бу подшоликдан ҳам чиқиб кетибди. Уни қандай одам дейиш мумкин? Конфуций шундай дебди: «Покдомон» (софдил). Зижанг тағинам: «Раҳмдил ҳисобласа бўларми?» деб сўрабди. Конфуций шундай жавоб қилибди: «Билмам: раҳмдилми ё йўқ».

Мирзо Жи Вэнзи ҳар ишни уч марталаб ўйлаб, сўнгра унга киришар эди. Бундан хабар топган Конфуций шундай дебди: «Икки бора мулоҳаза юритса ҳам бўларди».

Конфуций элма-эл кезиб юрганда Чэн давлатидагида шундай деган экан: «Қайтамиз! Ортга қайтамиз! Юртимнинг бу навқирон ўлонлари, буюк мақсадларни дилига туккан, бироқ амалда ғўру ҳафсаласиздир, гарчи ажойиб истеъдод соҳиби бўлсаларда, ҳали ўзларини тийишни билмайдилар».

Конфуций деди: «Бү Йи ва Шу Чи ора-ини иккиси-нинг күнглида азалдан ўч-адоват бўлмаган, шу боис уларга адovat кўзи билан қарайдиганлар, табийки, ниҳоятда оз».

Конфуций деди: «Ким айтади Вэй Шенг Гаони ростгўй одам деб? Бир киши ундан сирка сўраб кирганида, (у ўзида йўқлигини айтмай) кўшнисидан олиб, бояги кишига келтириб берган экан».

Конфуций деди: «Тилёрламалик, лаганбардорлик ва сертакалмуфни Зуо Чю Минг мирзо иснод деб билган, камина учун ҳам исноддир. Дилида кек-адоват сақлайдиган, куринишдан эса ўзгаларга гўё дўст-улфат-бундай иккюзламаликни Зуо Чю Минг мирзо иснод деб билган, камина учун ҳам исноддир».

Толиби Ян Юан ва толиби Жи Лу (яъни Зилу) ёнларида эди, Конфуций шундай дедилар: «Нечун муродингиз ҳақида сўзламайсиз?» Зилу деди: «Мен ўзимнинг от-аравам ва тери пўстинимни дўстим билан ўзаро баҳам кўрсам дейман, эскирса-да афсус чекмасман». Ян Юан деди: «Мен ўз устунликларим билан мақтамаслик ва кўрсатган хизматларимни элага дoston қиласликни истайман». Толиби Зилу тагин деди: «Тақсиrimнинг муродин эшитмоқча орзумандмиз». Устоз шундай жавоб қилдилар: «Мурод-мақсадим шулки, кексаларга ҳузур- ҳаловат, дўстларга ишонч, ёшларга ғамхўрлик».

Конфуций деди: «Бас! Хатоларини кура олган ва дилдан ўзини айлаган кишини учратмадим».

Конфуций деди: «Үн чорли хонадонли чоққина қишлоқчада ҳам, шубҳасиз, садоқат-самимиятда менингдек киши топилгай. Фақат илмни севищда менга тенглашолмас, холос».

Конфуций деди: «Толибим Жанг Йүнгни жанубга юзлантириш жоиздир».

(Яъни: «Жўнг Йўнг билим ва фазилатда амалдорликнинг асосий талабларига етишибдур, уни амалдорликка тайинлаш мумкин».)

Толиби Жўнг Гўнг Зи Санг Бўзи деганларининг қандай одамлигини сураб мурожаат эттанида, Устоз шундай дедилар: «Унинг соддалиги ҳаққатирост». Жўнг Гўнг яна сўради: «Қўли меҳнатда-ю дилда тақволи, ҳаракатлари оддийгина, бундай одамлар билан элни бошиқариб ҳам бўлмасинми? Агар ичида ҳар нарсанинг оддий-осонини кўзласа, ҳаракатлари ҳам ғур-анойиларча бўлса, бу ҳаддан ортиқ соддалик эмасми?» Устоз шундай жавоб қидалар: «Йўнг, сўзларингда жон бор».

Лу беги Лу Ай Гўнг Конфуцийдан сўради: «Шогирдларингиз орасида қайси бири билимга ўч?» Конфуций жавоб бериб шундай дебди: «Ян Хуэй отлиқ бир шогирдим ҳақиқий илм ихлосманди эди; у аламини ўзгальдан олмас, бир хатони такрор содир этмасди. Бахтга қарши, умри қисқа экан, дунёдан ёш ўтиб кетди. Ҳозир ундейлар топилмайди, илмин оширишга иштиёқманд кишининг қайтиб дарагин топмадим».

Толиби Зихуа Чи подшолигига элчиликка кетганида, толиби Жанзи унинг онаси учун бироз тариқ сўраб мурожаат қиласиди, Конфуций: «Бир «фу» (олти пуд) беринглар», дебди. Жанзи яна қушишларини илтимос қиласиди, Конфуций: «Яна бир «ю» (икки пуд) қуша қолинглар», дебди. Жангзи тағинам беш «бинг» (үн олти пуд) дон берибди. Буни кўрган Конфуций шундай дебди: «Зихуа Чи подшолигига жўнаб кетаётганида аравасига семиз отлар қўшилган, ўзининг эгнида эса ҳарир тери пўстин эди. Мен, олижаноблар бой-бадавлат қишиларга эмас, муҳтожларга ёрдам қўлин чўзадилар, деб эшиттандим».

Толиби Юан Си Конфуций хонадонида бош иш бошқарувчи бўлиб хизмат қиласиди. Конфуций унга маош сифатида тўққиз юз «доу» (пуд) тариқ-ошлиқ берса, толиби рад этибди. Буни курган Конфуций шундай дебди: «Рад этма. Олиб боргинда ҳамюртларингга улашгин».

Конфуций деди: «Эҳ, Ян Хуэй! Унинг қалби ҳеч вақт раҳмдиллик фазилатига хилофлик қиласидан. Қолгандар бўлса аҳён-аҳёнда раҳмдилликни бир пасга эсга оладилар, холос».

Жи Кангзи мирзо Конфуцийдан сурабди: «Шогирдингиз Жўнг Йоуни давлат ишларига тайинласа бўладими?» Конфуций: «Йоу ҳар ишда қатъиятли, хукумат ишларига келсак, бунинг унга нима қийинчлиги бўлсин?» дебди. Жи Кангзи яна сурабди: «Толибингиз Ци-чи? Уни давлат ишларига кўйса бўладими?» Конфуций шундай жавоб берибди: «Цининг зеҳни жуда ўткир, ишнинг кузини билади; давлат ишларига кел-

сак, бунинг унга нима қийинчилги бор?!. Жи Кангзи тарин сұрабди: «Чю-чи, унга ҳукумат ишларини идора қилишни топширса бұладими?». «Чю серқирра иsteъдод ва маҳорат сохиби, ҳукумат ишларига келсак, бунинг унга нима қийинчилги бор?!.» деб жавоб берібди Конфуций.

Толиби Бў Ню дардга чалинибди. Конфуций унинг ҳолидан хабар олгани борибди. Деразадан қўл узатиб Бў Нюнинг илгидан тутиб афсус билан шундай дебди: «Қазои ҳақ! Такдири азал бу! Шундай ажойиб инсон бундай дардга йўлиқибди. Шундай ажойиб бир инсон оқибат бу дардга чалинса-я!»

Устоз дедилар: «Толибим Ян Хуэй мунчалар гўзал фазилатли фозил киши-я! Бир бамбуксават емаги, бир чўмичқовоқ сувига қаноат қилиб, тор кўчали кулбасида яшарди. Бошқалар чидаёлмаган фақирликнинг ғам-ғуссасида Ян Хуэй ўз хушвақтлигин қилча йўқотмади. Мунчалар фазлу камолинг, толибим Ян Хуэй!»

Толиби Жан Чю деди: «Мен аслида устоз таълимотин хушламайман эмас, балки унга қурбим етмаётир». Устоз жавобан шундай дедилар: «Модомики қурбимадоринг етмаслигин баҳона қилибсан, гўё ярим йўлда оёқ-қўлсиз (туриб) қолибсан. Ҳозир сен (сусткашлик қилиб) ўзингни чекласанг, мутлақо олға юролмайсан (истиқболинг бўлмайди)».

Конфуций толиби Зисяга насиҳат қилиб шундай деган экан: «(Ахлоқ тарбиясин олган) олижаноблардек уламо бўл, зинҳор худбиннусха бир билимдон бўлиб қолма».

Толиби Зийоу Вученг қалъаси ҳокими эди. Устоз ундан сүрадилар: «Сен у ерда бирор истеъододли кишига етишдингми?» Зийоу шундай жавоб бериди: «Тантай Мийэминг исмли бир киши бор: ҳеч қачон қинғир йўлга қадам босмаган; гар ҳукумат иши билан бўлмаса, ҳеч қачон (ўз юмуши билан) менинг ҳузуримга келмаган».

Конфуций деди: «Лу амалдорларидан Менг Жи Фан ўзини ҳеч мақтамас экан (Чи подшолиги билан бўлган урушда ўнг қанот қўшинлари мағлубиятга учраб чекинаётганларида). У асосий кучлардан орқада қолиб, чекинаётган қўшинни таъқибдан ҳимоя қилибди. Қалъа дарвозасидан кириш олдидан (одамлар уни олқишилаб мақтасалар) у камтарлик билан отини енгил қамчилаб шундай дебди: «Ортда қолиб кетганим журъатимдан эмас, ҳамма бало отимнинг имиллаб чопишида».

Устоз дедилар: «Агар Жу Туодек яхши нотиклар бўлмай, аксинча, Сўнг подшолигининг хушуврат бекзодалари бўлганида бу замоннинг бало-қазоларидан омон қолиши қийин эди».

Устоз дедилар: «Ким ҳам остона ҳатламай ташқарига чиқа олади? Нечун Ҳақ (раҳмдиллик ва адаб) йўлидан ҳеч ким юрмайди?»

Устоз дедилар: «Аслияти адабий истеъододини босиб тушса – беўжшов-ёввойилар хилидандир; адабий истеъододи аслиятини енгиб қўйса – муболағага муккасидан кетган сарой солномачиларидандир. Адабий ис-

төйдоди ва аслияти уйгунашгандан сүнгтина олижаноб була олади».

Устоз дедилар: «Инсонларнинг умргузаронлиги уларнинг тұғрилигидан; әгри кимсаларнинг ҳам яшаб қолгани бу уларнинг толеи кулиб балоқазолардан сақланып қолғанликларидан».

Устоз шундай дедилар: «Илму хунарга соҳиб бўлган уни севадиганга етмайди, илму хунарни севадиган у билан машғуллигидан дили шод бўлгувчига етмайди».

Устоз дедилар: «Ақлий салоҳиятда ўртаҳол кишиларга илму ҳикматдан чукур сабоқ бериш мумкин; ўртаҳол савиядан куйи – калтабин кимсаларга чукур билим бериб бўлмайди».

Фан Чи деган киши: «Нима қылсагина доно ҳисобланади?» дея сұраганида, Конфуций шундай жавоб бериби: «Бор ақду кучингни ишга солиб, элни ҳақ (тұғри) йўлга бошлай олсанг, худо ва жинлар масаласида иззатинг баробарида масофа сақлай (мұтадил бўла) олсанг, донолик айни шудир». Фан Чи тағин сұрабди: «Қандай қилиб раҳмдил бўла олиш мумкин?» Конфуций жавоб бериб дебди: «Раҳмдил инсон машаққат деганда ҳаммадан олдинда, фойдасига келганда ҳаммадан кейиндадир, шундайларни раҳмдил дейдилар».

Конфуций деди: «Донолар сув (дарё)ни яхши кўрадилар, раҳмдиллар – тоғни. Донолар доимо ҳаракатда, раҳмдиллар ҳамиша хотиржам (босик). Доноларнинг вақти чоғдир, раҳмдил кишиларнинг умри узоқ бўлар».

Конфуций деди: «Чи подшолигида бир ислоҳот бўлса, Лу подшолигининг даражасига етар. Луда ислоҳот бўлса, марҳум донишманд подшолар юритган раҳмдил сиёsat йўлига мувофиқ келгай».

Конфуций деди: «Жом гар жомга ўхшамас, унинг жомлиги қолурми? Тарин жом бўлурми?»

«Агар кимdir раҳмдил кишига: «Бир раҳмдил инсон кудукқа тушиб кетибди», деса, у ҳам кетидан кудукқа сакрайдими?» деб сўрабди толиби Зай Вў. Конфуций шундай жавоб берибди: «Нега бундай қилиши керак? Олижаноб инсон бир илож қилиб кудукдаги кишини қутқаради, асло уни чоҳга итармайди. Олижаноблар алданиши мумкиндир, аммо саросимага берилмайдилар».

Устоз дедилар: «Олижаноблар барча мумтоз адабий илмларни кенг доирада ўқиб-ўзлаштириб, одоб-қоида билан ўзларини тийиб турсалар, олижанобликка хиёнат қилмаган бўладилар».

Конфуцийнинг Вэй подшолиги маликаси Нан-зи хоним илтимосига кўра унинг ҳузурларига кетаётганини эшиттан толиби Зилу бундан ранжигандек бўлибди. Конфуций (осмонга ишора қилиб) қасам ичиб дебди: «Гар ножӯя иш қылгудек бўлсам, Осмон (Худо)нинг разабига дучор бўлай! Осмоннинг разабига йўлиқай!»

Конфуций деди: «Мўтадиллик ҳам бир турли ахлоқ бўлиб, энг юксаги деса ҳам бўлур. Бироқ одамларда

бундай фазилат камёб бўлиб қолганига анча замонлар бўлди».

Толиби Зигўнг деди: «Бир киши ҳиммат камарин боғлаб, ҳалқа кенг кўламда илтифот кўрсатиб ёрдам кўлин чўзса қандоқ? Чин маънодаги раҳмдиллик) дейиш мумкинdir? Конфуций шундай жавоб бериди: «Қандай раҳмдиллик бўлсин, шубҳа йўкки, бу до-нишмандликдир! Яо ва Шун оқсоқомларнинг, эҳтимолки, аранг шунга қурбилари етгандир. Раҳмдиллик, бу – ҳаётда ўзи эришмоқчи бўлганига байни ўзгалар ҳам муяссар бўлишлари учун улардан ёрдамин аямаслик; ўзининг ақли бокамолини ўйлагани ҳолда ўзгаларнинг ҳам маънан юксалиши ҳакида қайгуришдир. Айни замон ўзгаларга жонкуярлик, ўзини бошқаларнинг ўрнига кўйиб кўриб мулоҳаза юритишлиқ раҳмдилликни рўёбга чиқаришнинг чораи аъмоли дейиш мумкин».

Конфуций деди: «Анъаналарга ворислик қилиб, ўзбошимчалик билан янгиларини яратиб олмай, қадимий маданиятга меҳр кўйиб эътиқод қилишда камина ўзимни енг ичиди Йин (Ин) сулоласи замонидаги аъёнлардан бири Лао Пенгта қиёс қиласман».

Конфуций деди: «Кўрган-эшиттанларини унутмаслик, кунт билан илм олишдан тўймаслик, бошқаларга ўргатишдан чарчамаслик ва хуноб бўлмаслик – мен буларнинг қай бирини қила олдим?»

Конфуций деди: «Ахлоқ-фазилатини тарбияламаслик, билимин мустаҳкамлаб ўргатишга сайд-ҳаракат қиласлик, адолат қаршисида сусткашлик қилишлик,

хатосини тузатмоққа журъат тополмаслик – айни шулар мени ташвишга солади-да».

Устоз Конфуций уйида юмушдан холи бұлғанларидан күринищдан бамайлихотир, очиқ юз-хушфеъл инсон эдилар.

Конфуций деди: «Қартайиб күч-қувватдан қолдим-ку! Жоу Гүнгни қайтиб туш күрмаганимга хийла замонлар бұлды».

Конфуций деди: «Ирода тариқатда («дао»да), асоси фазилатда, таянчи раҳмдилликда, күнгил хушилиги илму хунар-санъатда бұлиши керак».

Конфуций деди: «Шогирдларимга таълимтарбия беришда, улар фикр юритмоқчи бўлишса, тагинам ақди етмай қолган фурсат келмагунича тушунча (турткі) бермай сабр қылдим; сўзламоқчи бўлишса, тагинам аниқ-тиниқ ифодалаб беромай қолган фурсат келмагунча ақл ўргатмай турдим. Масаланинг бир учини чиқарсам-у, шунда ҳам бошқа уч жиҳатини фаҳмлай олмаса, ундейларга қайта ўргатишнинг ҳожати йўқ».

Устоз Конфуций азадор киши ёнида ҳеч вақт таомдан тўйиб тановул қилмас эдилар.

Конфуций қайси бир мотам куни йиғлаган бўлса, ўша кун куйламас эдилар.

Конфуций толиби Ян Юанга шундай деди: «Асқо-тиб қолгудек бұлсам, үз ғояларимни ҳаётта тадбиқ қылардим; фойдам тегмаса, хилватта чекиниб осой-ишта ҳаётимни кечираман. Фақат мен ва сенгина шундаймиз, холос». Бир четда турған толиби Зи-лу сұрабди: «Агар сиз уч құшин бөш күмөндөн бўлиб, жанг қилишингизга тұғри келса, ким билан ҳамкорлик қылган бўлардингиз?» Конфуций шундай жавоб берибди: «Куруқ күлда йўлбарс билан олишмоқчи, яланг оёқ катта дарёдан кечиб ўтмоқчи бўлган, шу қылмиши туфайли ўлиб-нетиб кетишдан пушаймон ҳам бўлмайдиган одамлар билан кенгашиб иш қымлагайман. Мен ҳамкорлик қиласидиган киши, албатта, ҳар бир ишда эҳтиёткор, тадбири бўлмоғи керак».

Конфуций деди: «Агар молу дунё тилаб, кетидан қувиб етиб бўлганида эди, югурдак қамчиндор оғаликни мен ҳам қилган бўла олардим. Магар тилаб топгани бўлмас экан, унда ўзим севган ишимни қиласераман».

Конфуций эҳтиёткорлик билан қараган нарсалар учтадир: парҳез, уруш ва хасталик.

Жан Йоу дёған бир киши: «Устоз Вэй подшосини қўллайдиларми?» деб сұрабди. Толиби Зи-гўнг: «Хўп, яхши, мен у кишидан бориб сурай-чи», дея ичкарига киргач, шундай деб сұрабди: «Бў Йи ва Шу Чи қандай одамлар эди?» •Қадимги фозил кишилардан эди», дебди Конфуций. Зи-гўнг тағин сұрабди: «Уларнинг кўнглида ҳеч афсус-надомат (хусумат) бўлганми?» Конфуций шундай жавоб қилибди: «Улар яқдиллик билан раҳмдиллик фазилатига интилганлар ҳамда раҳ-

мдилликка ноил бұлғанлар. Қандай қилиб тағин надомат бұлсинг?» Зи-гүнг ташқарига чиқиб, ҳалиги кишига: «Хазратим Вәй подшоси (ота-үргіл үртасидаги тоғу таҳт талашуви)ни асло құллаб-кувватламайдылар», дебди.

* * *

Конфуций деди: «Егани қора нон, ичгани қуруқ сув, билагин қайириб ёстиқ қилиб ётса – гар билсанг, ҳузур-жаловат бор айни шунда ҳам. Ноңақ эришилган бойлик-марtabа эса худди осмондаги үткинчи булат кабидир».

* * *

Конфуций деди: «Умрим узайиб, бир неча йил ортиқ яшаёлсам, злік ёштимда «Фолнома» («Үзгаришлар»)ни үрганарадым, шунда катта хатоларим бұлмасмиди».

* * *

Конфуций баъзан «нафис тил»да сұзлар эди, «Назмнома», «Насрнома»ларни мутолаа қылған чөглари ва маросим тартибларини (расм-руsumни) ижро қилишда ҳамма вақт «нафис тил»да сұзларди..

* * *

Ше номли музофот ҳокими Зи Гао отлиқ киши толиби Зи-лудан Конфуцийнинг қандай одам эканнегини сұраганида, Зи-лу жавоб қайтармаган экан. Бундан хабар топған Устоз толиби Зи-луға шундай дебди: «Сен нега мана бундай демадинг: улар (Устоз) шундай кишики, илмга берилгандаридан таомни ҳам унугиб күядылар; қалби қувонганида ғам-андуғни унугидылар; ҳатто үзларининг қарыб мункиллаб қолаёзғанларидан ҳам бехабар. Шугина, холос».

Конфуций деди: «Мен ҳам билимдон бўлиб турилмаганман, қадим маданиятга меҳр кўйган, кунт ва туйғунилк ила илм олгувчи кишиман».

Конфуций гаройибот, зўравонлик, исён ва гойибий (илоҳий) нарсалар ҳақида сұхбатлашмасди.

Конфуций деди: «Уч йоловчи орасида менга устоз бўлғудек бири топилади: унинг аъло томонларини саралаб ўрнак олсам, камчиликларидан ҳам сабоқ чиқариб, хатоларимни тузаттум».

«Арши аълодан менга шундай фазилатлар ато қилинган экан, рақибим Хуан Туй деганлари менга нима ҳам қила оларди?!» деган эди Конфуций.

Конфуций деди: «Шогирдларим, сизларнингча, мен ниманидир сир тутаяпманми? Менинг сизлардан сир сақлайдиган ҳеч вақоим йўқ! Сизларга ошкор қилмайдиган ҳеч нарсам йўқ ахир, айни шудир менинг Кўнг Чю (Конфуций) бўлганим!»

Конфуций шогирдларига тўрт жиҳатдан таълимтарбия берган: адабий-қомусий билим, ахлоқ амалиёти, самимий-садоқатмандлик, лафзи ҳалол бўлишлик.

Конфуций деди: «Донишмандни учратмадим, олижаноб кишини учратолганимда ҳам майли эди». Конфуций яна деди: «Хокисор инсонни учратмадим, қатъият кўрсатиб маънавий фазилатларини, қалби покли-

гини сақлаб қола олган покдомон кишини учратолсам ҳам кифоя. Йүгини бор қилиб күрсатадиган, пуч бұлса түқ қилиб күрсатадиган, қашшоқ бұлган билан үзини бой қилиб күрсатадиган кишиларнинг маънавий фазилатлари (диёнати)ни сақлаб қолишлари амри маҳодидир».

* * *

Конфуций балиқ тутса түр билан тутмас, қуш овла-са уясидаги қушни овламас эди.

* * *

Конфуций деди: «Үзларини билимдон қилиб күрса-тадиган нодонлар ҳам борки, мен бундайлар хилидан эмасман. Күп қулоқ тутдим ва эшитганларим ораси-дан яхшиларини таңлаб зергашдим; күп күрдим-ку-затдим ва эсда сақладим. Бундай эришилган билим •туғма билимдон•ликдан атиги бир поғона қуйироқ-дир».

* * *

Хусяңг деган ерлик кишилар билан тил топишиш ниҳоятда қийин эди. Конфуций үша ерлик бир йигит-ни қабул қылганида, шогирдлари роятда таажжубла-нишибди. Конфуций шундай дебди: «Мен фақат унинг тараққий этишини құллаб-қувватлагайман, таназзу-лини асло маъқул топмасман. Бунинг нимаси қуюшқ-ондан чиқыш? Одамлар қалбларини поклаб (яхши ният билан) ташриф буюрсалар, мен ҳам уларнинг покла-нишларига хайрихохман (Ҳадеб унинг ўтмишига ёпи-шиб олиш ярамайди.). Унинг эртасига эса мен ҳам ка-фил бұлолмайман».

* * *

Конфуций деди: «Раҳмдиллик наҳотки бизлардан шунчалик йироқ бұлса? Раҳмдилликни чин дилдан истасак, унинг ўзи дарҳол етиб келгай».

Кунларнинг бирида Конфуций шундай деган экан:
«Мен нақадар бахтиман-а! Агар хато қилгудек
бўлсам, ўзгалар дарров билиб оладилар».

Конфуций бирор киши билан қўшиқ айтса, агар ўша
киши роса маромида куйласа, албатта, ундан яна куй-
лаб беришини сўрарди, сўнгра ўзи ҳам у кишининг
оҳангига эргашиб хиргойи қиласарди.

Конфуций деди: «Адабий билимларда менинг ўзга-
лардан деярли унчалик фарқим йўқ. Ўз тажрибаси-
дан ўтказиб, бор кучи билан амалда кўрсатадиган оли-
жаноб бўлишга келсак, бу олий мақомга мен ҳануз эри-
шолганимча йўқ».

Конфуций деди: «Донишманд ва раҳмидил кишилар
ҳақида сўз очилса, менинг бундай аталишга асло ҳад-
дим сифмайди. Бироқ илм олишдан безор бўлмайди-
ган, ўзгаларга таълим-тарбия беришдан чарчамайди-
ган кишиман, холос». Буни эшитган толиби Гўнг Си-
хуа шундай дебди: «Толиб бўлиб ҳануз ўрганолмага-
нимиз ҳам айни мана шудир!»

Конфуций оғир бетоб бўлиб қолганида, толиби Зи-
лу ибодат қилишларини ўтиниб сўрабди. Конфуций:
«Шундай ишлар ҳам бўлурми?» дебди. Зи-лу жавоб
бериб дебди: «Шундок, Устоз. Ахир «Таъзиянома» да
айтилганки: «Сенинг учун Осмон ва Ер илоҳларига ибо-
дат қиласман!» Буни эшитган Конфуций шундай деб-
ди: «Кўнг Чю (Конфуций) жуда узоқ ибодат қиласан».

Конфуций деди: «Ортиқча зебу зийнат ва исроф-гарчилик кишини кибру ҳавога буркайди; тежамкорлик ва сиполик бұлса кишини ночор-нотавон құрса-тиши мүмкин. Такаббурлиқдан күра нотавон күри-нишлиқ афзалроқдир».

Конфуций деди: «Олижаноблар бағрикенг бұлар, тор күнгилли худбинилар эса ҳасратда куяр».

Конфуций табиатан хүшфеъл бўлиши билан бирга талабчан, салобатли ҳамда мулоим, хокисор ва ваз-мин киши эдилар.

Конфуций деди: «Бек Тай Буни ахлоқ-фазилатда юк-сак мақомга етган дейиш мүмкин. У уч бора салтанат таҳтини құшқұллаб кеңжа ииниси Жи Ли ижтиёрига топ-ширган экан. Авом ҳалқ уни васф этмоққа муносиб сүз тополмай хижолат эмиш».

Конфуций деди: «Иzzат-икромни канды құлмайди-ган тавозели ва лекин беадаб бұлса, жафокащдир; әхтиёткор яшаган билан ва лекин беадаб бұлса, воҳ-ма-куён юракдир; довюрак ва ҳам беадаб бұлса, сер-ғалва тұпалончи бұлыб қолади; ростгүй ва ҳам беадаб бұлса, оғузабон-дилозордир. Олижаноблар аввало ўз яқынларига самимий-садоқатли бұла олишса, авом ҳам бундан руҳланиб раҳмдиллиги уйғонгай; олижаноблар қадрдон кишиларини эсдан чиқармаса, авом ҳам со-вүққон-бағритош бұлмагай».

Оғир дардга чалиниб, ўлыми яқынлашганини сез-ган толиби Зенг-зи, шогирдларини ёнига чорлаб деб-

ди: «Оёқларимга бир қаранг! Кұлларимга боқинг! «Назннома»да шундай дейилган: «Эҳтиёт бўл, эҳтиёт! Гўё тубсиз чоҳ лабида тургандек! Гўё омонат муз устида юргандек!» Бундан буён менга ортиқ бирор зиён-захмат етмаслигига ақлим етиб турибди, шогирдларим!»

* * *

Зенг-зи бетоб булиб қолганида, (сиёсий раҳиби) Менг Жингзи отлиқ киши ундан хабар олгани келибди. Зенг-зи унга шундай деган экан: «Ўлаёттан қушнинг сайрапши мунгли-аянчили; ажал түшагидаги кишининг сўзлари хайриҳоҳликдир. Олижаноблар ҳаёти умрида аҳамият бериши керак бўлган адаб масаласи учтадир: доимо очиқ юз, самимий бўла олса, ўзгаларнинг қўполлик ва беҳурмат қилишларининг олдини олган бўлади; салобатли ва вазмин бўлса, ишончга яқинлаштиради; сўзу оҳангига ҳамиша дикқат қўлса, калтафаҳмбетарбияликдан йироқ бўлади. Курбонлик масаласига келсак, табиийки, маросимлар котиби бор».

* * *

Зенг-зи (дўсти Ян Юанга ишора қилиб) шундай дебди: «(Вақти келса) ўзи иқтидорли бўла туриб салоҳиятсиз кишилардан ҳам маслаҳат оларди; билими теран бўлса-да, билими саёз кишилардан маслаҳат сўрапдан ор қилмас эди; илмли-ю гўё илмисиздек, билимга лиммо-лим, гўё ичи бўшдек; бошқалар унинг дилини бесабаб раңжитсалар ҳам у баҳслашпи ўтирмасди. Бир замонлар менинг шундай дўстим бўлар эди».

* * *

Зенг-зи олижаноб инсон ҳақида галириб шу дай деди: «Сағир гўдакни унинг ихтиёрига топширса ўлади; юз чақиримли эл тақдирини унга ишониб то риш мумкин; оғир синовларга дуч келганда ҳам лакатнинг ҳаёт-мамот масъаи бўладиган да ҳам иродасини букма... Бундай одамни ол ноб деса буладими? У, шу үзасиз, олижанобдир...

Зенг-зи деди: «Зиёли одам кенг феъл, метин иродали бўлмаслиги мумкин эмас; вазифаси оғир, йўли эса олис. Чунки раҳмдилликни қарор топтиришни ўзининг муқаддас бурчвазифаси деб билар экан, наҳот оғир бўлмасин! Сўнгги нафасгача олга интилишдан (ниятидан) қайтмайди, тагин олис бўлмасинми!».

Конфуций деди: «Назмнома» хоҳиш-иродамизни руҳлантиради, одоб-ахлоқ мавқеимизни мустаҳкамлайди, куй инсоний фазилатларни камолга етказади».

(«Шеър – қалб қўрининг қалови, одоб-ахлоқ – мавқеустуни, куй – инсоний фазилатлар тоблантирувчиси».)

Конфуций деди: «Авом ҳалқни жўяли ишга сола олиш мумкин, бироқ нима учунлигини уларга тушунтириш мушкул».

Конфуций деди: «Мардликни севиб, қашшоқликдан ҳазар қилишилик ҳам бир турли бало; бераҳмлардан ҳаддан ортиқ нафратланиш ҳам бир балои оғатдир».

Конфуций деди: «Бирор киши Жоу ҳукмдорлари-дек ажойиб иқтидор ва маҳорат соҳиби бўлган билан, агар такаббур ва баҳил бўлса, унинг қолган афзалликлари ҳеч вақога арзимайди».

Конфуций деди: «Неча йиллар илм олиб, ҳаргиз тарик (амалдор бўлиб мўмайгина маош) муддаосини қилмаган кишини учратиш амри маҳолдир».

Конфуций деди: «Эътиқодни мустаҳкамлаб, қунт билан илм олиб, жон тикиб эзгуликдек улур йўлни қаттиқ ҳимоя қилинг. Хавф-хатарга тўла элга йўламанг, исён-хунрезликлар авж олган элда яшаманг. Осмон ости (салтанат) осойишталигида юз кўрсатинг, нотинчлик хукм сургандা хилватта чекининг. Давлатнинг сиёсати чароронлигида қашшоқлиги устига тарин ҳақир бўлиб қолавериш исноддир; давлат сиёсати зулматга чулронганида бойлик орттириб, мартабали бўлиб олиш ҳам иснотдир».

Конфуций деди: «Вазифангта кирмаган ишга режа қилма».

Конфуций деди: «Бемаъни ва райир, гўр ва кув нијатли, кўринишдангина самимий, лафзида турмайдиган кимсалар, билмадим, нима учун шундай экан».

Конфуций деди: «Илмни тутиб олмаса асло бўлмайдигандек қувлаш, етишгач эса бой бериб кўйишдангина қўрқиш керак».

Конфуций деди: «Нақадар олижаноблик! Шун ва Ю оқсоқоллар бутун салтанатга эга бўлиб ҳам қилча ўз манфаатларини кўзламабдилар».

Конфуций деди: «Ю оқсоқол ҳақида мен бирор танқидий фикр айтишга ожизман. Емак-ичмаги ноchor бўлса-да, энг яхши нарсаларни ихлос билан илоҳ ва руҳлар учун қурбонликка атарди. Одатда, эгнида одигина кўйлак, маросимлар чорида эса устида гузал

шоҳи гулдор либосу бошида тож. Тураг жойи пастак-кина кулбаи кошона бўлса-да, бор кучини ариқ қазиб элу юрт ободлиги учун сарфлаган. Шунинг учун оқсоқол Ю тўғрисида танқидий сўз айтишга ожизман».

Устоз Конфуций манфаатдан камдан-кам сўз очардилар, тақдир ва раҳмдиллик фазилати ҳақида суҳбат куришни маъқур кўрадилар.

Бир киши: «Конфуций чиндан ҳам нақадар улур-а! Фоят билимдон бўлса-да, бирор касб-хунар билан ном чиқармаган», дебди. Конфуций буни эшитгач, шогирдларига шундай деган экан: «Мен нимани ўрганай? Аравакашликними? Ёхуд ёяндоликними? Таrinам аравакашликни ўрганганим маъқулми дейман».

Конфуций тўрт иллатдан сақланган: хомхаёлларга берилиш (асоссиз қиёс қилиш), фаразгўй-нохолис бўлиш (мутлақ бўлганни эътироф этмаслик), ўз фикрида кўрслик қилиб туриб олиш, фақат ўзинигина ҳақ деб билиш.

Конфуций Куанг деган ерда қуршовда қолганларида шундай деган экан: «Подшо Жоу Вэн Ванг вафотидан сўнг Жоу сулоласининг маданияти менда қолмабиди?! Агар Тангри бу маданиятнинг таназзулини ихтиёр этганида камина уни эгаллай олмаган бўлардим. Модомики, Тангри бу маданиятнинг заволин истамас экан, куангликлар менга нима ҳам қила оларди?!»

Тайзай (вазир) толиб Зи Гўнгдан: «Конфуций авлиё одамми? У қандай қилиб бунчалар серқирра истеъ-

дод сохиби була олган?» деб сүрабди. Толиби Зи Гүнг шундай дебди: «Бу Тангри уни ҳам авлиё, ҳам ҳамма ишга моҳир қилиб яраттанилигидан». Бундан хабар топған Конфуций: «Вазир мени қайданам билсин? Мен ёшлигимда мұхтожликда яшадим, шунинг учун қора меңнат қилиб анчагина паст касб-хунарларни ҳам згаллаб олдим. Юқори мартабали олижанобларда шунчалик хунар нима қылсın?! Унчалик күп бўлмайдиёв!», деган экан.

* * *

Толиби Зи-лао Конфуций ҳақида шундай зикр қиласи: «Устоз: «Мени амалдорликка тайинламагунила-рича бурунроқ кўп ҳунарларни ўргандим», деган эди».

* * *

Конфуций деди: «Мен билимлимамми? Ҳақиқатан нодонман. Бир деҳқон мендан баъзи бир нарсаларни сұраганда, каллам тамоман бүм-бўшдек эди: ҳеч ни-мани уқмадим. Бироқ саволнинг тафсилоти ҳам ўнгу сўлини суриштириб билганимдан сўнг менинг бера-диган жавобим тайин бўлди».

* * *

Конфуций мотам ва маросим либосидаги ҳамда кўзи ожиз кишиларни кўрганда, улар ёш бўлса ҳам; албатта, ўрнидан туради. Уларнинг қаршисидан ўта-ётганда, албатта, қадамларини тезлатарди.*

* Конфуцийнинг аслиятдан таржима қилинган мазкур «Мұхокама ва баён» (ёки «Ҳикматлар мұхокамаси»— таржимон) асари мемуар, тазкира асар хусусиятларига эга. Ушбу асар Конфуций яшаган замон ҳақида батафсилоқ маълумотларга эга бўлишибиз учун қимматли манба ҳамдир. Унда давр руҳи инсонларнинг ўзаро муносабатлари ва тақдирлари орқали акс эттирилади. «Мұхокама ва баён»— бошдан-оёқ дидактик руҳдаги асар.

* * *

Конфуций жюйи қабилалари яшайдиган ерга күчмоқчи бұлғанида, бир киши: «У ердагилар ниҳоятда қолоқ-ку, қандай яшайсиз?» деб сұрабди. Конфуций шундай жавоб қылған экан: «Олижаноб киши ул ерда истиқомат этса, қолоқликдан ортиқ асар қолармиди?»

* * *

Конфуций дарә қирғида туриб шундай деган экан: «Вақт мисоли дарә сувидек: кеча-кундуз тұхтамай оқиб үтаверади».

* * *

Конфуций деди: «Мен гүзіллікни севгандек ахлоқ-ни севадиган кишини учратмадим».

* * *

Конфуций толиби Ян Хуэй ҳақында гапираётіб, унга бақо беріб шундай деган экан: «Аттанг, у ёш қазо қылди! Мен унинг тұхтамай фақат олға интилганини күрдім, асло тұхтаган фурсатини күрган эмасман».

* * *

Конфуций деди: «Кишилар билан муносабатда ді-әнатли ҳам самимий бұлинг, ваъдага вафо қилинг. Ахлоқ-фазилатда үзингиздек бұлмаган кишилар билан дүст бұлманг. Қылған хатоингизни тузатишдан күркманг».

* * *

Конфуций деди: «Қүшин саркардасини үзгартыриш мүмкін, лекин оддий бир одамни иродасини үргартыришга мажбурлаб бұлмайди».

Конфуций деди: «Эгнида күна-ямоқ чопонли асл тулки терисидан тикилган зарбоф кийган киши билан бирга турса, ҳеч хижолат бўлмайди. Бундайлардан фақат шогирдим Жўнг Йоу бир ўзи қолгандир, балким? Худди «Назмнома»да айтилганидек: «Ҳасад қилмаса, очкўз бўлмаса, қандоқ ёмонлиги бўлсин, ахир?» Зи-лу (Жўнг Йоу) умр бўйи бу икки жумла шеърни ёд этиб юрди. Конфуций тагин шундай дебди: «Бу икки жумла шеърни ёдда сақламоқ лозим. Шундоқ бўлса-ю, тагинам қандай қилиб яхшиликда бекаму куст ҳисобланмасин?»

Конфуций деди: «Қора қиши келибгина, энг сўнгига қарагай (оригир синовларга бардош бериб) баргларини тўгадиганлиги билинади».

Конфуций деди: «Доноларда шубҳа, раҳмдил одамда ғам-ғусса, мард одамда қўркув бўлмайди».

Таом тановул қилаётган маҳал бирор билан гаплашилмайди, ухлаёттанди ҳам сўзланмайди.

Яхшилаб солинмаган бўйра устида ўтириб бўлмайди.

Конфуций ўзга элдаги дўстига салом йўмаганда, саломини етказувчи кишига икки марта таъзим қилиб, шундан сўнггина уни йўлга кузатар экан.

Кунларнинг бирида қўтонга ўт кетганда, Конфуций үрдага қайтиб келибди-ю: «Ҳеч кимга зарар етмадими?» деб сўрабди. Отлар ҳақида сўз ҳам очмабди.

Бек Конфуцийни ҳузуринга чорласа, арава тайёр бўлишини ҳам кутиб ўтирмай, ўзи олдин пиёда йўлга тушарди.

Биродари ўлиб, охиратлигини бажарадиган кишиси бўлмаса, Конфуций: «Дафн маросимларини ўзим адо этгум», дер экан.

Конфуций деди: «Аввал одоб-тузукларни ўрганиб, сўнгра амалдор бўлганлар авом халқ орасидан чиққан кишилардир; аввал амалдор бўлиб олиб, сўнгра одоб-тартибларни ўрганадиганлар оқсуяк-амалдорларнинг фарзандларидир. Агар истеъдодиларини танлашга тўғри келса, мен, албатта, аввал ўрганиб, сўнг амалдор бўлганларни танлардим».

Конфуцийнинг шогирдлари орасида ахлоқли ҳам фазилатилари-да бор эди: Ян Юан, Мин Зичиен, Ж(р)ан Бў Ню, Жўнг Гўнг; сўзамол воизлари-да бор эди: Зай Вў, Зи Гўнг; моҳир амалдорлари-да бор: Ж(р)ан Йоу, Жи Лу; шунингдек, қадимги адабиётларни пухта эгаллашга ўзини бахшида қилганлари ҳам бор экан: Зи Йоу, Зи Ся.

Конфуций деди: «Ян Хуэй толибим менга ёрдам бера олмайдиган кишидир, чунки ҳикматларим орасида бир калима ҳам йўқки, унинг кўнглига хуш ёқмаса».

Жи Канг Зи исмли бир киши сўради: «Толибларингиз ичидагайси бирининг билимга иштиёқи зўр?» Конфуций шундай жавоб берибди: «Бир Ян Хуэй отлиқ толибим ҳақиқатан билим гадосидир. Бахтга қарши, у қисқа умр кўрди. Ҳозирда унингдек билим мухиблари қолмади».

Толиби Зи-лу: «Ўлим қандай ҳодисот?» деб сўради. Конфуций: «Ҳаётнинг моҳиятини тушунмаган одам ўлимнинг маънисини қайдан билсин?!» деб жавоб берибди.

Конфуций Куанг деган ерда муҳосарада қолганида, толиби Ян Юан энг охири қочиб кутулган экан. «Мен сени ўлган деган хаёлга бориб юрибман», дебди уни кўрган Конфуций. Толиби Ян Юан жавобан шундай дебди: «Сиз ҳамонки омон-эсон экансиз, менинг аввал ўлишта қандай ҳаддим сирксин».

Сима Ню деган киши раҳмдилликнинг нима эканligини сўраганида, Конфуций шундай жавоб берибди: «Раҳмдил кишилар андиша қилмай гапирмайдилар». «Демак, нимаики ҳақида ўйламай-нетмай сўзламаслик, бу раҳмдиллик экан-да», дебди Сима Ню. «Раҳмдилликка мувофиқ иш қилмоқ мушкул бўлсин-у, сўзлаганда эҳтиёт бўлолмайдими?!» деб жавоб берибди Конфуций.

Сима Ню, қандай қилсагина олижаноб ҳисобласа бўлади, деб сўраганида, Конфуций шундай жавоб берибди: «Олижаноблар тушкунликка-қайғуга берилмайдилар, қўркув-ваҳимага тушмайдилар». Сима Ню яна

сұрабди: «Қайғуга ботмаса, құрқувни билмаса, бундайларни олижаноб ҳисобласа бұлар экан-да?» Устоз Конфуций: «Үзининг хатолари устида ўйланса, оққүнгил бұлса, тарин нимадан ҳам қайғуриб, нимадан ҳам ҳай-иқсин?» деган экан.

* * *

Бек Чи Жинг Гүнг элни қандай идора қилишни сұраганида, Конфуций шундай жавоб берібди: «Элни идора қилиш учун подшоқ — подшоқдек бұлиши, вазир — вазирдек бұлиши, ота бұлмиш — отадек, үғил — үғилдек бұлиши керак». Чи Жинг Гүнг шундай дебди: «Бу сұзлар ниҳоятда тұғри айттылған! Агар подшоқ — подшоқға үхшамаса, вазирнинг вазирлик суроби бұлмаса, ота — отага, үғил эса үғилға үхшамаса, гарчи еярга нон-ошлирим бұлса ҳам, туз totиш насиб қиласыди?»

* * *

Лу беги Жи Канг Зи қароқчи-үғириларнинг құпайиб кетганидан ташвишга тушиб, Конфуцийдан бунинг бирор чорасини сұрабди. Үнга Конфуций шундай дебди: «Агар сенинг үзинг мол-дунёға үч бўлмасанг, марҳаматли бўлсанг, ҳеч бир зор үғри-талончиликка қўл урмагай».

* * *

Жи Канг Зи исмли бир киши Конфуцийдан давлатни қандай идора қилиш кераклигини сұраб дебди: «Агар ахлоқсиз-бебурд кимсаларни ўлдириб, ахлоқли кишиларга яқынлашса, қандай бўлади?» Конфуций үнга шундай жавоб берібди: «Сен элни идора қыммоқчи бўлсанг, одам ўлдиришнинг нима кераги бор? Фақат иложини топиб, эзгу амаллар билан давлатни идора қила олсанг, авом ҳам ўз-ўзидан яхшиланади, мамлакат обод бўлади. Олижанбларнинг фазилати бамисли шамол бўлса, куйи кишилар (фақиры фуқаро)нинг

фазилати майса кабидир: шамол қаёққа елписа, майса ҳам ўша ёққа оради».

* * *

Ян Чи деган бир киши раҳмдилликнинг нима эканлигини сўраганида, Конфуций шундай жавоб берибди: «Рахмдиллик, бу айни бошқаларни севишдир!» Ян Чи яна: «Оқиллик (денишмандлик) нимадир?» деб сўрабди. «Оқиллик, бу айни одамларни моҳирлик ила фарқлай билишдир!» деб жавоб берибди Конфуций. Ян Чи бунинг маънисини тушунмагач, Конфуций шундай дебди: «Ҳалол, вижданли кишиларнинг мавқенини ошириб, виждансиз, разил кимсалар устига қўйилса, уларни ҳам инсофга чақириб, диёнатли қила олади». Ян Чи чиқиб кетгач, Зи Сяни учратиб қолиб дебди: «Ҳозиргина Устозни курдим. Ул зотдан оқилликнинг нима эканлигини сўрагандим, «Ҳалол, вижданли кишиларни ўрлатиб, нопок, виждансизлар устига қўйса, уларни ҳам инсоф-диёнатли қила олур», дедилар. Бунинг маъниси недир?» Толиби Зи Ся шундай жавоб қилибди: «Бу сўзлар нақадар пурмаъно! Шун ва Танг подшоҳлар бутун салтанатга эга бўлгач, халқ орасидан салоҳиятли кишиларни танлаб олиб, уларнинг мартабасини оширибди, шунда беражм кимсалар мамлакатни тарк этиб, олисларга қочибди, юрга раҳмдил кишиларнинг қадами кутлуғ келибди».

* * *

Толиби Зи Гўнг: «Дустта қандай муомала қилган маъкул?» деб сўраганида, Конфуций шундай жавоб берибди: «Унга чин кўнгилдан насиҳат қилгин, сабр-тоқат билан тушунтиргин. У сўзларингта кулоқ солмаса ҳам майлига, ўзингни ҳақоратламагин».

* * *

Толиби Зи-лу элни қандай идора қилишни сўраганида, Конфуций: «Аввало, ўзи бош-қош бўлиб, ундан

сүнг фуқароларни тиришиб ишлашга ундаңың керак, деб жавоб берилди. Зи-лу устози Конфуцийдан бұ ҳақда янада күпроқ сұзлашни сұраганида, ул зот: «Сүсткәшлик ҳам танбаллық қылмагин», дедилар.

* * *

Конфуций деди: «Хүкмдорнинг ўз фазилати дуруст бұлса, амр этмаса ҳам, авом халқ ижро қылади. Ўз фазилати нодуруст бўлса-ю, қаттиқ амру фармон берган билан фуқаролар итоат қылмайдилар».

* * *

Конфуций Вэй беклигига борганида, унинг от-аравасини Ж(р)ан Йоу исмли шогирди ҳайдаб борибди. «Вэй беклигига одамлар мунчалар кўп бўлмасал» дебди Конфуций. Толиби Ж(р)ан Йоу: «Аҳоли кўпайғандан кейин нима қилиш керак?» деб сўрабди. «Уларни давлатманд-фаровон қылмоқ керак», деб жавоб берилди Устоз. Толиби Ж(р)ан Йоу яна сўрабди: «Давлатни ҳам қилдик, сўнгра тарин нима қилиш керак?» Конфуций шундай дебди: «Уларга таълим-тарбия беринглар».

* * *

Конфуций деди: «Агар кимдир мени элни идора қилишга тайинласа, бир йилдаёқ баҳарнав янгилик киргизаман, уч йилда, сўзсиз, катта муваффакиятлар қозонаман».

* * *

Конфуций деди: «Оқсунгил киши элни юз йил идора қылса, жаҳолатни йўқотиб, ўлим жазосини (жазойи ясокни) бекор қылади. Ушбу гап ниҳоятда тўғри айтилган!»

* * *

Конфуций деди: «Элу юрт фаровонлигини деб шоҳ бўлган киши ўттиз йилдан сўнг ҳам раҳм-шафқатли сиёсат юргизиши керак».

Конфуций деди: «Ўзини тарбия қила олган киши учун элни идора қилишнинг нима қийинчилиги бўлсин? Агар ўзининг қилмишини тузата олмаса, унда ўзгаларнинг фазилатини қандоқ қилиб тузатсан?!. .

Бек Лу Дингтунг: «Бир оғиз сўз билан элни обод қиласа бўлармиш, шундайми?» деб сўраганида, Конфуций шундай жавоб берибди: «Бир оғиз сўздантина бунчалик улкан натижаларни умид қилиб бўлмайди. Одамлар демиш: «Бек-хон бўлмоқ қийин, вазир бўлмоқ ҳам осон эмас». Агар бек бўлиб элни идора қилмоқнинг қийинлигини билган киши бир оғиз сўз билан элни обод қилмоқ мумкинлигига жуда яқин келган бўлмасми?. Лу Дингтунг яна сўрабди: «Бир оғиз сўз билан элни хароб қилмоқ мумкин змиш, бу қанчалик ҳақиқатта яқин?» Конфуций шундай жавоб берибди: «Бир оғиз сўзнинг бунчалар даҳшатли оқибатлари бор, деган гаразга бориш ҳам ярамайди. Бир одам демиш: «Мен ўзимнинг бек бўлишимдан кувонмай, фақат нима десам, қаршилик қилишга журъат топгудек одам ҳам йўқлигини хурсандчилик деб қарайман». Агар сўз тўғри-ўринли бўлса, ҳеч ким унга қарши чиқмайди, бу энг яхши бўлгани эмасми? Агар сўз тўғри бўлмаса ва ҳеч ким эътиroz билдирамаса, бу ҳам бир оғиз сўз билан элни хароб қилиш эҳтимолига яқин келган бўлмасми?.

Конфуций деди: «Олижанобларнинг кўл остида ишламоқ осон, лекин уларнинг меҳр-муҳаббатига ноил бўлмоқ мушкул. Мувофиқ йўллар билан унинг меҳрини қозонмоқнинг ҳеч ҳожати йўқ, у буни ёқтирумайди; одамларни ишлатишга келганда, у ҳар кимнинг куч-иқтидорига қараб вазифасига қўяди. Худбинларнинг кўл остида ишламоқ жуда қийин бўлса ҳам, уларга

ёқиши хамирдан қыл суғургудек. Түрги йүл билан эмас, бир номаъкулчилик қилиб ҳам күнглига ёқиб, уни хурсандаң қылса булади; одамларни ишлатишга келгандан, кишиларни күч-иктидорига қараб вазифага қўймайди ҳам қылдан қийиқ ахтариб, ишни қойиллатмадинг деб ёзгираверади».

Конфуций деди: «Иродаси кучли, қатъиятли, соддадил, сўзда эҳтиёткор бўлган тўрт хил фазилатга зга кишилар раҳмдилликка яқин келади».

Конфуций деди: «Оқкўнгил киши халқقا йўлбошлийлик қилиб етти йил таълим берса, ҳатто ундан кўшин тушиб жангта ҳам сололади».

Конфуций деди: «Ҳарбий таълим кўрмаган халқни урушга йўллаш уларни бекордан-бекорга ўлим чангалига тутиб берган баробар».

Толиби Юан Сиен: «Иснод нимадир?» деб сўраганида, Конфуций: «Мамлакат (эл) сиёсати мунашвар (қонунга мувофиқ) бўлганда, амалдор бўлиб, маошопшиқ (таъминот) олса булади; мамлакат сиёсати зулматга (жаҳолатга) чулғанганда, амалдор бўлиб, маошопшиқ (таъминот) олиш исноддир», деб жавоб берибди. Толиби Юан Сиен яна сўрабди: «Иззатталаблик, мақтанчоқлик, адсоват ва баднафслик каби тўрт иллатдан ўзини тия олган, хиёнат қилмаган кишини раҳмдил ҳисобласа бўладими?» Конфуций: «Бундай фазилатга эришмоқ анчайин машакқатли дейиш мумкин. Раҳмдиллик мақомига етган-етмаганлигига келсак, бунда мен ҳукм қила олмайман», деб жавоб берган экан.

Конфуций деди: «Толиблар ўзининг оромбахш оила турмушкидан ҳаддан ортиқ меҳрини узолмаса, шогирдликка ярамайди».

Конфуций деди: «Давлатнинг сиёсати равшан ва одил бўлса, сўзу амол дуруст бўлади. Давлат сиёсати зулматга чулғаниб жаҳолатга ботса, ҳаракати дуруст бўлса-да, сўзда тубан бўлади».

Конфуций деди: «Фозил киши бамаъни сўзлай олади, лек маъноли сўзлай оловчи кимсанинг ахлоқли бўлмори номаълумдир. Раҳмдил одамнинг мард бўлиши муқаррар, лек журъатли кишининг раҳмдил бўлмори мубҳамдир».

Конфуций деди: «Олижаноб одамлар орасида раҳмдиллик қиласмайдиганлари онда-сонда бор, бироқ худбинлар орасида раҳмдиллик қила оладиганлари йўқ».

Конфуций деди: «Қашшоқликда гина-адоватнинг бўлмаслиги мушкул, гарчи бой бўлганда мағрурликдан сақланмоқ осон».

Толиби Зи-лу: «Қандай қилиб комил бўлиш мумкин?» деб сўраганида, устоз Конфуций шундай жавоб қилибди: «Агар вазир Занг Вужўнгнинг донолиги, Менг Гўнгчуўнинг диёнати, Биен Жуангзининг мардлиги, толибим Ж(р)анг Чионинг серқирра маҳоратига эга бўлса, яна одоб-йўсин или адабий истеъодини ўстириб, қалами чархланган бўлса, бундайларни бир комил инсон деса бўлади». Конфуций сўзлашда давом этиб,

яна шундай дебди: «Ҳозирги комилликка интиувчи-лар, сўзсиз, мана шундоқ булиши керакми? Мол-дунёни кўрганда аввало адолатни ўйласа, мушкулотта йўлиқканда фидокорлик қила олса, узок муддат қашшоқлиқда ҳам кўзлаган олий мақсад-ваъдасини унутмаса, бундайларни яна ҳам комил инсон деса бўлади».

Конфуций деди: «Агар бирор киши истиҳола қилмай катта гапирса, унинг кўлидан бир иш келмори амри маҳолдур».

Конфуций деди: «Олижаноблар раҳм-шафқатга молик бўлади. Худбинлар эса мол-дунёнигина билади».

Конфуций деди: «Қадимги илм аҳди ўз билимини оширмоқ учун таълим олишган, ҳозиргилари бўлса ўзгаларга кўз-кўз қилиш учунгина таҳсил оладилар».

Конфуций деди: «Олижаноблар учун кўп гапириб оз иш қилиш — исноддир».

Конфуций деди: «Олижанобларнинг мундоқ оғишмайдиган уч маслаги бўлади, мен уларнинг бирортасига ҳам амал қила олмадим: раҳмдил кишилар фам-қайгудан ҳоли бўлади, доно кишилар эсанкираб қолмайди, ҳақиқий мардлар кўркув билмайди». Буни эшитган толиби Зи Гўнг шундай лутф қилган экан: «Бу сўзлар айни Устознинг камтарлигидан нишона!»

Толиби Зи-гўнг одатда бошқаларни гийбат қилиши яхши кўрар эди. Бир куни Конфуций унга шундай

деган экан: «Эй, толибим Ци (Зи-гўнг), сенинг шу қилинг яхшими? Менинг бўлса бунга бекор вақтим йўқ!»

Конфуций деди: «Бошқаларнинг ўз иқтидорини англамасликларидан ғам чекмайман, уларнинг мени билмасликлари ҳам хавотирга солмайди, балки ўзимда иқтидорнинг йўқлигидан ташвишланаман».

Конфуций бир куни шундай дебди: «Мени билгувчи кимса йўқ!» Толиби Зи-гўнг сўрабди: «Қандоқ қилиб Сизни ҳеч ким билмасин?» Шунда Конфуций жавоб бериб дебди: «Тангридан ёзғирмадим, бандасидан ранжимадим, ҳаётдаги воқеалар сабоқ бўлди ҳам Ҳаққа олиб чиқди. Шунга мени билгувчи фақат Тангри бўлса керак».

Конфуций деди: «Олий мартабадагилар одоб-қоидага амал қиласа, авом ҳалқни бошқармоги, меҳнатта сафарбар этмоғи осон бўлади».

Биродари Юан Ж(р)анг икки оёғини узатиб, кериб ўтирганча* Конфуцийни кутаётса, Конфуций келиб қолиб, унинг бундай одобсизлигини кўриб: «Кичиклигингда кулоқсиз, гаптуқмас эдинг, улғайиб ҳам ҳеч бир нафинг тегмади, қариб-чуриб ҳам яна тинчгина үлмай юрасан, ҳақиқатан, бир зааркунандасан», дебди-ю, ҳасса-таёғи билан Юан Ж(р)ангнинг болдирига бир урган экан.

*Ерга ўтириб, икки оёғини қийшайтириб узатиш; оёғиари-ни кериб ўтириши. Қадимгилар бу хил ўтириш-түршини мен-симаслик, одобсиз... кининг бир ифодаси деб ҳисоблашган.

Конфуций Чэн давлатида нон-туздан узилибди, унга ҳамроҳ бўлиб юрган шогирдларининг барчаси оч-на-ҳорликдан касалга чалинибди: уларнинг оёққа туришга ҳам мадори етмасди. Толиби Зи-лу юз-кўзида маҳ-зунлик зоҳир бир ҳолда Устози Конфуцийни кўргани келибди-ю, ич-ичидан эзилиб шундай дебди: «Олижа-нобларнинг бошида ҳам шундай кўргиликлар борми-ди?» Буни эшитган Конфуций шундай дебди: «Олижа-ноблар муҳтожликни ҳам хотиржамлик билан қарши оладилар. Худбинлар муҳтожликка йўлиқдими, шу заҳоти номаъқулчилик қиласидилар».

Конфуций деди: «О, толибим Ци! Сен мени кўп ўқиб билимдон бўлган деб ўйлайсанми?» Зи-гўнг жавоб бе-рибди: «Ҳа-да! Аслида ҳам шундай эмасми?» Конфу-ций дебди: «Асло. Мен асосий нуқтаи назарим билан уларни бир ипга тиза олган кишиман, холос».

Конфуций деди: «Шогирдим Жўнг Йоу, ахлоқ-фа-зилатни тушунадиган одамлар ниҳоятда камёб бўлиб қолганидан куйинаман!»

Конфуций деди: «Иродали ҳам инсонпарвар зотлар асло ширин жонини сақлаб қолиш пайида ўз виждо-нини сотиб раҳмдилликка зиён етадиган ишлар қи-майди. Аксинча, ўзини қурбон қилиб бўлса ҳам раҳм-дилликни рўёбга чиқарадилар».

Толиби Зи-гўнг қандай қилиб раҳмдилликни рўёб-га чиқармоқ мумкинлигини сўраганида, Конфуций шундай жавоб берибди: «Ишчи ишини қойилмақом қилиб бажармоқчи бўлса, аввал меҳнат қуролларини

созлаб олмори керак. Ўзи яшаётган элнинг амалдор-тұралари орасидаги оқыл-фозил кишиларни хурмат қилмоқ, зиёлилар орасидаги раҳмдил кишилар билан дүстлашмоқ керак».

* * *

Конфуций деди: «Агар кимки узоқни ўйламаса, ғам-кулфатта яқинлашган бўлади».

* * *

Конфуций деди: «Бўлди, бас! Мен гўзал фазилатни соҳибжамолни севгандек яхши кўрган кишини сира учратмадим».

* * *

Конфуций деди: «Занг Вэн Жўнг амалорлик ўрни-ни зўрлик билан эгаллаб олган экан. У Лю Сяхуэйнинг донишмандлигини билиб туриб, уни амалорликка тайинламабди».

* * *

Конфуций деди: «Айбни ўзингиздан изланг, ўзга-ларни кам айбситинг. Шундай қилинсагина одамлар-нинг адсоватидан сақлайди».

* * *

Конфуций деди: «Бирор ишга йўлиқтудек бўлса, «Энди қандоқ қиласми? Нима қилиш керак?» демай-диган кишига нисбатан мен ҳам нима қилишни бил-майман».

* * *

Конфуций деди: «Уззу кун одамлар ила кунини ўтка-зувчи, айтганларида мантиқча тўғри келадиган бир нима йўқ, бебурд, ўзини доно кўрсатиб суюнадиган одамни ҳақиқатан тарбият қилмоқ мушкул».

Конфуций деди: «Олижаноб одамлар ўзида иқтидор йўқлигидан чўчийди, ҳаргиз бошқаларнинг ўзини тушунмасликларидан хавотирга тушмайди».

Конфуций деди: «Олижаноблар ўзидан яхши ном қолмаслигидан хавотирланадилар».

Конфуций деди: «Олижаноб киши ҳамиша ўзига суннади, худбинлар бўлса бошқаларнинг кучига».

Конфуций деди: «Олижаноблар ўзини сипо тутадилар ҳамда ўзгалар билан низо-ихтилофга бормайдилар. Аҳли жамоага эл бўлади, асло бир ҳовуч кимсалар билан тил бириктириб олиб, қабиҳ ишларга кўлурмайди».

Конфуций деди: «Олижаноблар баъзи кишиларни бир-икки оғиз ширин сўзи учун мартабасин оширмайди ҳамда баъзи кишиларни хато-гуноҳи учун уларнинг дуруст сўзларига бепарво ҳам бўлмайди».

Конфуций деди: «Ўзингга тиламаганни ўзгага ҳам раво кўрма».

Конфуций деди: «Мен ўзгалар ҳақида кимни қоралаб, кимни мақтаганман? Агар мақтаган бўлсам, у сўзсиз синовдан ўтган кишидир. Ся, Шанг, Жоу каби уч суололарининг ҳаммаси шундай эди. Шунга бу уч суололанинг юрар йўли равон бўлган, эл меҳр-шофқатга чўмган».

Конфуций деди: «Мен яна тарихий китобларда гумонли масалаларнинг очиқ қолган ҳолларини кўрдим. Оти борлар авгалари отини бошқаларга миниш учун берган экан. Бундай одамлар ва ишлар ҳозирда йўқолиб кетди».

Конфуций деди: «Тилёғламалик одамнинг ахлоқини емиради. Агар арзимас ишларда ўзингни тута олмасанг, буюк ишларингни барбод қиласди».

Конфуций деди: «Ҳамма бир кимсадан ҳазар қилса, албатта, унинг муайян сабабларини текшириб кўргин; ҳамма бирор кишини суйса, тагин, албатта, унинг ҳам муайян арзирли сабабларини кўздан кечиргин».

Конфуций деди: «Кишининг иқтидори ахлоқини таракқий қилдириб кенгайтиради, ахлоқ асло кишининг иқтидорини тўлиқламайди».

Конфуций деди: «Тузатилмаган хато ҳақиқий хатоликдир».

Конфуций деди: «Мен кун бўйи туз тотмай, тун бўйи мизгимай фикр юргиздим, ҳеч бир нафи бўлмади, таринам илм олмоққа етмас экан».

Конфуций деди: «Олижаноблар қалбан тариқатга интиладилар, асло ҳавои нафсга берилмайдилар. Дехончилик қилганда, албатта, оч қолган чофлари ҳам бўлади. Билим олса, амалдор бўлиб, ҳаққи-ҳалол маош ҳам олади. Олижаноблар тариқатга эриша олиш-ол-

маслиқдангина тащвишланадилар, асло қашшоқлықдан хавфсирамайдилар».

Конфуций деди: «Ақл-фаросат билан амалдорлик рутбасига эришса бўлади, агар раҳмдиллик билан уни тутиб туролмаса, амалидан ҳам қуруқ қолади. Ақл-фаросат билан амалдорликка етишса ҳам раҳмдилликка таянса-ю, агар ўз бурчини астойдил адо этолмаса, фуқаролар ҳам ҳурмат ва итоат қилмайди. Ақл-фаросат билан амал-мартабага эришса, уни раҳмдиллик билан сақлаб қолса, ўз бурчини астойдил адо этса-ю, агар ахлоқ-қоидаларга мувофиқ тадбир билан энни идора қилолмаса, бу ҳам комил бўлолмайди».

Конфуций деди: «Олижанобларга майда-арзимаган ишларни қилдириб бўлмайди, уларга муҳим вазифаларни ишониб топширса бўлади. Худбиниларга бир жиддий вазифани топшириб бўлмайди, уларга майда ишлар ҳам бўлаверади».

Конфуций деди: «Оддий ҳалқقا раҳмдиллик сув ва олов эҳтиёжидан ҳам кўра зарурроқ. Мен сув ва ўт балосига йўлиқиб, ҳалок бўлганларни кўп кўрганман. Бироқ раҳмдиллик қилганларнинг ҳалокатга йўлиқчанин асло кўрмадим».

Конфуций деди: «Раҳмдил бўлмоқ учун устоздан изн сўралмайди».

Конфуций деди: «Олижаноблар Ҳақ йўлдан тоймайдилар, асло майда ишонч билан андармон бўлиб қолмайдилар».

Конфуций деди: «Шоху бекларнинг хизматини қилганда, аввало, ўз бурчини астойдил адо этмоқ лозим, маош-мояна масаласини эса кейинга қўймоқ керак».

Конфуций деди: «Одам зотининг барчасига таълимтарбия бермоқ зарур» («Мен ҳар бир кишига таълимтарбия бераман, уларни бой-камбарал, оқсусяк-паст деб ажратмадим»).

Конфуций деди: «Мақсад йўли ўхшаш бўлмаган кишилар билан маслаҳатлашиб, кенгашиб бўлмайди».

Конфуций деди: «Айтган ҳар бир сўзининг маъносини тўлик ифодалаб беролса бўлгани».

Устоз Миен* Конфуцийни йўқлаб келибди. Зина-поя қаршисига етиб келганида, Конфуций ул зотга: «Бу — зинапоя», дебди. Бўйра ёнига келишганда, Конфуций яна: «Мана бу — бўйра», дебди. Даврада ҳозир бўлганларнинг барчаси яхшилаб ўтириб олишгач, Конфуций Устоз Миенга тагин дебди: «Бу ерда одамлар бор, улар бу ерда жам бўлишган». Устоз Миен чиқиб кетгандан сўнг, толиби Зи Жанг сўради: «Бу кур одамлар билан сўзлашмоқ усулими?» Конфуций дебди: «Худди шундай, сизлар гувоҳи бўлганингиз азалдан айнан кўзи ожиз кишиларга ёрдам бериш усулидир».

*Устоз Миен — Миен номи билан машҳур бўғланган уста со занда.

Конфуций деди: «Хожатбарор дүст уч турлидир, зарарлы дүст ҳам уч хил бұлади. Тұғрисүз, самимий, күпни күрган оқыл кишилар билан дүстлашмоқ фойдалидир. Йұлдан озған нопок, иккіюзламачи, хушомадгүй кимсалар билан улфат бұлмоқ кони заар». (1)

Конфуций деди: «Олижанобларнинг хизматида бұлғанда осонгина бу уч хил хатоликни содир этиш мүмкін: сұзлаш фурсати келмаган бұлса-да, луқма ташлаб қўйиш — бу шошқалоқликдир; сўзлаши керак бұлған фурсат келганда аксинча, лом-мим демаслик — яширганликдир; ўзгани юз-хотир қўлмай оғзига келгани сўзлаш — бу пўписа қилиш демакдир».

Конфуций деди: «Олижаноблар уч нарсадан сақланмори керак: ёш чори қони қайноқ бұлади, шунда аёлларга берилешдан тийилмори керак; балоғат ёшига еттач, қизиққон бұлади, шунда ғурбат-жанжалдан сақланмори керак; кексайиб мадори кетганда очқузликдан сақланмори керак».

Конфуций деди: «Олижаноблар уч турли нарсадан ҳайиқади: тақдирдан, мартабаси улуғ кишилардан ҳамда донишмандларнинг сўзидан. Худбинлар эса тақдирнинг нима эканлигини тушунмайди, шунга ҳайиқиши билмайди, мартабаси улуғ зотларга илтифот кўрсатмайди, донишмандларнинг сўзини писанд қильмайди».

Конфуций деди: «Тұғма билим соҳиблари олий мартабали кишилардир. Қунт ила үқиб илм олганлар бир поғона қуи турадилар. Қийинчиликка йўлиқибгина

үқишига жазм этганилар янада қүйи поронададирлар. Қийинчиликка дуч қелиб ҳам билим олишни ихтиёр этмаганлар энг тубан поронадаги кишилардир».

* * *

Конфуций деди: «Олижаноблар мундоқ түккіз жи-
хатни назардан четда қолдирмасликлари керак: қара-
ганда равшан күрган-күрмаганligини; эшитганда
аниқ эшитган-эшитмаганligини; ранг-рүйидә мулол-
йим-мұлойим әмаслигини; муомалада одоб-хурматта
риоя қылған-қылмаганligини; сүзлаганда самимий,
лафзи ҳалол бұлған-булмаганligини; аъмолда астой-
дил-астойдил әмаслигини; күңгілда шубҳаю гумони
бұлса, ўзгалардан қандай маслаҳат олишни; қаҳру
разаб отига минар бұлса, унинг ёмон оқибати ва надо-
матни ўйлаб күрмөқлиги; бойлик ва фойдани күрган-
да одилликка мувофиқ келған-келмаганligини мулол-
хаза қилиб күрмөқ».

* * *

Конфуций деди: «Оқкүнгіл одамни күрганда гүё
етишолмай қоладигандек унга ҳафсала билан интил-
моқ керак. Разил одамни күрганда худди қайноқ сувга
құл солғандек жонининг борича ўзини тортиши керак.
Мен мана шундай кишини күрганман ҳам мана шун-
дай сүзларни эшитганман. Зоҳидликда ўз иродасини
сақлаб қолиб, адолат билан ўзининг олий ззгу тоясини
амалға ошириш мақсадида уни тарқ этмоқ керак. Мен
мана шундай сүзларни эшитганман, аммо мана шун-
дай кишиларни күрган әмасман».

* * *

Чи Жинг Гүнг отлиқ бойнинг түрт минг оти бўлар-
ди. Ўлар вақти етганда, ҳалқ наздида унинг ҳеч бир
мақтагудек яхши ахлоқ-фазилати йўқ эканлиги маъ-
лум бўлибди. Ҳиммати кенг Бўйи ва Шучи оға-ини
иккиси тогу тошларда очликлан қазо қилишган, бироқ

халқ ҳали-ҳануз уларнинг номини ҳурмат-эҳтиром билан тилга олади. «Назмнома»да нақл қилишларича: «Чиндан ҳам унинг (Чи Жинг Гүнгнинг) бой-бадавлат бўлганлиги сабабидан эмас, балки уларнинг (икки оғаниннинг) фазилати аъло, оддий кишилар бўлганликларидан шу даражада ҳурматланар». Айтилганлар айни шу маънода эмасми?

* * *

Конфуцийнинг шогирдларидан бири Чэн Ганг кунларнинг бирида Бў Юдан* сўрабди: «Сен устозникида қандайдир алоҳида сабоқ тингламаганмисан?» Бў Ю шундай жавоб қилибди: «Йўқ. Бир куни ул зот уйда ёлғиз ўтирадилар. Мен ҳовлида югуриб юрган эдим. Устоз: «Назмнома»ни ўқиганмисан?» дейа сўраб қолдилар. Мен: «Йўқ, ҳали», дедим хижолат чекиб. Ул зот яна айтдики: «Назмнома»ни ўқимасанг, сўзлай олмайсан». Мен шу заҳотиёқ оптимга қайтиб, «Назмнома»ни ўқишга тутиндим. Яна бир куни тағин ул зот уйда ёлғиз эдилар. Ҳовлидан шошиб ўтиб кетаётгандим. «Низомнома»ни* ўқиганмисан?» деб сўрадилар. «Йўқ», деб жавоб бердим. Ул зот айтдилар: «Низомнома»ни ўқимасанг, қатъий фикринг, жамиятда муносиб мавқеинг бўлмайди». Мен дарҳол оптимга қайтиб, «Низомнома» мутолаасига киришдим. Камина отамдан ушбу икки нарсани ўргандим, холос». Чэн Ганг оптига қайтгач, кувончи ичига сиғмай шундай деган экан: «Мен бир нарсани сўраб эдим, буни қарангки, уч ҳақиқатни билиб олдим: «Назмнома»нинг мазмун-моҳиятини, «Низомнома»нинг фойдасини, яна Устоздек олижаноб

*Бў Ю — Конфуцийнинг ўғли: исми — Күнг Ли

*«Назмнома» ва «Низомнома»ни шеър ва қоида деб тушуниш бирёқламалидир. «Низомнома» деганда — одоб-қоидалар, меъёр, «Назмнома» деганда — сўзи сиҳатлик, донишмандлик, ҳозиржавоблик каби аъло фазилатлар бирдек тушунилади.

бир инсоннинг ўз ўлига сараланган билимларини
ургатишда асло ён босмаганигини билиб олдим».

Конфуций деди: «Кишиларнинг табиати (мижози) аслида яқин бўлади, муҳит таъсирини қабул қилишлари ўзгача бўлганилигидан фарқлар ҳам чукурлашиб кетган».

Конфуций деди: «Энг ақлли кишилар билан энг иодон кишиларнигина ўзгартириб бўлмайди» («Энг ақлли кишилар билан энг аҳмоқ кишиларгина мижозини ўзгартирмайди»).

Толиби Зи Жанг Конфуцийдан қандай қилсагина раҳмдил бўлиши сирини сўраганида, устоз шундай деган экан: «Оlamда беш турли фазилатга эга бўлган киши раҳмдил бўла олади». Зи Жанг яна ул беш фазилатнинг қайсилигини сўрабди. Конфуций шундай деб жавоб берган экан: «Бу беш фазилат ушбу: иззат-икром, бағрикенглик, самимийлик, меҳнатсеварлик, муруват. Ўзгаларга хурматда бўлса, ҳақоратта учрамайди. Бағрикенг бўлса, омманинг қўллаб-кувватлашига эришади. Самимий бўлганда, бошқалар бирор юму什ни ишониб топширадилар. Меҳнатсевар бўлса, юксак муваффақиятлар қозона олади. Меҳрибон, сахий бўлса, бошқаларни осонгина ўз ортидан эргаштира олади».

Конфуций деди: «Хой, шогирдим Жўнг Йоу, сен олти турли фазилатнинг ўзига хос олти хил нуқсони борлигини эшитганмисан?» Толиби Зи Лу: «Йўқ, устоз», деб жавоб берибди. Конфуций шундай дебди: «Бўлмаса, ўтиргин! Айтганларимни жон қулоғинг билан тингла. Раҳмдилликни суйғанлар илмни севмаса, унинг нуқ-

сони шулки, кишиларга осонгина ахмоқ бұлади; ақли бұлишга орзуманд киши аксинча илмни севмаса, нұқсони улким, бебош-үзбошимча бұлиб қолади; са-мимий бұлиб-да, лек илмни севмаса, унинг нұқсони шулки, үз-үзига зиён қиласы; ростгүйликни севса-ю, илмни севмаса, айттар сүзи тикандек ботар ҳам заҳар-ханда бұлади; ботирликка учыб, илмни севмаса, унинг нұқсони шулки, осонгина олатасир-туполон чиқара-диган бұлади; событқадамликни суйса-ю, лек илмни севмаса, унинг нұқсони шулки, осонгина енгілтак ҳам савдойи бұлиб қолади».

* * *

Конфуций деди: «Эх, одоб, одоб дегани қимматбақо тошилардан ясалған маросим безакларими? Эх, соз, соз дегани маросимлардаги дүмбирага ўхшаш чолгу-ми?»

* * *

Конфуций деди: «Күринишдангина кучлидек, ле-кин иродаси заиф кишиларни худбиннларга муқояса қилганда том тешиб-девор ошадиган босқинчига ўхшайди».

* * *

Конфуций деди: «Муноғиқлик — ахлоқ-фазилат-нинг душманидир!»

* * *

Конфуций деди: «Миш-миш, гийбатлардан сақлан-моқ — ахлоқдандир».

* * *

Конфуций деди: «Қадимги одамларда уч хил иллат бор экан. Бу уч хил иллат, балки, ҳозиргиларда йүқол-гандир. Бурунги савдойилар ҳали бетакаллуф эса-да, майда, бұлмағур ишлар билангина овора бұлишмаган;

хозирги савдоиилар бұлса бебош ҳам фосиқ бұлиб кетди. Қадимги калондимоғлар ҳали қаҳри қаттиқ эсда, ҳарна диәнати бұлған; ҳозирги мутакаббирлар бұлса мұттаҳам бұлиб кетди. Бурунги аҳмоклар хұп ақли тұмтоқ, содда хаёл, хокисор бўлишган; ҳозирги калтафаҳм (аҳмок)лар бўлса нукул фирибгар ҳам ҳийлагар бўлиб қолди, холос».

Конфуций деди: «Хушомадгүй, иккюзламачи одамлар камдан-кам хушхулқ ҳам раҳмдил бўладилар».

Конфуций деди: «Мен ортиқ сўзламоқчи эмасман». Толиби Зи-гүнг: «Сиз ҳеч нарса демасангиз, унда биз толиблар нималарга ворислик қиласыз?» деб сўрабди. Конфуций шундай жавоб қилибди: «Боқинг, табиат нималарни сўзлайди? Йил-фасллар айланишида бир улги бор, борлық нарсаларнинг ўсиш-ўзгаришида бир ҳикмат бор. Табиат нималар ҳақида сўзламайди?»

Конфуций деди: «Аёл ва худбин кишилар билан бирга яшамоқ нақадар мушкүл: уларга жуда яқин бўлсангиз, ҳаддидан ошадилар; йироқлашгудек бўлсангиз, сиздан нафратланиб, ўч олишни ўйлайдилар».

Конфуций деди: «Киши агар қирқ ёшга кириб ҳам бошқаларнинг нафратига йулиқса, у умр буйи ҳеч нарсадан умид қилмабди».

Чи беклиги одамлари Лу беклигига жуда кўп гўзал қўшиқчи-раққоса қызларни совға қилиб жўнатишибди. Бек Жи Хуан Зи уларни қабул қилиб, маншатта

берилиб, кенгаш чақирмай, давлат ишлари ҳам қаровсиз қолибди. Конфуций шундагина Лу беклигини тарк этган экан.

Толиби Зи Йоу деди: «Қадрдоним Зи Жанг қадрлашга арзигулик киши бўлибди, шундай бўлса ҳам у ҳали раҳмдиллик қила олмабди».

Толиби Зи Гўнг деди: «Олижанобларнинг хатоси гўё куёш ва ойнинг тутилишига ўхшайди: хатолик ўтдими, ҳар бир киши уни кўра олади; хатосини тузатар чоғи эса ҳар қандай киши ҳам кўкка бир илинж билан бокқандек унга умид билан қарайди».

Лу беклиги (князлиги) дафу-тураларидан Шусун Вушу кунларнинг бирида император саройида шундай деган экан: «Шогирди Зи-гўнг қобилият ва доноликда устози Конфуцийдан кучлидир». Сарой аъёнаридан яна бири Зифу Жингбў ушбу сўзларни Зи-гўнгта айтганида, у шундай деб жавоб берган экан: «Доноликни бир деворга қиёс қиласилик. Менинг деворим баландлиги атиги одам елкасича бор: ҳар ким ундан мўралаб, уй-иморат ичинда неки гўзаллик бор — кўрмоғи мумкин. Устозим эса эгизлиги мисли бир неча жанглик* (саржинлик) девордир. Агар у деворнинг дарвозасин топа олмасангиз, ичкарига кирмоқнинг ҳеч имкони йўқ. Девор ортидаги подшоҳ аждодлари

*Жанг — 10 чига тенг узунлиги ўлчов бирлиги; 1 чи — метрнинг учдан бирига тенг узунлик ўлчов бирлиги; 1 жанг — 3.33 метрга тенг; асл нусхада: ж[р]эн — қадимги узунлик ўлчов бирлиги; саккиз газга тенг; газ — 0.71 метрга тенг; 1 саржин — 3 газ; 2.134 метрга тенг.

ибодатхонасининг гузаллигию ҳашаматли биноларнинг бетакрорлигидан ҳеч қачон баҳра ололмайсиз. Дарвозасин топа олган кишилар, балки, ниҳоятда оздири. Шусун Вушунинг бу сўзлари сохта, ҳавойиликдан ўзга нарса эмасми?»

Чэн Зи Чин деган киши Зи-гүнгита шундай дебди:
«Сен ҳазрат Конфуцийни ниҳоятда хурмат қиласанга? У салоҳиятда сендан донороқми?» Буни эшитган Зи Гүнг шундай жавоб берган экан: «Олижаноб кишининг бир оғиз сўзидан унинг донолигини билса бўлади, унинг бир оғиз сўзидан нимани билмаслиги ҳам ойдин бўлади. Сўзда эҳтиёткорлик, яъниким ноўрин сўздан тийилмоқлик лозим. Доноликда ўзгалар устозимга етолмайди. У зотнинг донолиги гўё нарвон билан ҳам чиқиб бўлмайдиган осмон кабидир. Устозим агарда элни идора қилмоқ мартабасига муюссар бўлса, мен айтганимдек бўлар: оддий халқнинг жамиятда ўз ўрнида бўлишини истаса, авом ҳам ўз муносиб ўрнида бўлади; халқقا етакчилик қилмоқчи бўлса, халқ ҳам, шубҳасиз, унга эргашади; халқни фаровон, хотиржам қилмоқчи бўлса, халқ ҳам унга эл бўлади; халқни йўлга солмоқчи бўлса, халқ ҳам бир ёқадан бош чиқариб, мақсаднинг амалга ошиши учун бор кучини ишга солади. Ул зотнинг ҳаёт бўлмоғи шарафлидир, вафоти одамлар учун қайгулидир. Шундай экан, камина қандай қилиб Устозга ета олсин?!»

Илм билан фазилатга осонликча эришиб бўлмайди.

**МАНГУ ИБРАТ ЁХУД ОЛТИН
ЗАНГЛАМАС**
(Сўнгсўз ўрнида)

Шарқ тафаккури — абадият булоғидир, минг йилдирки, инсоният унинг ҳаётбажш сувларидан баҳраманд. Биз ўрганаётган Конфуций сингари Хитой мутафаккирлари бу булоқнинг бир қатрасидир. Лекин бу қатраларнинг биргинаси олам-жаҳонга татигулик.

Конфуций — Шарқ фалсафасининг ажралмас қисми бўлган Хитой фалсафа мактабининг ёрқин намояндаларидан бири, конфуцийчилик таълимотининг асосчиси, маърифатпарвар, файласуф, улуғ мутафаккир. Қанчадан-қанча буюк сиймолар бу донишманднинг ҳикматларидан илҳомланган. Унинг ҳикматлари халқона ва ҳаётийлиги учун кишилар томонидан ўнгай қабул қилинади. Халқоналиги — инсонпарвар, халқпарварлигида, содда тил ва оддийлигида. Конфуций ҳикматлари ҳар қандай «жимжимадорлик»дан холи. Ҳаётийлиги, бу донишманд ўз ҳикматлари орқали ўртага ташлаган муаммолар ечими ҳали ҳануз ўз аҳамиятини йўқотмаганилигидадир. Буюк инсонларнинг фикру ёди бирдир.

Донишманднинг катта ҳаётий тажрибаларидан чиқарган хуносалари, мулоҳазалари унинг «Муҳокама ва баён» асарида акс этган. Мазкур асар мавзу жиҳатидан бой. Унда ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, ҳукукий, маънавий-маърифий ва бошқа мавзуларга доир доно фикр-мулоҳазалар мавжуд, инсон моҳияти ҳақида теран мушоҳадалар юритилган ва улар рамзий тимсоллар, ҳаётий мисоллар билан мухтасар баён этилган. Конфуций ҳикматларини ўрганиш, уларни хитой тилидан ўзбек тилига таржима қилиш жараёнида бир жиҳат алоҳида эътиборимизни тортди: бу ҳам бўлса Конфуций ҳикматларининг ўзбек халқ донишмандлиги билан ўхшаш томонларининг мавжудлиги. Донишманднинг пурмаъно ҳикматлари нуроний отахон-

ларимизнинг панд-насиҳатлари каби қулоғимизга жуда таниш ва ёқимли эшитилади. «Конфуций шундай деди: «Қобил фарзанд бўлиш, катталарга ҳурмат — булар раҳмдилликнинг асосидир». Бу ҳикматда раҳмдиллик сўзи инсонпарварлик, одамийлик истилоҳлари билан маънодош. Хитой мақолида айтилганидек: «Қобил фарзандлик минг яхшиликнинг аввалидир». Доно ҳалқимизда эса «Қобил ўғил отта миндирап, ноқобили отдан туширап», «Каттанинг ҳурмати — қарз, каби мақоллар бор.

Раҳмдиллик Конфуцийнинг марказий роясидир. Аниқроқ қилиб айтадиган бўлсак, инсонийликнинг мазмун-моҳиятидир. Мутафаккир наздидаги раҳмдилликнинг асоси ўз ёнимиздаги кишиларни тушуниш ва қадрлашдадир. Раҳмдиллик энг юқори ахлоқ мезонини англатадиган истилоҳ саналади. Юқорида айтилган «ўхшаш жиҳатлик»лар ҳақида кўплаб мисоллар келтириш мумкин. «Муҳокама ва баён нинг биринчи ҳикматида шундай дейилади: «Илм олгач, вақти ғаниматда доимо уни такрорлагин, бу-да кўнгилга ҳузурлик бахш этмасми?..» Асарнинг илм ҳақидағи ҳикмат билан бошланишидаёт бир рамзийлик бор. Илму маърифат инсоннинг ўзини англашида, яъни комилликка эришувида муҳим омилдир. Конфуций рояларида ҳар бир нарса уч қирралидир, мисол учун илм: унга эришмоқ йўлида ихлос ва сабр-қаноат керак, эришсан пайт — саодат ҳамда учинчиси уни мустаҳкамлаб, бойитиб бориш лозим, лекин асло бой бериб кўймаслик. Амалдорлик масаласида: унга муносаб, лойик бўлишилик; унга эришмоқлик; унга вафодор бўлишилик, яъни ўз вазифасини сидқидилдан адо этиш. Донишманд учаласига ҳам безътибор бўлмаслик кераклиги ни таъкидлайди.

«Муҳокама ва баён»да «Илм олиш — жонга ҳузур», «одоб-қоиданинг аҳамияти уйгунилкда бебаҳолигидар» ва меъёр-мұтадиллик каби тушунчаларга, шунингдек, раҳмдиллик, қобил фарзандлик ва лафзи

ҳалоллик сингари ахлоқий категорияларга алоҳида ургу берилган. Асарни ўқир эканмиз, унда асосан Конфуцийнинг «элни ахлоқ ила идора қилиш» ҳақидаги роялари, қандай қилиб амал-мартабага сазовор бўлишлик ва амалдор бўлиб ҳукумат ишларида иштирок этишнинг энг муҳим қонун-қоидалари, ахлоқий-мавжудий талаблари, ўқиш ва фикрлаш муносабатлари, Конфуций ўзининг илм олиш ҳамда ўз-ўзини камолотга етказиш жараёни, эски билимларни мустаҳкамлаб, янгисига эришиш сингари ўқиш усули, одам ва олам, ҳаёт масалалари түғрисида сўз боради. Конфуций оқил ва одил подшоҳ бошқарувидаги аъло бир жамият, комил инсон, олижаноблар мамлакати ғояси-ни илгари суради. Кейинчалик бобокалонимиз Форобий «Фозил одамлар шаҳри» асари билан бу қарашларнинг назарий тараққиётига улкан ҳисса кўшдиар.

Конфуций сўзу амал бир бўлишлигини, яъни айтар сўзнинг қилар ишга мувофиқдигини талаб қилган ва, аввало, ўзи бунга амал қилган. У ўз хатти-ҳаракатлари билан атрофдагиларга ўрнак бўлган. Шу боис, ҳикматларини ўзгалар қадрлаган.

Конфуций бир куни дарё қирғогида туриб шундай деган экан: «Вақт мисоли дарё: кеча-кундуз тұхтамай оқиб ўтаверади». Ўтаётган вақт – умрни оқаётган дарё – сувга қиёс қилишни, эҳтимол, Конфуций айни мана шу сўzlари билан бошлаб бергандир. Вақт тушунчасига жиқдий аҳамият бериб, донишманд шогирдларига берган сабоқларида тез-тез «ғанимат вақт»га ишора қиласи. Бу билан мутафаккир камолот йўли олис йўл экани, илмнинг чек-чегараси йўқлигини таъкидлаб, бир сония бўлсин, ўз-ўзимизни тарбия қилиш ва илм олишдан тұхтамасликка чақиради.

Тажрибали таржимонлар шоҳ асарларни ўша асар ёзилган тиlda ўқилса, таржима вариантидан кўра яхшироқ ҳузур беришига иқрор бўлишган. Мисол учун «Ўткан кунлар»ни ўзбек тилица ўқишга нима етсин?! Айтмоқчиманки, менда хитой тилица ўқиш имкония-

ти бұла туриб, «Мұҳокама ва баён» сингари асарларни
үз ти哩да үқимаслигим, бу менинг үз-үзимни Конфу-
цийнинг асл сүзидан чиқаражак хulosam ға ундан
жосил бұлажак «фикрлаш лаззати»дан маҳрум этиш
билан баробар. Донишманднинг иккى ҳикматини «ти-
рикчилигим дастури» қылғы олғанман. Биринчиси:
«Тонгда ҳақиқатдан хабар топсам, тунда қазо ҳам
ризолидир». Иккинчиси: «Уч йүловчи орасида менга
устоз бұлғудек бири топилади: унинг аъло томонлари-
дан үрнак олсам, камчиликларидан ҳам сабоқ чиқа-
риб, хатоларимни тузаттум».

Вақт тұхтамай үтаверади, бироқ үша вақт саҳифа-
ларига заржал ҳарфлар билан битилған донишманд
үтітлари сира эскирмагай! Олтін асло занглаамас!

Илхам ҚОСИМОВ

МУНДАРИЖА

Конфуций ўзбек тилида сўзламоқда...	3
Конфуций ёхуд ҳаёт сабоқлари (Ўзбекча таржимага сўзбоши ўрнида)	10
Муҳокама ва баён (Асардан парчалар)	22
Биринчи қисм	22
Ҳалим («Назмнома» Жоуга қасида•Йунг»)	106
Иккинчи қисм	117
Мангу ибрат ёхуд олтин зангламас (Сўнгсўз ўрнида)	176

Адабий-бадиий нашр

КОНФУЦИЙ

МУҲОКАМА ВА БАЁН

(Қайта ва тўлдирилган нашр)

Муҳаррир Гавҳар МИРЗАЕВА

Бадиий муҳаррир Уйгун СОЛИХОВ

Мусахҳиҳ Нилуфар ЖАББОРОВА

Компьютерда саҳифаловчи Феруза БОТИРОВА

Босишига 18.03.2013 й.да руҳсат этилди.

Бигими 84x108 1\32.

Босма тобори 5,625. Шартли босма тобори 9,45.

Гарнитура «Bookman Сут+Uzb». Офсет қороз.

Адади 2000 нусха. Буюртма № 56.

Баҳоси келишилган нарҳда.

«Янги аср авлоди» НММда тайёрланди.

Лицензия раҳами: АИ№198. 2011 йил 28.08да берилган.

«Shams-Asa» босмахонасида босилди.

Тошкент, Бунёдкор шоҳ кўчаси, 28.

«Ёшлилар матбуоти» босмахонасида мұқоваланди.

100113. Тошкент, Чилонзор-8, Қатортол кўчаси, 60.

Мурожаат учун телефонлар:

Нашр бўлими – 278-36-89; Маркетинг бўлими – 128-78-43

факс – 273-00-14; web-сайтимиз: www.yangiasr.uz

интернет-дўкон: www.yangidavr.uz

e-mail: yangiasravldi@mail.ru



НАУКОВА ДУМКА

ISBN 978-9943-27-013-8

A standard linear barcode representing the ISBN number.

9 789943 270138